

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 3 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 3

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 3



TOSHKENT-2023

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
№6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6>

Бош муҳаррир:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирининг ўринбосари

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Абдоржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

*Юристар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

Юридик фанлари доктори, профессор

Тошев Бобоқул Норқобилович

Юридик фанлари доктори, профессор

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси бошлигининг ўринбосари,
юридик фанлари доктори, профессор*

Ташкулов Джурабай

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти тарихий-назарий,
давлат-ҳуқуқий ва конституциявий ҳуқуқий
фанлар бўлими бошлиғи, юридик фанлар
доктори, профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Юридик фанлари доктори, профессор

Баймолдина Зауреш Ҳамитовна

*Қозғистон Республикаси Олий Суди
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

Здрок Оксана Николаевна

*Белорус давлат университети судьялар, ҳамда
суд, прокуратура ва адлия муассасалари
ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларни
малакасини ошириш институти директори*

Масъул котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристар малакасини ошириш маркази
доценти, юридик фанлари номзоди*

Саҳифаловчи: Халиков Миртоҳир Мирзакирович

Контакт редакци журнали:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

№6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6>

Главный редактор:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Заместитель министра юстиции
Республики Узбекистан

Заместитель главного редактора:
Отажонов Абборжон Анварович

Профессор Центра повышения
квалификации юристов при Министерстве
юстиции, доктор юридических наук,
профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:
Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

Окюлов Омонбой

*Профессор Центра повышения квалификации
юристов, доктор юридических наук, профессор,
Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

Саидова Лола Абдувахидовна

Доктор юридических наук, профессор

Тошев Бобокул Норкobilович

Доктор юридических наук, профессор

Мамасиддиков Музаффаржон Мусажонович

*Заместитель начальника Академии
правоохранительных органов Республики
Узбекистан, доктор юридических наук,
профессор*

Ташкулов Джурабай

*Заведующий отдела историко-
теоретических, государственно-правовых и
конституционно правовых наук Института
государства и права Академии Наук
Республики Узбекистан, доктор юридических
наук, профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Доктор юридических наук, профессор

Баймолдина Зауреш Хамитовна

*Ректор Академии правосудия при Верховном
Суде Республики Казахстан, кандидат
юридических наук*

Здрок Оксана Николаевна

*Директор Института переподготовки и
повышения квалификации судей, работников
прокуратуры, судов и учреждений юстиции
Белорусского государственного университета*

Ответственный редактор:
Рахманов Шухрат Наимович

*Доцент Центра повышения квалификации
юристов, кандидат юридических наук*

Верстка: Халиков Миртохир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD

№6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6>

Chief Editor:
Rabiyev Sherzod Mirjalilovich

Deputy Minister of Justice of the
Republik of Uzbekistan

Deputy Chief Editor:
Otajonov Abrorjon

Professor at the Lawyers' Training Center,
Doctor of Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD

Oqyulov Omonboy

Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan

Saidova Lola

Doctor of Law Sciences, Professor

Toshev Bobokul

Doctor of Law Sciences, Professor

Mamasiddikov Muzaffarjon

Deputy Head of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, Professor

TashkulovDjurabay

Head of the department of Historical-Theoretical, State-Legal and Constitutional-Legal Sciences of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor

Otaxonov Foziljon

Doctor of Law Science, Professor

Baymoldina Zauresh

Rector of the Academy of Justice at the Supreme Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of Legal Sciences

Zdrok Oksana

Director of the Institute for Retraining and Qualification Upgrading of Judges, Prosecutors and Legal professionals at the Belarusian State University

Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat

Acting professor of the Lawyers' Training Center, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

Pagemaker: Khalikov Mirtokhir

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. АЗИЗОВ Нигмонжон Пардаевич ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	8
2. СУФИЕВА Дилафруз Улугбековна КОНСТИТУЦИОННЫЕ ГАРАНТИИ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА НА ПРИМЕРЕ НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЗБЕКИСТАНА И КАЗАХСТАНА	15
3. ОЛЕЙНИК Димитри КОНСТИТУЦИОННЫЕ ПРИНЦИПЫ КАК КРИТЕРИИ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ АДМИНИСТРАТИВНОГО ПРОЦЕССА	21
4. РАХМОНОВ Толиб АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЮСТИЦИЯ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ	26

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

5. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич РАҚАМЛИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ - БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР.....	33
6. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ И ПУТИ РЕШЕНИЯ В НОВОМ ЗАКОНЕ ОБ ОБЩЕСТВАХ С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ	41
7. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА ОИД МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ВА КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	48
8. ЮЛДАШОВ Абдумумин Абдугопирович ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ЎЗАРО КЕСИШМАСИ: ҲУҚУҚИЙ НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ	54
9. TOSHKANOV Nurbek Bahriddinovich AN'ANAVIY BILIMLAR VA ULARNING HUQUQIY IFODASI BO'YICHA VA'ZI MASALALAR.....	61

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

10. РАХИМБЕРГАНОВА Бону Давлатназаровна ВАҚТИНЧАЛИК ИШЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	68
---	----

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

11. ОТАХОНОВ Фозилжон Хайдарович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ НОРМАЛАРИНИ СУДЛАР ТОМОНИДАН
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА АҲАМИЯТИ75

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

12. ХАКИМОВ Равшан Тулкунович

МЕЖДУНАРОДНЫЙ УГОЛОВНЫЙ СУД И ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ
ПРЕСТУПЛЕНИЯ АГРЕССИИ82

13. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАҲЛИЛИ..... 94

14. РАХИМОВА МУАТТАРА АБДУСАТТАРОВНА

ВОПРОСЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ УСТАВНЫХ ОРГАНОВ
МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ 104

15. ВАЛИЖОНОВ Далер Дилшодович

ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ В ЕВРОПЕЙСКОМ СОЮЗЕ
(СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ)..... 114

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА.

16. КЎЧИМОВ Шухрат

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ТИЛИ ВА ЮРИСЛИНГВИСТИКА: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ
ТАЖРИБА 121

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

АЗИЗОВ Нигмонжон Пардаевич

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Давлат ва ҳуқуқ
институти бош илмий ходими, юридик фанлар доктори, профессор
E-mail: n.azizov@islas.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АЗИЗОВ Н.П.
Ўзбекистонда ижтимоий давлат барпо этишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари //
Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2023) Б. 8-14.

 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ижтимоий давлатчилик ғояларининг вужудга келиши, унга бўлган ёндашувлар, ижтимоий давлат белгилари, хусусиятлари, халқаро ҳуқуқий-ҳужжатларда ва хорижий мамлакатлар конституцияларида ижтимоий давлат тамойилларининг акс этиши, Ўзбекистон Конституциясида ижтимоий давлат тўғрисидаги қоидаларнинг мустақамланиши, унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари, жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ислохотлар баён этилган, шунингдек, муаллиф томонидан тавсиявий хулосалар билдирилган.

Калит сўзлар: Конституция, ижтимоий давлат, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий давлат белгилари, табиати, ижтимоий давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари.

AZIZOV Nigmonjon

Chief researcher of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of
the Republic Uzbekistan, Doctor of Law, professor
E-mail: n.azizov@islas.uz

CONSTITUTIONAL AND LEGAL FOUNDATIONS FOR CREATION OF A SOCIAL STATE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article analyzes the emergence of ideas of a social state, approaches to it, signs and characteristics of a social state, reflection of the principles of a social state in international legal documents and constitutions of foreign countries, the consolidation of provisions on a social state in the Constitution of Uzbekistan, the constitutional and legal foundations of a social

state, social, economic, political, legal, cultural reforms, as well as the author's conclusions and recommendations.

Keywords: Constitution, social state, human rights, signs of a social state, nature, constitutional and legal foundations of a social state.

АЗИЗОВ Нигмонжон Пардаевич

Главный научный сотрудник Института государства и права Академии наук Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор
E-mail: n.azizov@islas.uz

КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются возникновение идей социального государства, подходы к нему, признаки и характеристики, отражение принципов социального государства в международно-правовых документах и конституциях зарубежных стран, закрепление ее положений в Конституции Узбекистан, также ее конституционно-правовые основы связанные с социальными, экономическими, политическими, правовыми, культурными реформами, в связи с чем приведены выводы и рекомендации автора.

Ключевые слова: Конституция, социальное государство, права человека, признаки социального государства, природа, конституционно-правовые основы.

Давлат ўз тараққиётида узоқ ва мураккаб босқични босиб ўтди. Шу давр мобайнида у оддий шаклдан, бугунги замонавий давлат қўринишидаги, асосий вазифаси инсон ва унинг камолотини таъминлашдан иборат бўлган тузилмага айланиб борди. Лекин бундай ўзгариш ўз-ўзидан содир бўлган эмас. Инсониятнинг буюк мутафаккирлари, сиёсат арбоблари, умуман халқнинг меҳнати натижаси ўлароқ юзага келди. Шундай ҳодисалардан бири – ижтимоий давлат ҳодисасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "..., ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб беради. У – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир" [1, Б.489].

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 7 декабрда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллигини нишонлаш муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида, Ўзбекистон Конституциясини жамият тараққиётига монанд ҳолда ривожлантириш, унинг замон талабларига мослаштириш тўғрисидаги таклифни илгари сурди. Унда "инсон – жамият – давлат" тамойилини миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлаш; иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлишини таъминлаш; оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйиш; ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши лозимлиги; "Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлаш; болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши; экологияга оид қоидаларнинг конституциямизда мужассамланиши; Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси бўлмиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий

даражада мустақкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди [2, Б.320-321].

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Инсон қадрли” учун етти йўналишда 100 та мақсад белгилаб олинди. Эътиборли жиҳати, 100 та мақсаддан 34 таси бевосита ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилганлиги бу ҳам мамлакатимизда ижтимоий давлат ғоясини илгари сурилаётганлигига яққол мисолдир [3].

“Ижтимоий давлат”нинг энг муҳим бўлган ушбу ҳолатлар Янги Конституциямизда ўзининг мужжасам ифодасини топди. “Ижтимоий давлат” тушунчаси нимани англатади? Унинг қандай белгилари ва хусусиятлари мавжуд. Ижтимоий фанларда бу соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, муайян хулосаларга келинган. Айнан ҳуқуқшунослик соҳасида “ижтимоий давлат” тушунчаси нисбатан кам ўрганилган.

“Ижтимоий давлат” тушунчаси илк бор 1850 йилда немис олими Лоренц фон Штейн томонидан илмий муомалага киритилган. Унинг таъкидлашича, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиши, барча ижтимоий табақалар учун ўз ҳокимияти орқали шахсий ҳуқуқларда мутлақ тенгликни таъминлаши лозим. Бунда инсон камолоти давлат равнақи учун зарурий шарт ҳисобланади [4, Б.281].

Проф. В.М.Баглайнинг фикрича, “социал (ижтимоий) давлат, фуқароларни иш билан таъминланишига шароит яратадиган, умумий даромадларни бюджет воситасида қайта тақсимлайдиган, одамларга турмуш кечиришнинг энг қўйи чегарасини (минимумни) таъминлайдиган, кичик ва ўрта мулкдорлар хиссаси кўпайишига кўмаклашадиган, ёлланма меҳнатни муҳофаза қиладиган, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва оила хусусида ғамхўрлик қиладиган, ижтимоий таъминотни мунтазам яхшилайдиган давлатдир” [5, Б.137].

Профессор О.Э.Лейст таъбирича, “социал давлат” нафақат ҳуқуқий тартиботни муҳофазалаши, шунингдек, кам таъминланганлар ва бутун жамият манфаати учун ижтимоий сиёсатни амалга ошириши (қонун воситасида иш куни давомийлигини, болалар ва аёллар меҳнатини чеклаш ҳамда таъқиқлашни, меҳнатга қобилиятсизларни ижтимоий ҳимоялашни, ишсизларни иш билан таъминлашни, давлат ҳисобидан умумий ўрта таълимни, бепул медицина хизматидан фойдаланиш кабиларни ҳуқуқий тартибга солиши) лозим [6, Б.346].

Профессорлар Е.И.Козлова ва О.Е.Кутафин ижтимоий давлатни ижтимоий тенглик, умумий ҳамжиҳатлик ва ўзаро масъуллик принципларининг ҳуқуқ воситаси мустақкамланганлигига таяниб, юсак ижтимоий тараққиётни таъминлашни бош вазифаси сифатида билувчи давлат, деб таърифлайдилар. Ижтимоий давлат заиф инсонларга кўмаклашади, иқтисодий (моддий) бойликларни ижтимоий адолат принципи руҳида тақсимлаб, ҳар бир инсонга муносиб ҳаёт кечиришни таъминлашга интилади [7, Б.131].

Проф. Ф.Отахонов “ижтимоий давлат” қуйидагича таърий беради: “..., ижтимоий давлат, энг аввало, ижтимоий адолат ҳақида, ўз фуқароларининг фаровонлиги, ижтимоий ҳимояланганлиги хусусида ғамхўрлик қиладиган давлатдир. Бундай давлат ўз фаолиятини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари: ишсизлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, боқувчисидан маҳрум бўлганлар, ногиронлиги бўлган инсонлар, болалар, кексаларни ижтимоий ҳимоялаш билан узвий олиб боради” [8].

Тадқиқотчи Ш.Жолдасованинг таъкидлашича, “Ижтимоий давлат» тушунчаси «Инсон қадрли» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу ғоянинг туб негизида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужжасам. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш беради. У ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш буйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир” [9].

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларининг (Германия, Франция, Италия, Россия, Туркия, Дания, Швеция ва бошқ.) конституцияларида “ижтимоий давлат” (“социал давлат”) формуласи ўз ифодасини топди. Бу тушунча

бевосита кўринишда Германия Конституциясининг 20-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, Германия “демократик ва ижтимоий федерал давлат” деб эълон қилинган. Шунингдек, Франция Конституциясида “бўлинмас, дунёвий, ижтимоий, демократик республика”, Испания Конституциясида эса “ҳуқуқий, демократик, ижтимоий давлат”, Туркия конституциясида “*демократик, дунёвий ва ижтимоий ҳуқуқий давлат*” тамойили ўз ифодасини топган [10].

Юридик адабиётларда ижтимоий давлатнинг табиатига, белги ва хусусиятларга оид турли талқинлар берилди. Бир қатор тадқиқотчилар ижтимоий давлатни фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини (яъни, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва бошқ.) эълон қилувчи ёки пенсия ва бошқа нафақаларни таъминловчи давлат деб баҳолайдилар [11, Б.62-63]. Аммо, бу ёндашув ижтимоий давлатнинг ўта бой маъносини етарлича очоолмайди. У анча теран ва кенг мазмун-моҳият касб этади.

Давлат кенг қамровли ижтимоий фаолиятни амалга оширади. Ушбу фаолият йўналишлари қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Европа ижтимоий хартияси ва бошқаларда белгилаб қўйилган. Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, давлат ҳар бир шахснинг ўзи ва оиласининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун ғамхўрлик кўрсатади.

Лекин юқорида айтиб ўтилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда давлатнинг ушбу ғамхўрлиги қандай даражада ва миқдорда бўлиши қатъий равишда белгиланмаган. Баъзи ҳолларда улар «муносиб», бошқа бирларида - «етарли», бошқаларида - «қониқарли», тўртинчиларида - «минимал» даражада таъминлаш лозимлиги таъкидланади. Бу шундан далолат берадики, барча даврлар ва халқлар учун мос келадиган универсал турмуш даражаси йўқ ва мавжуд эмас [12, Б.5-14].

Ўзбекистоннинг 2023 йил 30 апрелда умумхалқ референдумида қабул қилинган қилинган янги Конституциясида “ижтимоий давлат” тушунчаси муҳрланди. Маълумки, Конституция давлат учун аниқ ижтимоий дастурни белгилаб бермайди, балки унда давлат сиёсатининг конституциявий-ҳуқуқий асослари белгиланади.

Ижтимоий давлат ҳодисаси тадқиқотчилари ижтимоий давлатни тавсифловчи ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатадилар: меҳнатни ва одамлар соғлиғини муҳофазалаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг минимал миқдорини кафолатлаш, оилани, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ногиронлар ва кексаларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсияларини, бошқа тўлов ва нафақаларни белгилаш, ялпи ижтимоий ҳимояни кафолатлаш ва ҳ.к [13, Б.21].

Бироқ давлат жамият ва инсонларнинг барча эҳтиёжларини тўла таъминлаб беради, деб умид қилиш тўғри эмас. Давлат ҳамма нарсани муҳайё қилади, мурувват манбаи бўлади, деб боқимандаликка берилиш ҳам маъқул эмас.

Ҳозирги босқичда ҳуқуқ назарийетчилари, олимлар ва социологлар деярли бир овоздан давлат ижтимоий ёрдам билан шуғулланиши лозимлиги, яъни одамлар ўзини энг кам яшаш минимуми билан таъминлашга қодир бўлмаган жойда ва вақтда шуғулланиши шарт деган фикрни илгари сурадилар. Фақат бу қонданинг амал қилиши битта шарт мавжуд: ҳар бир меҳнатга лаёқатли шахс ўзини ва оиласини яшаш учур зарур бўлган неъматлар билан таъминлашга мажбур. Унга нисбатан давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий таъминот функцияси иккинчи даражали ва ёрдамчидир. Давлатнинг масъулияти шахс ўзи ва оиласининг эҳтиёжларини қондира олмасгина пайдо бўлади [12, Б.5-14].

Қатор хорижий мамлакатлар конституцияларида инсоннинг меҳнат қилиш мажбурияти конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Франция Республикаси 1958 йилги Конституциясида “Ҳар бир инсон меҳнат қилишга мажбур...” эканлиги; Япония Конституциясининг 27-моддаси 1-қисмида: “Ҳар ким меҳнат қилиш ҳуқуқига эга ва меҳнат қилишга мажбурдир” Португалия Республикаси

Конституциясининг 58-моддаси 2-қисми: «Меҳнат қилиш мажбурияти меҳнат қилиш ҳуқуқидан ажралмасдир. Истисно касаллик, ёш ёки ногиронлик туфайли меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган шахслар учундир»; Испания Конституциясида (35-модда, 1-қисм): “Барча испанлар ишлашга мажбурдирлар ва ишлаш ҳуқуқига эга ...”; Италия Республикаси Конституциясининг 4-моддасига кўра, “...Ҳар бир фуқаро ўз имкониятларига мувофиқ ва унинг танлови асосида жамиятнинг моддий ёки маънавий тараққиётига ҳисса қўшадиган фаолиятни амалга ошириш ёки функцияларни бажаришга мажбурдир”; Полша Республикаси Конституциясига кўра (82-модда) “Полша фуқароси мажбурияти бўлиб, Полша Республикасига содиқлик, шунингдек, умумий манфаатлар учун ғамхўрлик ҳисобланади” [10].

Конституцияларда мустақкамланган меҳнат қилиш мажбурияти – маҳнатнинг мажбурийлигини англатмайди. Ҳар бир шахс, ўз қобилияти, иқтидори, билими, кўникмасига мос равишда касб танлаши, меҳнат қилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясида ижтимоий давлат тушунчаси, амал қилиш тамойиллари, фаолият йўналишлари мужассам ифодасини топган. Конституциямиз муқаддимасида, Ўзбекистоннинг ягона халқи инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқат, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашни мақсад қилган ҳолда ушбу Конституция қабул қилинганлиги ва эълон қилиниши мустақкамланган.

Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат эканлиги, 14-моддасида эса, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга ошириши белгиланган.

Конституциямизнинг 42-моддасида, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши кўзда тутилган.

Шубилан бирга, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради (**43-модда**).

Ўзбекистон Конституциясида миллий қадриятларга таянган ҳолда, ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эгаллиги, қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги мустақкамланган (**46-модда**).

2022 йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. 2017 йилда 500 мингта кам таъминланган оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилага кўмак берилмоқда. Бу борада ажратилаётган маблағлар 7 баробар кўпайиб, йилига 11 триллион сўмга етди [8].

Ҳар бир шахс эҳтиёжидан келиб чиқиб, Асосий Қонунда фуқароларни уй-жой билан таъминлаш ҳуқуқий белгиланган. Конституциянинг **47-моддага кўра**, ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади. Давлат уй-жой

қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади. Охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурилгани, қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 миллион 300 мингга етгани ҳам фикримизнинг ёрқин ифодасидир [17].

Жамиятнинг тараққий этиши, ўз навбатида унинг аъзоларининг соғлом бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, конституция 48-моддасида инсоннинг соғлиғини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари белгилаб қўйилди. Унга кўра, ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради. Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади (48-модда).

Соғлиқни сақлаш соҳасида бюджетдан ажратилган маблағлар 7,3 трлн. сўмдан 24,7 трлн. сўмга, шифокорларнинг ўртача ойлик маоши 1131,2 минг сўмдан 3282,7 минг сўмга, ҳамширалар маоши 692,1 минг сўмдан 2008,6 минг сўмга, дори воситалари ва тиббий буюмлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар 0,4 трлн.сўмдан 1,8 трлн.сўмга, тиббиёт соҳасидаги ОТМлар сони 7 тадан 9 тага, хусусий тиббиёт ташкилотлари сони 4 000 тадан 7 049 тага етказилди [14].

Комил инсонни тарбиялаш таълим тизимининг самарадорлигига боғлиқдир. Конституцияда ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратида эканлиги, таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши белгиланган.

Таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида мактабгача таълим билан қамров даражаси 27,7 фоиздан 67 фоизга, мактаблардаги малакали олий маълумотли ўқитувчилар улуши 81,8 фоиздан 87,8 фоизга, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга ошиб, 2 миллионга яқин боланинг боғча билан қамраб олинди. Олий таълим муассасалари 2,5 баробарга ортиб, олий таълимга қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга етди 40 дан зиёд олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилиши [14].

Конституцияга биноан давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади (79-модда).

Айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлашда илғор замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда, йигит-қизларимиздан 5,2 минги “Future Skills Uzbekistan” ва “Бир миллион дастурчи” лойиҳалари доирасида ИТ касбларига, 6,4 минги “Ёшлар 1+1” ва “Тадбиркор аёл” лойиҳалари доирасида тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тиллар бўйича ўқитилди [9].

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг янги Конституциясида “ижтимоий давлат”

ҳодисасининг мустаҳкамланиши, жамият тараққиёти учун муҳим босқич бўлиб, давлат, ҳуқуқ, сиёсат, иқтисодиёт ривожланишининг янги йўналиши учун туртки бўлди. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий соҳа вакиллари, жумладан, ҳуқуқшунослар учун шу соҳадаги илмий тадқиқотларни кучайтиришни, “ижтимоий давлат” ҳодисаси қирраларини тадқиқ этиш зарурлигини англади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Конституциявий ислоҳотларимизнинг бош мақсади – инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир // Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз. Т.6. –Т., “O‘zbekiston”, –Б.489.
2. Мирзиёев Ш.М. Ижтимоий давлат тамойили Янги Ўзбекистоннинг бош мақсади бўлади // Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз. Т.6. –Т., “O‘zbekiston”, –Б.320-321.
3. Расулов Н. Конституциявий ислоҳотлар: ижтимоий давлат тамойиллари қандай нормалар орқали мустаҳкамланмоқда? // <https://aniq.uz/yangiliklar/konstitusiyaviy-islohotlar-ijtimoiy-davlat-tamoyillari-qanday-normalar-orqali-mustahkamlanmoqda>
4. Штейн, Л. фон. История социального движения Франции с 1789 г. - СПб. : Тип. А. М. Котомина, 1872. - С. 281.
5. Баглай В.М. Конституционное право Российской Федерации. – М., 2007. – 137 б.
6. Лейст О.Э. Гражданское общество, государство и право / Общая теория государства и права. Академический курс. Отв.ред. М.Н.Марченко, Том 1. – М., 1998. – 346 б.
7. Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право. России. – М., 1999. – 131 б.
8. Отахонов Ф. Ижтимоий давлатнинг конституциявий асослари // <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/ijtimoiy-davlatning-konstitutsiyaviy-asoslari>
9. Жолдасова Ш. Ўзбекистон – ижтимоий давлат // Янги Ўзбекистон, 2023. 17 фев. 33-сон.
10. <https://worldconstitutions.ru/?cat=27>.
11. Иваненко В.А., Иваненко В.С. Социальные права человека и социальные обязанности государства: международные и конституционные правовые аспекты. – СПб., 2003. – 62-63 б.
12. Мамут Л.С. Социальное государство с точки зрения права //Государство и право, 2001, № 7, –С. 5-14.
13. Конституция Российской Федерации: комментарий / Под общ.ред. Б.Топорнина и др. – М., 1994. – 21 б.
14. Шарипов Ж. Демократик ижтимоий давлат барпо этиш – бош мақсад // <https://strategy.uz/index.php?news=1721>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

СУФИЕВА Дилафруз Улугбековна
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)

КОНСТИТУЦИОННЫЕ ГАРАНТИИ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА НА ПРИМЕРЕ НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЗБЕКИСТАНА И КАЗАХСТАНА

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): СУФИЕВА Д.У. Конституционные гарантии гендерного равенства на примере нормотворческой деятельности Узбекистана и Казахстана // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2023) С. 15-20.

 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-2>

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены конституционные и законодательные основы обеспечения равных прав и возможностей для женщин и мужчин. Особое значение придается на образование как основного инструмента трудоустройства и занятости населения. Приведены сведения о государственной политике в изучаемой теме. Автор отмечает, что государственная политика формируется прежде всего путем нормотворческой деятельности. В связи с этим, инструменты нормотворческой деятельности, как гендерно-правовая и научная экспертиза имеют важное значение при формировании гендерно-чувствительного подхода в государственной политике.

Ключевые слова: конституция, конституционные гарантии, государственная политика, нормотворческая деятельность, гендерно-правовая экспертиза, научная экспертиза, нормативно-правовой акт, гендерно-чувствительный подход.

SUFIYEVA Dilafruz Ulugbekovna
Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)

О'ZBEKISTON VA QOZOG'ISTON NORMA IJODKORLIGI FAOLIYATI MISOLIDA GENDER TENGLIKNING KONSTITUTSIONAL KAFOLATLARI

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada ayollar va erkaklar uchun teng huquq va imkoniyatlarni ta'minlashning konstitutsiyaviy va qonunchilik asoslari ko'rib chiqilgan. Aholini ishga joylashtirish va bandligini ta'minlash vositasi sifatida ta'limga alohida e'tibor qaratilgan. O'rganilayotgan sohada davlat siyosati haqida ma'lumot berilgan. Muallif tomonidan davlat siyosati eng avvalo norma ijodkorligi faoliyati orqali shakllantirilishi qayd etilgan. Mazkur nuqtai nazardan, norma ijodkorligining gender-huquqiy va ilmiy ekspertizasi kabi vositalari davlat siyosatida gender-ta'sirchan yondashuvni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega ekanligi ta'kidlangan.

Kalit so'zlar: konstitutsiya, konstitutsiyaviy kafolatlar, davlat siyosati, norma ijodkorligi faoliyati, gender-huquqiy ekspertizasi, ilmiy ekspertiza, normativ-huquqiy hujjat, gender-ta'sirchan yondashuv.

CONSTITUTIONAL GUARANTEES OF GENDER EQUALITY ON THE EXAMPLE OF RULE- MAKING ACTIVITIES OF UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN

ANNOTATION

In this thesis were sought the constitutional and legislative basis for ensuring equal rights and opportunities for women and men. Education is emphasized as a tool for employment and the employment of the population. The studied area is provided with information about the state policy. Rule-making activities are the primary means by which state policy is formed, as noted by the author. In this regard, such norm-setting tools as gender-legal and scientific expertise are important in the formation of a gender-sensitive approach in public policy.

Keywords: constitution, constitutional guarantees, state policy, rule-making, gender-legal expertise, scientific expertise, legal act, gender-sensitive approach.

Конституция является основным законом государства, имеющим основополагающий характер и обладающим высшей юридической силой. Как правило, является одним из главных нормативно-правовых актов, закладывающие базовые начала суверенного государства.

Узбекистан и Казахстан прошли схожий путь становления конституционно-правовых основ двух суверенных государств. В частности, 8 декабря 1992 года принята Конституция Республики Узбекистан [1], а 30 августа 1995 года – Конституция Республики Казахстан [3].

В конституциях обеих стран закреплены права человека [4]. Каждый человек должен обладать всеми правами и всеми свободами, провозглашенными Всеобщей декларацией прав человека, без какого бы то ни было различия, в отношении расы, цвета кожи, пола, языка, религии, политических или иных убеждений, национального или социального происхождения, имущественного, сословного или иного положения.

Так, в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан в редакции от 1992 года, все граждане имеют одинаковые права и свободы [1]. Данная норма также содержится в новой редакции Конституции Республики Узбекистан, принятой путем всенародного голосования на референдуме Республики Узбекистан, проведенном 30 апреля 2023 года [2].

Согласно Конституции Республики Казахстан, никто не может подвергаться какой-либо дискриминации по мотивам происхождения, социального, должностного и имущественного положения, пола, расы, национальности, языка, отношения к религии, убеждений, места жительства или по любым иным обстоятельствам [3].

Особого внимания заслуживает тот факт, что, как и во Всеобщей декларации прав человека, так и в Конституции Республики Узбекистан помимо закрепления равенства перед законом вне зависимости от пола, отдельно обозначено равноправие мужчин и женщин. Так на конституционном уровне дополнительно гарантировано равенство прав женщин и мужчин. Государство, в свою очередь, обеспечивает равенство прав и возможностей женщин и мужчин в управлении делами общества и государства, а также в других сферах общественной и государственной жизни [2].

Внимание, на наш взгляд, обусловлено особым отношением государства к повышению роли прежде всего женщин как пола, нуждающегося в дополнительной поддержке. При этом, государственная политика по поддержке женщин никоим образом не противоречит принципам равноправия, провозглашенным во Всеобщей декларации прав человека. Напротив, она направлена на практическую реализацию этих принципов.

Согласно статистическим данным мировой популяции, доля мужчин и женщин

составляет 50,5% к 49,5%, т.е. отмечается практически равное соотношение [5]. В то же время в Докладе Всемирного экономического форума о глобальном гендерном разрыве за 2023 год приводятся данные о том, что показатель глобального гендерного разрыва для всех 146 стран, охваченных исследованием, составляет 68,4% и отмечается, что на сегодняшний день, ни одна страна еще не достигла полного гендерного паритета [6].

Во всем мире примерно половина женщин трудоспособного возраста участвует в рабочей силе, что значительно ниже уровня участия мужчин в рабочей силе, составляющего около 80% и этот разрыв, практически не изменился по сравнению с тем, что было три десятилетия назад [7].

При этом, ускорение гендерного равенства приносит большие экономические выгоды. Ни одно общество не может устойчиво развиваться без поддержки возможностей, ресурсов и выбора для мужчин и женщин, чтобы они имели равные возможности формировать свою жизнь и вносить вклад в свои семьи, сообщества и страны.

Занятость женщин может быть главной движущей силой инклюзивного роста. В среднем по странам долгосрочный ВВП на душу населения был бы почти на 20% выше, если бы гендерные разрывы в занятости были устранены. Исследования оценивают экономическую выгоду в размере порядка 5-6 триллионов долларов, если бы женщины начинали и расширяли новый бизнес с той же скоростью, что и мужчины [8].

Государству необходимо обеспечивать условия для того, чтобы каждый его гражданин вне зависимости от пола имел равные права и возможности для раскрытия своего потенциала по собственному усмотрению.

Данный тезис отчасти перекликается с теорией социального государства, которое в соответствии с принципами социальной справедливости стремится к достижению каждым гражданином достойного качества и уровня жизни, при этом принимая меры по сглаживанию социальных различий. Наряду с немецким термином «социальное государство» (sozialstaat) в англоязычной литературе используется понятие «государство всеобщего благосостояния» (welfare state) [9], основная суть которого заключается в том, что государство играет ключевую роль в защите и развитии экономического и социального благополучия своих граждан.

Одним из недостатков данной теории, на наш взгляд, является перераспределение материальных благ, доходов и богатства, что может привести к угасанию интереса к экономическому процветанию и производственному прогрессу, к так называемому выгоранию мотивации у людей, стремящихся к воспроизводству капитала. Подобную ситуацию отчасти мы наблюдали в социально-экономической политике бывшего Союза Советских Социалистических Республик.

Но, безусловно данная теория имеет и положительные качества. В частности, следует отметить один из основных принципов социального государства, согласно которому государство гарантирует одинаковые стартовые возможности и минимальные социальные гарантии. Так, одним из основных функций социального государства являются обеспечение доступности образования, здравоохранения и духовно-культурного развития, а также обеспечение занятости и постоянного роста доходов населения.

Образование и занятость населения, и соответственно рост доходов являются взаимозависимыми понятиями. Если рассмотреть это с точки зрения причинно-следственной связи, получение качественного образования со стороны женщин и мужчин в последующем оказывает прямое воздействие на их трудоустройство и наличие гарантированного дохода. В последующем в зависимости от компетенций сотрудника открываются возможности для использования так называемых социальных лифтов. Мы преднамеренно использовали термин «сотрудник» вместо женщины или мужчины, т.к. в профессиональной деятельности, если речь идет о государственной службе должны работать принципы меритократии, если это предпринимательская деятельность – принципы рыночной экономики.

Принципы меритократии предполагают такую форму управления, согласно

которой высшие руководящие должности должны занимать наиболее способные люди, независимо от их пола, социального происхождения и финансового достатка.

При этом, объединяющим элементом меритократии и рыночной экономики является свободная конкуренция. Для того, чтобы конкурировать на равных условиях женщины и мужчины должны иметь базовый набор необходимых навыков, которые формируются благодаря образованию.

Образование является одним из главных способов достижения инклюзивного, справедливого и равноправного мира с тем, чтобы и женщины, и мужчины имели возможность вести полноценную и достойную жизнь. Гендерно-справедливое образование позволяет мужчинам и женщинам развивать нужные навыки и находить возможности для их продуктивного использования на практике.

Значимость этого фактора подкрепляется тем, что образование лежит в основе Целей в области устойчивого развития (ЦУР), которые международное сообщество поставило перед собой к 2030 году [10].

Поэтому Конституция Республики Узбекистан гарантирует право каждого на образование. Государство гарантирует получение бесплатного общего среднего и начального профессионального образования. Общее среднее образование является обязательным. Государство создает условия для интеллектуального, творческого, физического и нравственного формирования и развития молодежи, реализации ее прав на образование [2].

В соответствии с Конституцией Республики Казахстан, гражданам гарантируется бесплатное среднее образование в государственных учебных заведениях. Среднее образование обязательно [3].

Согласно конституционным нормам абсолютно каждый гражданин обязан получить базовое бесплатное образование, гарантируемое со стороны государства.

В то же время статистические сведения свидетельствуют о наличии гендерного разрыва, несмотря на достижение определенного прогресса за последние годы в сфере образования.

Доклад «Гендер, образование и навыки» за 2023 год, посвященный сохранению гендерного разрыва в образовании и навыках, представляет свежий взгляд на прогресс в достижении гендерного паритета в образовании в отношении доступа, достижений и обучения [11].

В докладе отмечается, что гендерный разрыв на уровне образования в старших классах средней школы почти ликвидирован: более 80% женщин в среднем по ОЭСР получают образование на этом уровне. Гендерный разрыв в когнитивных навыках мальчиков и девочек в возрасте около 15 лет одинаков в разных странах. Но этот раздел также показывает, что в большинстве стран среди тех, кто рано бросает школу, преобладают мужчины. В последующем преимущество в показателях грамотности, которое девочки имели во время обязательного образования, сужается или полностью исчезает в университете. По итогам проведенного анализа в докладе приводятся предложения, которые могут служить набором инструментов для политиков и заинтересованных сторон, желающих решить проблему гендерного неравенства. В докладе отмечается, что настало время обеспечить, чтобы политика привела к лучшей жизни – для девочек и мальчиков, для женщин и мужчин [11].

Итак, мы подошли к главной составляющей создания равных базовых условий и возможностей для женщин и мужчин с точки зрения прав человека, а именно к государственной политике.

Наиболее интересное с точки зрения нормотворческой деятельности определение государственной политики предложено со стороны Мексиканского центра международных отношений. Так, политики – это предполагаемые курсы действий, разработанные в ответ на предполагаемую проблему. Государственная политика следует за процессом реализации, который происходит посредством создания законов, регулирующих мер, планов действий правительства и финансовых приоритетов; наряду

с соблюдением государственного органа [12].

В Узбекистане государственная политика заключается в том, что каждое решение оформляется в виде нормативно-правового акта, который является официальным документом, принятым в соответствии с законодательством, направленным на установление, изменение или отмену правовых норм как общеобязательных государственных предписаний [13].

К примеру, стратегические документы, определяющие направления государственной политики на краткосрочную, среднесрочную и долгосрочную перспективы, в том числе касающиеся гендерной политики, утверждены соответствующими нормативно-правовыми актами.

Повышение социально-политической активности женщин в качестве приоритетного направления развития социальной сферы обозначено в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 [14].

Цель 69: «Поддержка женщин и дальнейшее повышение их активности в жизни общества» приводится в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 [15].

Данная практика требует наличия тщательного подхода к нормотворческой деятельности с тем, чтобы при инициировании реформ учесть их воздействие на конституционные гарантии равных прав и возможностей для женщин и мужчин.

Законом Республики Узбекистан «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» в нормотворческую деятельность включен институт гендерно-правовой экспертизы, которая представляет собой анализ нормативно-правовых актов и их проектов на предмет соответствия принципам обеспечения гарантий равных прав и возможностей для женщин и мужчин [16].

Несмотря на то, что в Казахстане гендерно-правовая экспертиза не включена в перечень обязательных этапов нормотворческой деятельности, в данной стране применяется более комплексный институт научной экспертизы проектов нормативно-правовых актов [17]. Так, в ходе научной экспертизы осуществляется проверка соответствия проекта Конституции Республики Казахстан и законам, нормативно-правовым актам более высокой юридической силы, международным обязательствам Республики Казахстан (*данная страна является участником Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин*), оценка социальных, экономических, научно-технических и иных последствий принятия законопроекта, выявление причин и условий притеснения равных прав и возможностей мужчин и женщин в связи с принятием законопроекта.

Гендерно-чувствительный подход к нормотворческой деятельности посредством таких инструментов, как гендерно-правовая и научная экспертиза проектов нормативно-правовых актов призван способствовать выработке качественной государственной политики с точки зрения обеспечения равных прав и возможностей для женщин и мужчин.

В связи с этим, актуальным является последовательное развитие и расширение потенциала гендерно-правовой и научной экспертизы посредством привлечения различных заинтересованных сторон, в особенности представителей научно-исследовательских и аналитических кругов, а также различных институтов гражданского общества, к нормотворческой деятельности.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Конституция Республики Узбекистан в редакции от 8 декабря 1992 года // URL: <https://lex.uz/docs/-6445145>.
2. Конституция Республики Узбекистан в редакции от 30 апреля 2023 года //

URL: <https://lex.uz/ru/docs/6445147>.

3. Конституция Республики Казахстан. Информационно-правовая система нормативных правовых актов Республики Казахстан, URL: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K950001000>.

4. Всеобщая декларация прав человека. Официальный веб-сайт Управления Верховного комиссара ООН по правам человека. URL: <https://www.ohchr.org/ru/human-rights/universal-declaration/translations/russian>.

5. World population. URL: <https://countrymeters.info/en/World>.

6. Global Gender Gap Report 2023. URL: <https://www.weforum.org/reports/global-gender-gap-report-2023/in-full/benchmarking-gender-gaps-2023/>.

7. International Women's Day 2023: Three important facts (and charts) from the World Bank's Gender Data Portal. URL: <https://blogs.worldbank.org/opendata/international-womens-day-2023-three-important-facts-and-charts-world-banks-gender-data>.

8. The World Bank In Gender. URL: <https://www.worldbank.org/en/topic/gender/overview>.

9. Социальное государство: от теории к практике. Текст научной статьи по специальности «Социологические науки». Антропов Владислав Владимирович. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sotsialnoe-gosudarstvo-ot-teorii-k-praktike>.

10. Цели в области устойчивого развития. Официальный веб-сайт ООН. URL: <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals/>.

11. The Persistence of Gender Gaps in Education and Skills (OECD 2023). URL: <https://digital-skills-jobs.europa.eu/en/inspiration/research/persistence-gender-gaps-education-and-skills-oecd-2023>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонида кўра тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегиясига мувофиқ таълим соҳасида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган[4]. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака оширишнинг устувор йўналишлари белгилаб қўйилган. Хусусан, олий таълим муассасаларида тегишли соҳаларда “Интернет буюмлар”, робототехника, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар, шунингдек, хорижий корхоналарни ушбу соҳага жалб қилишни ташкил қилиш; қоғоз шаклидаги материалларни рақамлаштириш форматларидан фойдаланиш бўйича давлат ягона талабини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш орқали таълимда ўқув материалларини рақамлаштириш белгиланган. Шунингдек, машинавий ўқитишнинг янги алгоритмлари ва технологияларини ривожлантириш; катта ҳажмдаги маълумотлар тўпламини таҳлил қилиш ва билимларни тўплаш бўйича, шу жумладан катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва интеллектуал таҳлил қилишнинг янги усуллари ва алгоритмларини, катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатиш учун янги усуллар ва дастурлар, шу билан бирга мураккаб муҳандислик ечимларини башоратли моделлаштириш учун янги усуллар ва дастурий таъминотлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кўзда тутилган. Бундан ташқари, робототехника комплекслари ва одамлар ўзаро таъсирининг алгоритмларини ишлаб чиқиш, маълумотлар узатиш тармоқлари инфратузилмасини, ўрнатилган сенсорлар ва сенсор тармоқларни такомиллаштириш, шунингдек, “булутли” хизматларини тақдим этишнинг турли хил моделларини амалга ошириш учун дастурий таъминот яратиш бўйича илмий ишларни олиб бориш билан боғлиқ вазифалар назарда тутилган. Айниқса, халқаро йирик корхоналарнинг марказлари билан ҳамкорликда рақамлаштириш йўналишидаги миллий кадрлар малакасини ошириш механизмининг татбиқ этиш; инсон капиталини ривожлантириш, шу жумладан, ихтисослашган таълимни ривожлантириш ҳамда IT-соҳасидаги касбларни оммалаштириш, IT-корхоналар учун институционал шароитларни яхшилаш ва маъмурий тўсиқларни камайтиришга қаратилган чораларнинг қўрилиши тадбиркорлик соҳасида рақамли технологияларни қўллаш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишни тақазо этади. Бундан ташқари, электрон хизматларга аҳоли ишончини шакллантириш ва аҳолининг тез ривожланаётган рақамли имкониятларидан фойдаланиш юзасидан зарур кўникмаларни шакллантириш бўйича самарали чораларни кўриш; ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда, технология ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш, ўқитиш, иш қидириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган мавзуларда мунтазам равишда таълим кампанияларини ўтказиш; одамларни ҳукумат ва бизнес томонидан тақдим этиладиган рақамли хизматлардан фойдаланишга чорлаш каби рақамли тадбиркорлик таълимнинг ташкилий –ҳуқуқий механизмларини тубдан такомиллаштиришни зарурият қилиб қўяди.

Ҳуқуқшуносларнинг фикрича, рақамлаштиришнинг афзалликлари самарадорликни ошириш, талабалар фаоллигини ошириш, шахсга қаратилган таълим ва янги ўқитиш усулларида фойдаланишни ўз ичига олади. Бундан ташқари, рақамлаштириш университетларни, ўқув дастурларини, профессор-ўқитувчиларни, ходимларни ва ресурсларни бошқаришни осонлаштиради. Рақамлаштиришнинг асосий афзалликларидан бири бу талабаларнинг фаоллигини ошириш имкониятларидир. Онлайн таълим платформалари, ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалар каби рақамли воситалардан фойдаланган ҳолда университетлар ўқувчиларни мотивация ва йўлда ушлаб турадиган интерактив ҳамда қизиқарли таълим тажрибаларини яратиши мумкин. Шунингдек, рақамлаштириш университетларга ўйин ва виртуал ҳақиқат каби янги ўқитиш усулларида фойдаланиш имконини беради. Бу усуллардан талабаларга мураккаб тушунчалар ва назарияларни тушунишни осонлаштирадиган интерактив

таълим тажрибасини яратиш учун фойдаланиш мумкин. Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш, уларда зарур компетенцияларни шакллантириш орқали ишга жойлашиш кўрсаткичларини кўпайтириш ҳамда турли воситалар орқали маълумотларни етказиш ва тушунтириш усулларини қўллаган университетлар нуфузи ошиши ҳамда уларда мазкур имкониятлар орқали қўшимча фойда олиши учун шарт-шароитлар яратилиши орқали бошқаларга нисабатан устунлик шаклланади. Мазкур йўналишда Тошкент давлат юридик университетида ҳам бир қатор Ўқув жараёнига боғлиқ энг асосий натижа масофавий таълим платформаси ва электрон баҳолаш тизими жорий этилди. Университет масофавий таълим платформаси (<http://distant.tsul.uz>) дунё бўйича эътироф этилган “Moodle” (объектга йўналтирилган динамик таълим муҳити) тизимида бўлса-да, ушбу тизим анча такомиллаштирилди. Жумладан, маъруза машғулотларини ўтказиш учун видеочат (Big Blue Button) ва “Zoom” дастурий воситаси, назорат ишларини топшириш ҳамда уларни антиплагиат тизимидан ўтказиш механизмлари интеграция қилинди, таълим платформасига 21 мингдан ортиқ электрон контентлар (видеомаъруза, аудио, электрон абайётлар, казус материаллар) жойлаштирилди. Шунингдек, баҳолаш жараёни ҳам тўлиқ шаффоф бўлиб, бунда назорат ишлари электрон тизим орқали топширилиши ва баҳоланиши йўлга қўйилди. Мазкур тизимда назорат ёзма ишлари талаба томонидан электрон шаклда топширилади, яъни тизимга юкланиб ундан сўнг автоматик равишда шифрланади ва тегишли кафедрага текшириш учун электрон шаклда жўнатилади. Кафедраларда мазкур ишлар профессор-ўқитувчилар ўртасида тақсимланиб тизимнинг ўзида текширилади, баҳоланади ҳамда қўйилган баҳо юзасидан шарҳ ёзилади, яъни нима сабабдан шундай баҳолангани ҳамда талаба қандай камчиликларга йўл қўйгани кўрсатилади. Текширилган ишнинг баҳоси ва ишга ёзилган тақриз талабанинг шахсий кабинетида кўринади. Бундан ташқари университет электрон кутубхонаси ҳам ташкил этилиб унда 10 мингдан зиёд манбалар жойлаштирилди ва мавжуд адабиётларни тўлиқ рақамлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ҳуқуқшунослар учун мўлжалланган WestLaw, LexisNexis ва JSTOR каби халқаро маълумотлар базасига уланиб, халқаро манбалардан фойдаланиш имконияти яратилди [5].

Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик ва хусусий мулк соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат базаси хорижий инвесторларни кизиктирадиган асосий масалалардан ҳисобланди. Бугунги кунда электрон қонун ҳужжатлари илмий фаолиятда, ўқув жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг қўлланилмоқда. Электрон қонун ҳужжатлари шаклланиш ва ривожланиш босқичида бўлиб унинг ўзига хос рақамли компонентлари борлигидан далолат беради. Ҳозирги вақтда электрон кўринишдаги давлат ҳуқуқий ахборотлаштириш расмий тус олиб ривожланиб бормоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон нусхалари бирхил юридик кучга эгадир. Қонунчиликни ривожлантиришда электрон ахборот технологияларидан фойдаланилмоқда. Интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, ундан фойдаланиш бўйича ахборот ҳуқуқий тизим билан шуғулланадиган хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Қонун ҳужжатларидан электрон кутубхонада фойдаланиш имконияти кенгаймоқда. Электрон-маълумот-ҳуқуқий тизим давлат-хусусий шериклик концепциясини яратиш бўйича тизимли ишларни амалга оширишни талаб этмоқда. Интернетнинг ҳуқуқий ахборот манбаси сифатида роли ортиб бормоқда. IT-ҳуқуқ соҳасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий, методологик асосларини ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618 – сонли “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармонида мувофиқ жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарбиянинг инновацион усулларини жорий қилиш ғоятда муҳим вазифа қилиб белгиланган [6]. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг миллий-ҳуқуқий интернет портали ўз ичига қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси барча миллий ҳуқуқий сайтлар, юридик луғат ва ҳуқуқий электрон кутубхона, мақсадли

аудиториялар (давлат хизматлари, педагоглар ва бошқалар) учун мажбурий курслар (mandatory courses) қамраб олади. Шунингдек турли ҳаётий ҳолатлар бўйича ҳуқуқий ечим талаб этиладиган ва давлат хизматлари кўрсатиш электрон тизими “advice.uz” ҳуқуқий ахборот тизимини яратиш ва ишга тушуриш; фуқароларнинг ўз ҳуқуқий билим даражасини синаш мақсадида интернет тизимида турли босқичларга эга бўлган “Ҳуқуқий тест” лойиҳасини яратиш; Ижтимоий тармоқларда (Facebook, Телеграм, Твиттер, Youtube, Mytube.uz, lex.uz) давлат органлари ва ташкилотларнинг каналларини ташкил қилиш ва ушбу каналларда веб технологияларда кенг фойдаланган ҳолда соҳа фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб ҳуқуқий тарғибот материалларини шарҳлаб бориш назарда тутилган. Шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги каналларда эълон қилиш учун материалларни тайёрлаш, мослаштириш ва қайта алоқани таъминлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш; Интернет тизимида ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Ҳуқуқий ахборот” телеграм каналини ташкил қилиш ва унда қонун ҳужжатлари мазмунини қисқача таҳлилий ёритиш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга доир ҳуқуқий материалларни бериб бориш; мамалакатимиз аҳолиси кўп фойдаланадиган ижтимоий тармоқларда сўровлар ўтказиш орқали ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини таҳлил қилиш ва унинг натижасида ҳуқуқий ахборотни манзилли етказиш ишлари кўзда тутилган. Шу мақсадда унда назарда тутилган вазифалар бугунги кунда рўёбга чиқиб ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бошқача айтганда, рақамли тадбиркорлик фаолияти реал воқеаликка айланди. Шу боис, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган стратегик мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш тадбиркорлик ҳуқуқий таълимини рақамли трансформациялаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли тадбиркорлик ҳуқуқий таълими контентларини шакллантириш устивор масалалардан ҳисобланади. Илм-фан ютуқларига ва рақамли технологияларга асосланган тадбиркорлик ҳуқуқий таълимини ривожлантириш давр талабига айланиб бормоқда.

2023 йилнинг 18 август куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан учинчи учрашувида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот чоғида 8 та муҳим янгиликга эътибор қаратдилар. Хусусан, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кичик тадбиркорларни тадбиркорликка ўқитиш, уларга лойиҳа қилиб бериш, фаолиятини молиялаштириш, маҳсулотларига бозор ва бизнесига шериклар топиш бўйича яхлит экотизим яратилади. Бизнес марказлар ташаббускорларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашади, ўз ҳисобидан янги лойиҳа қилмоқчи бўлган тадбиркорларни ўқитади, янги лойиҳаларга зарур мутахассисларни жалб қилади, тадбиркорлар учун бухгалтерия, солиқ, аудит, маркетинг, ҳуқуқий ва бошқа консалтинг хизматларини кўрсатади. Шунингдек, ҳудудлардаги Кичик бизнес марказларида ўқиган тадбиркорларнинг лойиҳаларини энг қулай шартлар асосида молиялаштириш йўлга қўйилади. Шунингдек, марказларга хорижий мутахассисларни ҳам олиб келамиз. Бунда бизнес-консультант, муҳандис-технолог, дизайнер, меҳмонхона бошқарувчиси, маркетинг, агроном, ветеринар, уруғшунос каби хориждан жалб қилинган мутахассисларга Ўзбекистонда ишлаш учун рухсатнома бериш муддати ҳозирги 1 йилдан 3 йилга узайтирилади. Ишлашга рухсатнома тўлови эса ҳозирги 10 миллион сўмдан 330 минг сўмга туширилади. Уларга ҳудудий меҳнат органидан ишга жалб этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса олиш талаб қилинмайди. Экспортни кенгайтириш бўйича яна бир катта имконият – бу нуфузли хорижий брендларни мамлакатимизга жалб қилиш ҳисобланади. Мисол учун, йиллик бозори 100 миллиард доллардан ошадиган дунёнинг энг машҳур 50 та бренди корхоналаримиз билан ишлашга катта қизиқиш билдирмоқда. Бу борада биринчи навбатда, ишлаб чиқаришга халқаро стандартлар, экология ва сертификатлаш талабларини жорий қиламиз. Бунинг учун маҳаллий корхоналаримиз мутахассисларини уларнинг талаби асосида ўқитамиз. ишбилармонларнинг вақти ва харажатларини тежаш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб, бир-бирини такрорловчи ва эскирган ҳисоботлар тугатилишига алоҳида эътибор қаратдилар. Барча ҳисоботларни ягона электрон тизим орқали тақдим этиш

йўлга қўйилиб, уларнинг қоғоз шакли бекор қилинади.

Рақамли реаллик шароитида тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб бундай реал ва вертуал маконда иш юритишга қодир юксак малакали бизнес мутахассислар корпусини тайёрлаш ва улар бизнес фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб оладиган Ўзбекистон Республикасининг “Рақамли тадбиркорлик ҳуқуқий таълимни ривожлантириш Концепцияси”ни ишлаб чиқиб, уни амалиётда тадбиқ этиш, илм-фан ютуқларидан оқилона фойдаланиш ва илғор хорижий тажрибалар ва рақамли иқтисодиёт талаблари асосида турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги реал ва вертуал майдондаги бизнес субъектлари, хусусан, ижтимоий тадбиркорлик, IT- кампания, электрон юридик шахслар инновацион рақамли тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил қилиш имкониятини яратади. Айниқса, рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ҳуқуқий таълими жараёнида рақамли мобил платформаларидан оқилона фойдаланиш имконияти жуда кенгдир.

Рақамли реаллик тадбиркорлик соҳасига рақамли билим ва ваколатга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга, таълим технологияси ва таълим мазмуни билан бевосита алоқадор бўлган талабларни тубдан ўзгартирмоқда десак, асло муболаға бўлмайди. Рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий таъминлашнинг ривожланиб бориши жараёнида рақамли ҳуқуқий таълимнинг янги шакллари ҳам вужудга келиши табиий. Айниқса, софт дастурлаштириш, кўплаб тилларни танийдиган ва ўзини-ўзи ўқитишга қодир (Leverson, Watson ва х.к.) электрон дастурларни мисол сифатида келтириш мумкин. Тадбиркорлик фаолиятига IT- технологиялар жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Электрон дастур ва ботлар орқали тўловли ва тўловсиз маслаҳат берувчи интернет сайтлар доираси тобора кенгайиб бормоқда. Рақамли асрда меҳнат фаолиятини юритадиган тадбиркор реал ва вертуал майдонда касбий иқтидори ва салоҳиятини намоён қилган ҳолда ишлашга қодир мутахассис бўлиши лозим Шу боис, тадбиркорлик ҳуқуқий таълими соҳасида рақамли технологияларни қўллаш ўз истиқболига эга. Рақамли трансформациялашув шароитида тадбиркорлик ҳуқуқий таълими контентини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида соҳага оид қонун ҳужжатларида унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаш норма ижодкорлик фаолиятининг янги ва истиқболли йўналиши бўлиб ҳисобланади. Шу боис, тадбиркорлик таълимига доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни қуйидаги йўналишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ: биринчидан, рақамли тадбиркорлик фаолиятини ташкилий ва илмий-услубий таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш; иккинчидан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини рақамли платформага асосланган дастурларга мувофиқ электрон ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг самарали шакл ва усулларини амалиётда тадбиқ этиш; учинчидан, тадбиркорлик субъектларини рақамлаштиришга оид касбий малакаси ва ҳуқуқий билимларини оширишнинг махсус устувор норматив - ҳуқуқий асосларини шакллантириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш истиқболлари бўйича янги замонавий чақириқ ва мўлжаллар рақамли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қодир мутахассислар корпусини мақсадли ва оқилона тайёрлаш рақамли давлат барпо этишнинг ҳал қилувчи шарти бўлиб ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/5774>;
2. Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир. Д.Ражабов // URL: https://uza.uz/uz/posts/talim-sifatini-oshirish-yangi-ozbekiston-taraqqiyotining-yakkayu-yagona-togri-yolidir_437457;
3. 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063>;
4. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегияси. 2020 йил 5 октябр. // URL: <https://>

lex.uz/docs/5030957;

5. Рустамбеков И. Олий таълимни рақамлаштириш – устувор вазифа // URL: <https://kun.uz/news/2023/03/28/oliy-talimni-raqamlashtirish-ustuvor-vazifa>;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618 – сонли “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4149765>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

Старший преподаватель кафедры «Бизнес право»
Ташкентского государственного юридического университета,
Консультант адвокатской фирмы Uryu&Itoga
E-mail: askar.djumanov@gmail.com

ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ И ПУТИ РЕШЕНИЯ В НОВОМ ЗАКОНЕ ОБ ОБЩЕСТВАХ С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ДЖУМАНОВ А.Х. Правовой анализ проблем и пути решения в новом законе об обществах с ограниченной ответственностью в Узбекистане // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2023) С. 41-47.

 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-6>

АННОТАЦИЯ

В статье изучается суть изменений в законодательстве об обществах с ограниченной ответственностью, а также позиция разработчиков и участников рабочей группы по ряду важных вопросов. Отмечается, что общество с ограниченной ответственностью произошло от акционерного общества, при этом вход и выход участников усложнены. Автор указывает на необходимость применения в узбекской модели идей и механизмов из Германской или Британской моделей. В работе акцентируется внимание на практических проблемах, возникших в результате законодательного закрепления, включая проблемы общества с дополнительной ответственностью, вопросы ограничения количества участников, проблемы права на выход из общества, нюансы перехода доли и защиты кредиторов от внутрикорпоративных разногласий. Автор подчеркивает, что реформы в сфере обществ с ограниченной ответственностью должны основываться на принципах и доктринах, заложенных в эту форму бизнеса.

Ключевые слова: корпорация, общество, компания, юридическое лицо, ограниченная ответственность, акционерное общество.

ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

Тошкент давлат юридик университети
Бизнес ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси,
Uryu&Itoga Адвокатлик фирмаси консультанти
E-mail: askar.djumanov@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЯНГИ
ҚОНУНДА МУАММОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ХАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг моҳияти, ишлаб чиқувчилар ва ишчи гуруҳ аъзоларининг айрим муҳим масалалар бўйича позицияси кўриб чиқилади. Мақолада масъулияти чекланган жамият акциядорлик жамиятининг маҳсулоти эканлигига эътибор қаратилади, унда иштирокчиларнинг чиқиши ва кириши мураккаблашади. Муаллиф ўзбек моделида масъулияти чекланган жамиятларнинг Германия ёки Британия моделидаги ғоялар ва механизмларни қўллаш кераклигини таъкидлайди. Ишда қонунчиликдан келиб чиқадиган баъзи амалий муаммоларга, хусусан, қўшимча жавобгарликка эга бўлган жамиятнинг муаммоларига, иштирокчилар сонини сунъий равишда чеклаш масалаларига, жамиятдан чиқиш ҳуқуқи муаммоларига, акцияларни ўтказиш билан боғлиқ нюансларга эътибор қаратилган. кредиторларни ички корпоратив келишмовчиликлардан ҳимоя қилиш. Муаллиф масъулияти чекланган жамиятга нисбатан олиб борилаётган ислохотлар фақат бизнесни ташкил этишнинг ушбу шаклига киритилган тамойиллар ва доктриналар асосида амалга оширилиши кераклигига эътибор қаратади.

Калит сўзлар: корпорация, жамият, компания, юридик шахс, чекланган масъулият, акциядорлик жамият.

DJUMANOV Askar

Senior lecturer at of Tashkent State University of Law,
Consultant at Uryu&Itoga Law firm
E-mail: askar.djumanov@gmail.com

**LEGAL ANALYSIS OF PROBLEMS AND WAYS OF SOLUTION IN THE NEW LAW ON
LIMITED LIABILITY COMPANIES IN UZBEKISTAN**

ANNOTATION

The article examines the essence of the changes taking place in the legislation on limited liability companies, the position of the drafters and members of the working group on some important issues. The article draws attention to the fact that a limited liability company is a product of a joint stock company, in which the exit and entry of members is complicated. The author points out that the Uzbek model should apply ideas and mechanisms from the German or British model of limited liability companies. The article draws attention to some practical problems caused by legislation, in particular, the problems of a company with additional liability, issues of artificially limiting the number of members, problems of the right to exit the the company, nuances with the transfer of shares and the protection of creditors from internal corporate disagreements. The author draws attention to the fact that the reforms carried out in relation to a limited liability company should be carried out only basing on the principles and doctrine embedded in this form of business organization.

Keywords: corporation, society, company, legal entity, limited liability, joint stock company.

Общество с ограниченной ответственностью является одной из самых популярных форм организации предпринимательской деятельности. По состоянию на 1 мая 2022 года насчитывается около 352 131 зарегистрированных [1] юридических лиц с организационно-правовой формой как общество с ограниченной ответственностью. Популярность данной формы оправдана, ограниченная ответственность участников по обязательствам, отсутствие минимального размера уставного фонда, возможность определения единоличного собственника и руководителя в одном лице сделали данную форму самой популярной.

В настоящее время работа ведется по разработке проекта закона об обществах

с ограниченной ответственностью, что говорит об актуальности данной темы. Разработчиком данного проекта закона является Министерство юстиции Республики Узбекистан. В настоящей работе раскроем суть общества с ограниченной ответственностью (далее - «Общество») и какие проблемы имеет данная структура, также попытаемся предложить пути разрешения проблемы в рамках разработки проекта закона.

Общество является юридическим лицом согласно узбекскому законодательству. Ключевым моментом в определении сути Общества является то, что такое юридическое лицо. Концепция юридического лица имеет долгую историю становления, которая начинается с времен Римского права и сформировалось уже в 19 веке в Европе. Обобщая суть юридического лица можно отметить, что юридическое лицо является искусственно созданным образованием для ограничения ответственности его участников. Имущий класс для защиты своего личного имущества пролоббировало создание института юридического лица.

Такая последовательность в установлении ограниченной ответственности является закономерной, ведь имущий класс по мере расширения не может контролировать весь имущественный оборот и не может нести неограниченную ответственность за действия третьих лиц и обстоятельств непредвиденных [2, С.5]. Однако, предоставление полной свободы неизбежно приводит к ситуациям, при которых участники Общества злоупотребляют такими привилегиями по ограниченной ответственности. В отношении правовая доктрина разработала два подхода в регулировании института Общества, которые можно обозначить «Германская модель» и «Британская модель» [3].

Германская модель устанавливает сложные процедуры и требования при регистрации Общества, однако более либеральные методы в отношении управления Общества. Британская модель устанавливает либеральные процедуры и требования при регистрации Общества, однако жесткие правила при управлении и ответственности в отношении управляющих лиц. Оба метода направлены на гармонизацию имущественного оборота, чтобы принцип ограниченной ответственности не злоупотреблялись со стороны участников Общества.

Общество в идеале является «младшей сестрой» акционерного общества. В период, когда для привлечения большого капитала с возможностью ограниченной ответственности, хозяйственные товарищества не отвечали требованиям времени, было изобретено акционерное общество. По причине неурегулированной системы акционерного общества, в начале акционеры подверглись мошенничеству со стороны управляющих и учредителей. Впоследствии, для обеспечения закрытости компании от входов и манипуляций, было искусственно создано Общество как организационно-правовая форма. Общество следует рассматривать как упрощенную форму акционерного общества с учетом усложненных правил по входу и выходу из Общества.

Проблемы ОДО.

Общество с дополнительной ответственностью (далее «ОДО»), которое существует и по настоящее время в законодательстве, является уникальным видом организационно-правовой формы. Данная форма означает, что участники несут солидарно субсидиарную ответственность по обязательствам ОДО. В имущественном обороте, который сопряжен с риском убытков, предпринимателям данная форма организации бизнеса будет непривлекательной. Даже учитывая тот факт, что участники могут определить предельный размер ответственности в уставе ОДО, данная форма не имела успеха в действительности, в настоящее время отсутствуют зарегистрированные ОДО.

По мнению У.Холмирзаева под Обществом понимается корпорация, в которой отсутствует концепция субсидиарной ответственности и сама идея корпорации развивается на основании принципа ограниченной ответственности [10]. Поддерживая позицию ученого, нужно отметить, что ОДО было создано искусственно без научного обоснования в Узбекистане. Следовательно, можем указать, что ОДО не может быть рассмотрена в пределах концепции юридического лица. Более того, такая контракция

не принимается в передовых правовых системах Англо-саксонской и Континентально-Европейской модели. В Российской Федерации такая форма так же была исключена из Гражданского кодекса [11].

ОДО как организационно-правовая форма имеет определенные плюсы, которые не были учтены на практике. ОДО предоставляет возможность некоторым участникам привлечь дополнительные вклады третьих лиц с условием гарантии дополнительной ответственности и добросовестности. Вкладчики или будущие участники более уверенно внесли бы инвестиции в такую ОДО, а третьи лица были более защищены от неисполнения обязательства со стороны ОДО.

Законодатель отменил с 2023 года возможность регистрации ОДО [4]. Однако данное правило является непродуктивным, по нашему мнению, так как принцип субсидиарной ответственности участника был направлен на возможность привлечения дополнительных вкладов. Более того, финансовая (банковская) система не направлена на предоставление преференций в отношении юридических лиц с дополнительной ответственностью. В связи с этим, целесообразнее конечно отменить ОДО как организационно-правовую форму, однако оставить возможность принятия принципа дополнительной ответственности некоторыми или всеми участниками Общества в качестве альтернативы.

Ограничение в количестве.

В законе указано, что число участников в Обществе не может превышать пятидесяти [5, С.7]. Эта позиция законодателя с точки зрения науки не вполне ясная. В случае превышения данного количества, Общество должно преобразоваться в акционерное общество или производственный кооператив. В случае неосуществления преобразования, Общество должно ликвидироваться.

При этом, необоснованным является ограничение количества участников в Обществе по двум основным причинам. Общество с исторической точки зрения является простой и маленькой формой акционерного общества. Поэтому изначально, при создании Общества как структуры бизнеса не рассматривали вариант ограничения количества. Данная форма была привлекательна для ограничения входа и выхода из Общества для обеспечения доверия участников друг другу. Общество естественным образом преобразуется в акционерное общество, когда возникнет экономическая необходимость и целесообразность.

Необходимо отметить, что такого рода ограничения в количестве участников не усматриваются в передовых правовых системах Англо-саксонской и Континентально-Европейской модели.

Проблема с правом выхода.

По умолчанию каждый участник вправе в одностороннем порядке выйти из состава участников Общества независимо от согласия других участников. Данное обстоятельство причиняет урон Обществу, так как последний обязуется выплатить действительную стоимость его доли. Такая выплата со стороны Общества может усложнить хозяйственную деятельность и приведет в будущем к невозможности продолжения хозяйственной деятельности. Невозможность исключения данного права является невыгодным для остальных участников Общества, а также государство может потерять Общество в качестве налогоплательщика.

В настоящее время разработчик данного проекта предлагает применить практику из стран СНГ, при котором право участника на выход по умолчанию не применяется, кроме случаев, когда участники установили такое право в уставе. Такая позиция разработчика является, по нашему мнению, справедливой. Участники, желающие включить право на выход в Устав, должны получить согласие остальных участников, что означает осведомленность их о риске. Более того, нужно отметить, что банкротное законодательство предоставляет право кредиторам истребовать обратно выплаченное имущество при выходе участника в течение тридцати шести месяцев [6, С.63].

Проблемы продажи доли.

На практике большую проблему вызывает неясность с процедурой продажи доли, а именно момент регистрации. Сама по себе процедура является довольно простой и не вызывает больших вопросов. После выполнения условий по применению преимущественного права, участник осуществляет непосредственную продажу доли. Проблема заключается в неоднозначности толкования законодательных норм. Закон гласит, что приобретатель доли обязуется незамедлительно сообщить о приобретении доли и с момента такого уведомления получает прав и обязанности участника Общества [5, С.20].

В то же время, другая норма Закона противоречит этому положению (приобретении статуса участника с момента уведомления). Согласно Закону установлено, что изменения в устав вступают в силу для третьих лиц с момента их государственной регистрации. Соответственно, в случае продажи доли необходимо осуществить регистрацию изменений в устав и для принятия устава в новой редакции необходимо решение общего собрания участников. Без осуществления государственной регистрации, новый участник для третьих лиц не является участником.

Дополнительно возникает вопрос какой участник должен участвовать в принятии решения об утверждении изменений в устав. Закон не отвечает на вопрос детально, и на практике остается проблемой какой участник (продавец или покупатель) должен голосовать. Для самого Общества покупатель с момента уведомления является участником, а для третьих лиц (центр государственных услуг, суд, кредиторы и другие) продавец до завершения регистрации изменений является участником. Соответственно, на практике, Центр государственных услуг требует подпись именно продающего участника.

Судебная система последнее время встречается с исковыми заявлениями от покупателей доли о признании за ними статуса участника или понуждении Общества во включении их в состав участников. По таким искам, суд отказывает в требованиях, так как не признает за ними статус участника или же не признает его в качестве спора [7].

Для разрешения данного вопроса, разработчик проекта закона предложил схему по внедрению процедуры обязательного нотариального заверения договоров с функцией нотариусов вносить изменения в реестр участников самостоятельно. В основу данной модели принят германский опыт со своими особенностями [8]. Данное решение отчасти разрешит вопрос, однако снижает возможности остальных участников в обжаловании. Нотариальное заверение сделки еще не означает о законности данной сделки, остальные участники должны получить возможность по обжалованию такой сделки. В связи с этим, целесообразнее применить опыт Германии, при котором лицо, которое приобрело долю, уведомляет само общество. Общество в свою очередь обязуется внести изменения в реестр незамедлительно в случае отсутствия претензий от остальных участников. Данная конструкция поможет остальным участникам быть уведомленными о совершенной сделке и предоставит возможность обжалования. Невыполнение со стороны Общества внесение изменений в государственный реестр, предоставит участникам право обращения в суд с требованием возложения обязанности. Данное предложение, по нашему мнению, поможет разрешить вопрос с неопределенностью и в судебной практике Узбекистана.

Вопросы об осведомленности о полномочиях исполнительного органа.

Исполнительный орган является по умолчанию единственным представителем Общества в отношениях с внешним миром. Статус единственного представителя означает полную свободу действий, и контрагент не обязан сомневаться в его полномочиях. Однако, закон предусмотрел случаи, когда полномочия исполнительного органа ограничиваются. В частности, для изучения основным примером может служить крупная сделка или сделка с аффилированным лицом. В случае с такими сделками, исполнительный орган не вправе заключить сделку без решения общего собрания участников. По логике закона, в случае нарушения исполнительным органом данного пункта и заключения договора без разрешения общего собрания участников, такая

сделка может быть оспорена и признана недействительной. Позиция Гражданского кодекса Узбекистана такова, что такая сделка может быть признана недействительной только в том случае, если другая сторона сделки знала или должна была знать об ограниченности полномочий. Данная позиция закона должна, по нашему мнению, закрепиться и в правоприменительной практике.

По мнению Б.Махмудова признание сделок Общества недействительными должно быть осуществлено исключительно согласно статье 126 Гражданского кодекса Республики Узбекистан в случае действий с превышением полномочий [12, С.170]. Данную позицию считаем оправданной в нашем случае.

В действительности, любую сделку, связанную с превышением полномочий, можно признать недействительной. Нормы Гражданского кодекса о недействительности сделок: статья 116 (содержание сделки не соответствует требованиям законодательства) и статья 125 (сделка, которая противоречит уставным целям Общества). При удобном для Общества толковании данных норм, фактически возможно признать сделку с превышением полномочий недействительным, даже если другая сторона не знала и не могла знать о таких ограничениях. Данная позиция подтверждается и судебной практикой [9]. Такая практика, считаем, противоречит сути самостоятельной личности Общества. По нашему мнению, нельзя сделки Общества с превышением полномочий исполнительного органа признать недействительными на основании статей 116 и 125 Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

Участники рабочей группы предложили, внести изменения в проект Закона об обществах с ограниченной ответственностью с указанием возможности признания сделок с превышением полномочий только на основании статьи 126 Гражданского кодекса Республики Узбекистан. Данная норма гласит, что сделку с превышением полномочий можем признать недействительной только в том случае, если другая сторона знала или должна была знать об ограниченности полномочий. Данное внедрение, считаем, гармонизирует нормативную и правоприменительную базу.

Общество с ограниченной ответственностью имеет историю более 100 лет, которая не только не потеряла актуальность, но и распространилась практически во все правовые системы. Данная форма является очень гибкой и универсальной. Правильное применение данной конструкции в узбекской модели с точки зрения принципов, заложенных в данную модель, придаст импульс дальнейшему развитию данного института и будет служить фундаментом развития бизнеса.

Несомненное первенство данной конструкции среди других организационно-правовых форм было вызвано гибкими и либеральными нормами в отношении управления, создания, ликвидации, имущественных составляющих. Однако чрезмерная либерализация возбудила негативные последствия в плане защиты прав кредиторов и контрагентов. Разрабатываемый проект закона об обществах с ограниченной ответственностью должен в особенности разрешить данные пробелы в законодательстве и правоприменительной практике.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Официальный веб-сайт Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан // URL: <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/21685-ozbekistonda-faoliyat-yuritayotgan-mchjlar-soni-333-mingdan-oshdi-2>.
2. Суханов Е.А., Сравнительное корпоративное право. – М., 2014.
3. Суханов Евгений Алексеевич О Концепции развития законодательства о юридических лицах // Журнал российского права. 2010. №1 (157). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-kontseptsii-razvitiya-zakonodatelstva-o-yuridicheskikh-litsah> (дата обращения: 04.12.2022).
4. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию правовых основ корпоративных отношений» // URL: <https://lex.uz/ru/docs/6277774>.

5. Закон Республики Узбекистан «Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью» // URL: <https://lex.uz/docs/18793>.

6. Закон Республики Узбекистан «О неплатежеспособности» // URL: <https://lex.uz/ru/docs/5957616>.

7. Экономическое дело №4-1702-2301/1631 рассмотрено в Асакинском межрайонном экономическом суде. Решение от 27 сентября 2023 года. — URL: <https://public.sud.uz/report/ECONOMIC>.

8. Act on Limited Liability Companies // URL: https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_gmbhg.

9. Экономическое дело №4-1102-2302/2873 рассмотрено Юкоричирчикским межрайонным экономическим судом. Решение от 11 октября 2023 года. — URL: <https://public.sud.uz/report/ECONOMIC>.

10. Холмирзаев Уткирбек Эволюция концепции ограниченной ответственности (участников) и самостоятельной юридической личности корпораций // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/evolyutsiya-kontseptsii-ogranichennoy-otvetstvennosti-uchastnikov-i-samostoyatelnoy-yuridicheskoy-lichnosti-korporatsiy> (дата обращения: 14.12.2023).

11. Гражданский Кодекс Российской Федерации от 30 ноября 1994 года N 51-ФЗ // URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142.

12. Отчет 1-го Семинара по сравнительному изучению законодательства стран Средней Азии «Недействительность сделок в предпринимательской деятельности» и «Недействительность сделок в обычное время и при банкротстве» от 2008 г. — С. 168-211. — URL: <https://www.moj.go.jp/content/000032484.pdf>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси доценти, юридик фанлар номзоди
E-mail: gulnoraxudayberdireva@mail.ru

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА ОИД МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ВА КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХУДАЙБЕРДИЕВА Г.А.
Интеллектуал мулкка оид миллий қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификация
қилишнинг ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald.
№ 6 (2023) Б. 48-53.

 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада интеллектуал мулкнинг таркибий қисмлари моҳияти, соҳага оид қонунчиликни тизимлаштиришга оид давлат-ҳуқуқий сиёсатининг асослари, тизимлаштириш орқали кодификация қилиш йўллари, қонунчиликни такомиллаштиришда халқаро ҳужжатларнинг таъсири, тизимлаштиришда модели кодексдан фойдаланишнинг аҳамияти, олимларнинг ушбу соҳадаги илмий қарашлири таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фармон, қарор, концепция, принцип, қоида, стратегия, интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, муаллиф, ҳуқуқ эгаси, тизимлаштириш, кодификация қилиш, ҳуқуқий сиёсат.

KHUDAIBERDIEVA Gulnora

Associate professor of the Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: gulnoraxudayberdireva@mail.ru

ANNOTATION

The article analyzes the nature of the components of intellectual property, the basis of state legal policy for systematization of legislation in this area, ways of codification through systematization, the influence of international documents on the improvement of legislation, the importance of using a model code in systematization, as well as the scientific views of scientists in this area.

Keywords: decree, decision, concept, principle, rule, strategy, intellectual property, copyright, related rights, author, copyright holder, systematization, codification, legal policy.

ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна
Доцент Правоохранительной академии Республики Узбекистан, кандидат
юридических наук
E-mail: gulnoraxudayberdireva@mail.ru

ПРАВОВАЯ ОСНОВА КОДИФИКАЦИИ И СИСТЕМАТИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется природа компонентов интеллектуальной собственности, основы государственно-правовой политики по систематизации законодательства в данной сфере, пути ее кодификации посредством регламентации, влияние международных документов на совершенствование законодательства, значение использование модельного кодекса в систематизации, а также научные взгляды ученых в этой области.

Ключевые слова: указ, решение, концепция, принцип, правило, стратегия, интеллектуальная собственность, авторское право, смежные права, автор, правообладатель, систематизация, кодификация, правовая политика.

XX-асрнинг охирига келиб, нафақат мулк ёки бошқа моддий ашёлар, ишлар, хизматлар, қимматли қоғозлар, балки мулккий ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар ҳам халқаро савдо объектлари орасидан мустақкам ўрин эгаллади. Илмий-техника тараққиёти туфайли фан ва техника иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилларидан бирига айланиб қолди, халқаро битимлар тузилишида интеллектуал фаолият натижаларининг битим объекти сифатида қатнашишини кенгайтди.

Барча миллий-ҳуқуқий тизимлар интеллектуал фаолият натижалари қаторига амалда фан, адабиёт, санъат асарлари ва саноат мулк объектлари, ошкор этилмаган ахборотлар, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)ни интеллектуал фаолият натижаларини ҳам киритади. Индивидуаллаштириш воситалари қаторида фирма номлари, товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), товар келиб чиққан жой номлари ҳам интеллектуал мулкка оид қонунчилик билан муҳофазага олинган.

Академик Х.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича фуқаролик ҳуқуқи объектлари қуйидагича: ашёлар; ишлар; хизматлар; интеллектуал (ижодий) фаолият натижалари, номоддий неъматлар сифатида таснифланиши мумкин[1]. И.Насриевнинг таърифига кўра, иждодий фаолиятнинг аниқ бир шаклда, кўринишда ифода этилган натижалари интеллектуал мулк ҳисобланади ва ҳуқуқ билан ҳимоя қилинади [2].

Бугунги кунда республикамиз ҳуқуқий базаси турли мақомдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан таркиб топгани, улар сонининг кўплиги, қонунчилик ҳужжатларида ҳаволаки нормаларнинг салмоғи кенглиги, жамият аъзоларини ҳуқуқий билимини оширишда жиддий камчиликлар борлиги учун қонунчиликни тизимлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётига бозор қонуниятларини изчил жорий этиш, норма иждодкорлигини кенгайтириш, тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, ҳуқуқ тизимини амалга оширилаётган ислохотларга уйғунлаштириш, ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 8 август куни “Норма иждодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-фармони [3] қабул қилинди.

Фармонда қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура, қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти, интеллектуал мулк ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш асосида қайта

кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси ҳам белгилаб берилди.

Бундан кўриниб турибдики, ҳуқуқнинг ҳар қандай соҳаси ёки институти замон талабларидан келиб чиқиб мустақамланиши, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир хилликка эришиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш давлатнинг асосий вазифасига айланиб бормоқда. Кейинги йилларида республикамизда қонунчиликнинг бошқа соҳалари қатори интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилиги асосларини ҳам мустақамлаш, ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини муҳофаза қилиш ва улар ҳуқуқларини хорижий мамлакатларда ҳам ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари кўрсатиб берилмоқда.

Кейинги вақтларда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳадаги амалдаги қонунчиликни танқидий таҳлил қилиш, халқаро ташкилотлар фаолияти ва хорижий давлат тажрибасига таянган ҳолда, муаллифлар ва ихтирочиларнинг ҳуқуқларини бозор қонуниятлари асосида ҳимоя қилиш тизимини яратиш, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқларни кенгайтиришга қаратилган ҳолда тизимлаштириш ва кодификация қилишга оид давлат-ҳуқуқий сиёсати юритилади бошланди. Айниқса, рақамли иқтисодиёт шароитида интеллектуал мулкнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги ўрнини кенгайтириш ва соҳа қонунчилигини такомиллаштиришни бугунги кунда долзарб бўлиб турмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизимида интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари Фуқаролик кодекси қоидалари билан бир қаторда кўпгина махсус қонунлар билан ҳам тартибга солинади. Ушбу қонунларда тегишли интеллектуал мулк объектларини фуқаролик оборотининг объекти бўлиши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилган. Интеллектуал мулкка оид нормалар Фуқаролик кодексида алоҳида бўлимга жойлаштирилган.

О.Оқюловнинг фикрича, ҳар бир ҳуқуқ соҳасида баъзан бир-бирига бутунлай зид келадиган турли ёндашувлар, ғоялар мавжуд. Ҳар қандай фан бусиз мавжуд бўлмайди. Бундан ташқари, муайян даврда доктринада бирон бир ғоялар тизими, қарашлар, ёндашувлар ҳақиқий (албатта, нисбий) ва тўғри доктрина сифатида устун мавқега эга бўлади. Доктрина норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун ўзига хос мўлжал вазифасини ўтайди [4].

Қонунлар сонининг кўплиги, айрим нормаларнинг эса бошқа қонунларда ҳам такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги нормаларнинг мавжудлиги қонунчилик нормаларини қўллашда муайян қийинчиликлар туғдиради.

Ўзбекистон 2005 йил 19 апрелда “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн конвенциясига аъзо бўлгандан сўнг, яъни 2006 йилда Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкнинг бошқа институтларидан кўра муаллифлик ҳуқуқига оид тегишли нормалари жиддий янгиланди. Амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Республикамизда Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид нормалари ва соҳавий қонунчилик ҳужжатларини жамлаб, алоҳида “Интеллектуал мулк кодекси”га киритиш вақти келди. Аслида, бу ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевга тегишли.

Янги кодекснинг қабул қилиниши соҳада илмий концепциясининг вужудга келишига ҳам хизмат қилади. Энг асосийси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттиришда имкониятлар янада кенгайди.

Умуман олганда, бутун дунёда бугунги кунда интеллектуал мулк объектлари таркибини кенгайтириш, объектларга алоҳида ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали соҳа қонунчилигида кодификация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда.

Юқоридаги ҳужжатларда белгилаб берилганидек Фуқаролик кодексини бозор қонуниятлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, иқтисодий муносабатларнинг шартномавий асосларини янада кенгайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, иқтисодиётни давлат улушини камайитириш, фуқа-

ролик қонун ҳужжатларининг тўғридан-тўғри амал қилиши учун улардаги ҳаволаки нормаларни қисқартириш, қонунчиликни хатловдан ўтказиш орқали тўғридан-тўғри қўлланадиган қонун нормаларини яратиш заруриятини ўртага қўймоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрель “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-5464-фармойиши [5] қабул қилинган, Фармойиш билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича Идоралараро комиссия ташкил этилди.

Комиссияга янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг йўналишларини, шу жумладан, Фуқаролик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини кенг муҳокама қилиш вазифаси ҳам юкланди.

Фуқаролик кодексининг янги лойиҳасида интеллектуал мулкка оид муносабатларни мувофиқлаштирувчи умумий, фундаментал нормалар қолдирилиб, асосий тамойил ва объектлар мақомини берувчи жиҳатлари белгиланса, Интеллектуал мулк кодексида барча объектлар бир тизимга жойлаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий генезиси тушунтирилиб, тўғридан-тўғри қўлланадиган нормалар яратилади. Бу билан қонуности ҳужжатларининг кўлами кескин камайтиради ва ҳаволаки нормалар ҳам барҳам топади.

Давлат интеллектуал мулк соҳасида ислохотчилик функциясини амалда намоёйиш этмоқда, соҳага оид давлат бошқаруви такомиллаштирилиши мақсад қилинмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сон фармони [6] билан Адлия вазирлиги зиммасига “барча соҳаларда қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш ишларини самарали йўлга қўйиш, қабул қилинганига кўп вақт бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларга уйғунлаштириш” кўшимча вазифаси юклатилди.

Фармонга 1-Илова сифатида тасдиқланган “2020-2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепцияси”нинг 2-боби (Адлия органлари ва муассасалари тизимини ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари) 4-параграфида (Интеллектуал мулк соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш) Адлия вазирлигига интеллектуал мулк соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган интеллектуал мулк тизимини модернизация қилиш (Patent Trolling) вазифаси юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-221-сон қарори [7] билан 1-Илова сифатида тасдиқланган “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси”нинг 3.2-бандида ҳам “интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш” вазифаси қўйилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, интеллектуал мулкка оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш бевосита халқаро шартномалар қоидаларидан фойдаланиш, уларнинг принцип ва қоидаларини қонунчилик нормаларига сингдириш самара бериши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон биргина муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга соладиган бешта халқаро шартномани имзолаган.

Интеллектуал мулкка оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришда асосий универсал шартномалардан бири Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг “Интеллектуал мулкнинг савдо йўналишлари бўйича битими”нинг қоида ва нормалари (Agreement on Trade Related Aspects of Intellectual Property Rights Including Trade in Counterfeit Goods ва

унинг қисқартирилган - TRIPS) асослардан бири бўлиши мумкин. Ушбу Битимга кўра кўра интеллектуал мулк ҳуқуқи миллий қонунчилик асосида намоиш этилади ва миллийликка хизмат қилади [8].

ТРИПСнинг 9-моддаси умумлаштирилган модда сифатида “Бадий ва адабий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида”ги Бернь конвенциясининг 1-21-моддаларида кўзда тутилган қоидаларга таяниш кераклигини кўрсатади. Яъни, ТРИПСнинг бу моддасида Бернь конвенциясининг аъзо-давлатлари конвенциянинг қайси моддаларига риоя этишлари лозимлиги, айниқса, конвенциянинг қайси моддасига бевосита ва тўридан-тўғри риоя этилишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ЖСТ ўз мақсадларига эришиши учун муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини мустаҳкамлашда ТРИПСнинг барқарор ишлаши учун 1994 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида Шартнома [9] имзолади.

ТРИПСнинг 12-моддасига кўра, ЖСТнинг аъзо-давлатлари ўз ҳудудларида Бернь конвенцияси талабларини қўллаган ҳолда, муаллифларга улар вафот этгандан сўнг яна камида 50 йил мобайнида уларнинг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тавсия этади.

ТРИПСнинг асосий хусусиятларидан бири бу ҳуқуқларни ўрнатиш бўлса, иккинчидан, ҳуқуқлар амалга ошириладиганда уни нотўғри қўллашни таъқиқлашдир. Масалан, ТРИПСнинг 14-моддасида аъзо-давлатлари ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотларга уларга тегишли бўлган асарлардан учинчи шахслар фойдаланганда “таъқиқлаш ҳуқуқи”ни таъминлаш лозимлиги таъкидланади.

ТРИПСнинг амалда қўлланишида унинг принципларини аниқлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини англаш ва уларни амалда қўллаш муҳим ҳисобланади. ТРИПС ҳам муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган халқаро конвенция ва битимларга ўхшаб ўзининг махсус принципларига эга. Бу принциплар “Миллий тартиб”, “Узлуксиз ҳимоя қилиш”, “Ҳимоя қилишнинг эркинлиги” принциплари бўлиб, булар ТРИПС амалда қўлланаётган миллий қонунчилик билан нисбатини белгилаб беради.

Т.Д.Матвеева бундай турдаги халқаро актларни таҳлил этар экан, бу халқаро актлар Россия ҳуқуқ тизимида ҳам ўз аксини топиб бораётгани, улар халқаро-ҳуқуқий доктринани намоиш этиши билан ажралиб туради, деб ҳисоблайди [10].

Соҳага оид миллий қонунчиликни кодификация қилиш мақсадида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларининг ўзаро халқаро алоқалари яхши самара бермоқда. Фуқаролик кодексининг янги лойиҳаси ва Интеллектуал мулк кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий давлатлар қонунчилиги билар бирга, модел кодексдан фойдаланиш тўғри бўлади. Масалан, Россия Федерацияда Фуқаролик кодексининг 4-қисми (Интеллектуал мулк кодекси) лойиҳасини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилган.

Айнан шу мақсадда 2010 йил 7 апрелда МДХ аъзо-давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг ўттиз тўртинчи ялпи мажлисида МДХ аъзо-давлатлари учун “Интеллектуал мулк модел кодекси” қабул қилинди. Модел кодекс 13 боб, 107 моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулк объектларининг мақоми ва ҳуқуқий муҳофазаси бир тизимда жойлаштирилган. Ҳар бир бобда объектларнинг умумий муҳофаза йўналишлари алоҳида кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, интеллектуал мулкка оид миллий қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификация қилиш давлатимизнинг ҳуқуқий сиёсати ҳисобланади. Қонунчиликни тизимлаштириш аввало амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларини хатловдан ўтказишни талаб этади. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тоифалангандан сўнг, улар мақомига кўра тизимланиши керак. Қонунчиликни кодификация қилишда республикамиз аъзо бўлган универсал халқаро шартномалар қоидаларига таяниш муҳим ҳисобланади. Қонун нормалари тўғридан-тўғри қўлланадиган даражага келтирилса муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг манфаатлари рўёбга чиқарилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Рахмонқулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қисмига тавсиф ва шарҳлар. -Т., Адолат, 1997. -Б.217.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: Адолат, 1998.-Б.20.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 8 август куни “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3858817>.
4. Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Т.: ТДЮИ, юрид. фан... докт. дисс. -Т.:ТДЮИ, 2002. - Б.18.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрель “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-5464-фармойиши // URL: <https://lex.uz/docs/4272621>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4820060>;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-221-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5987120>;
8. Document WOGA /XV/ 3, paragraf 74, WIPO, Geneva, 1994.
9. Интеллектуальная собственность и свободное движение товаров. // Государство и право. 1998.-№ 1. - Б.67
10. Матвеева Т.Д. Международное право: курс лекций.-Москва.: РАГС, 2006.-С.137.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЮЛДАШОВ Абдумумин Абдугопирович

Тошкент давлат юридик университети Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси
доценти, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ORCID-0000-0002-2940-8718

E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ЎЗARO КЕСИШМАСИ: ҲУҚУҚИЙ НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЮЛДАШОВ А.А. Шахсга доир маълумотлар ва муаллифлик ҳуқуқининг ўзаро кесишмаси: ҳуқуқий назария ва амалиёт // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2023) Б. 54-67.

 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада рақамли технологиялар воситасида фойдаланувчилар томонидан муаллифлик ҳуқуқи бузилган тақдирда уларни жавобгарликка тортиш мақсадида уларнинг шахсига доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат бериш билан боғлиқ масалалар ёритилган. Хусусан, бунда муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси тарафдорлари ва шахсга доир маълумотлар дахлсизлигини устувор ҳисоблашга қаратилган фикрлар юзасидан муаллифнинг шахсий қараш билдирилган ҳамда таҳлиллар билдирилган. Шунингдек, бу йўналишдаги АҚШ ва Европа иттифоқи мамлакатлари тажрибаси ва уларнинг суд амалиёти хусусида ҳам сўз юритилган. Мақолада, шунингдек муаллиф томонидан ушбу икки жиҳат ўртасидаги баланс масаласини таъминлаш юзасидан тегишли қонунчилик нормаларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳамда келгусидаги ҳуқуқий оқибатлар бўйича илмий-назарий хулосалар қилинган.

Калит сўзлар. шахсга доир маълумотлар, муаллифлик ҳуқуқи, телекоммуникация тармоғи, техник қурилмалар, онлайн платформалар, провайдерлар, “Интернет шартномалар”.

ЮЛДАШОВ Абдумумин Абдугопирович

Доцент Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

ORCID-0000-0002-2940-8718

E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

ПЕРЕСЕЧЕНИЯ ПЕРСОНАЛЬНЫХ ДАННЫХ И АВТОРСКОГО ПРАВА: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА ПРАВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с разрешением на использование персональных данных пользователей, нарушившим авторские

права посредством цифровых технологий, чтобы привлечь их к ответственности. В частности, была выражена точка зрения автора и в связи с этим были высказаны мнения в пользу защиты авторских прав, направленные на установление приоритета неприкосновенности информации о личности. В статье также рассмотрены опыт и судебная практика США и стран ЕС. В статье также разработаны научно-теоретические выводы автора по совершенствованию соответствующих норм законодательства, и последующих последствиях с целью обеспечения баланса между ними.

Ключевые слова: персональные данные, авторское право, сеть телекоммуникаций, технические устройства, онлайн-платформы, провайдеры, «Интернет договора».

YULDASHOV Abdumumin

Associate professor at Tashkent State University of Law,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

ORCID-0000-0002-2940-8718

E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

INTERACTIONS OF PERSONAL DATA AND COPYRIGHT: LEGAL THEORY AND PRACTICE

ANNOTATION

This article discusses issues related to permission to use personal data of users who have violated copyright through digital technologies in order to bring them to justice. In particular, the personal point of view of the author was expressed and, in connection with this, analyzes were expressed in favor of copyright protection and opinions aimed at establishing the priority of the inviolability of personal information. The article also examines the experience of the USA and EU countries in this direction and their judicial practice. The article also develops the author's scientific and theoretical conclusions on issues related to improving the relevant legislation and the subsequent legal consequences in order to ensure a balance between these two aspects.

Keywords: personal data, copyright, telecommunications network, technical devices, online platforms, providers, "Internet treaties".

Сўнги йилларда Интернет ва телекоммуникация тармоқлари фойдаланувчиларининг шахсга доир маълумотларини ошкор қилишга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тарафдорлари ва аксинча ушбу тармоқлар фойдаланувчиларининг шахсий маълумотларини барча ҳуқуқий ҳимоя унсурларидан устувор деб ҳисобловчилар ўртасидаги турли баҳс-мунозаралар бермоқда. Ушбу масалада хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва суд амалиёти ҳам турлича аҳамият касб этади. Масалан, АҚШда фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ва муаллифлик ҳуқуқи объектлари эгалари ўртасидаги муносабатларда устуворлик бевосита иккинчи тарафга берилган. 2010 йилда АҚШнинг Vlll КG продюсерлик фирмаси томонидан тасвирга олинган "Far Cry" кинофильми бир гуруҳ фойдаланувчилар томонидан рухсатсиз тарқатилган. Суд эса провайдерларга ушбу ноқонуний ҳаракатни содир этган фойдаланувчилар шахсини аниқлаш ва тарқатишга рухсат берган [1]. Ушбу ҳуқуқий жиҳат АҚШнинг Рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқи қонуни (DMCA)нинг 1201(i) қисмида шахсга доир маълумотларга нисбатан истиснолар назарда тутилган. Унга кўра, онлайн платформалар (провайдерлар) муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш мақсадида жисмоний шахсга доир маълумотларни аниқлаш, тўплаш ва тарқатиш ҳуқуқига эга [2]. Айни ушбу ҳолат юзасидан Европа мамлакатлари тажрибаси аксинча ҳисобланади. Масалан, 2008 йилда Швейцария Олий суди онлайн платформаларга интернет фойдаланувчиларини муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда "қароқчи" аудиовизуал асарларни юклав олганликлари учун судга бериш мақсадида уларнинг шахсга доир маълумотларини

аниқлашни ва уларнинг электрон манзилларини кузатишни таъқиқлади. Швейцария ҳукумати бундай ҳаракатларни шахсий ҳаётга тажовуз сифатида белгилади [3]. Шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлаш онлайн муҳитда амалга оширилаётган Европа ҳуқуқининг умумий тамойили ҳисобланади [4]. 2002 йилда қабул қилинган Европа иттифоқининг “Махфийлик ва электрон коммуникациялар тўғрисида”ги директивасига кўра, иттифоққа аъзо мамлакатлар жинсий ҳаракатлар учун қидирувлар ўтказишни таъминлаш, миллий хавфсизлик, муҳофаа ва умумий хавфсизликни таъминлаш мақсадларида шахсга доир маълумотлар ошкор этилиши мумкин. Қатъий истисно тарзида белгиланганки, агарда “демократик ҳамжамиятни таъминлаш учун зарур бўлган” ҳаракатлар бўлса шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилади. Европа иттифоқида ҳуқуқ эгалари интернет провайдерлардан тармоқдаги асарларни ноқонуний кўчириб олган фойдаланувчиларнинг IP адресларини тақдим этишларини сўрашмоқда. Уларнинг фикрича, бу ҳаракатлар турли даражадаги фундаментал ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлаш, хусусан “шахсий ҳаётга нисбатан ҳурмат - мулк ҳимоясига бўлган ҳуқуқ – самарали ҳуқуқий ҳимоя восита [5]” билан тенг нисбатга эга. Юқорида келтирилган икки мисолдан англашилмоқдаки, интеллектуал мулк қонунлари ва шахсга доир маълумотларга доир қоидаларга нисбатан қарама-қаршилик юзага келмоқда ва бу эса ўз навбатида ҳуқуқий муаммоларни юзага келтирмоқда.

Европа парламентни ва кенгашининг 2016 йил 27 апрелдаги “Жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари ва уларни эркин тарзда жойлашуви” тўғрисидаги 2016-679-сон регламентида шахсга доир маълумотлар тушунчасига батафсилроқ таъриф берилган деб ўйлайман. “Шахсга доир маълумотлар – бу идентификация қилинадиган жисмоний шахсга тегишли ҳар қандай маълумотни англатади. Идентификация қилинадиган жисмоний шахс – бу тўғридан-тўғри ёки билвосита, яъни исм, индентификация рақами, жойлашуви каби индентификацияга ҳавола қилувчи маълумотлар ёки жисмоний, физиологик, генетик, руҳий, иқтисодий, маданий ёки ижтимоий ўзига хослигини ифодаловчи маълумотлар” [6]. Ушбу таъриф шахсга доир маълумотлар таркиби нималардан иборат эканлигини кенгроқ тушунтирган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, В.Рузановага кўра, дастлаб шахсга доир маълумотларга унинг ФИШ, туғилган санаси, манзили, оилавий, ижтимоий ва мулкий ҳолати, таълим, касб ва даромадлари кирган бўлса, эндиликда унинг доираси кенгайиб, улар таркибига геолокация, Интернет тармоқларида шахснинг ўзини тутиши, IP манзили каби телекоммуникация тармоқлари билан боғлиқ жиҳатлар ҳам киради [7]. Фикримча, Интернет тармоқларида шахснинг ўзини тутишини шахсга доир маълумотлар таснифига киритиш мумкин эмас. Сабаби, бу ҳолат энг олий ҳуқуқ ҳисобланувчи шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар тоифасига киради. Шунингдек, фикримизча IP манзил ва геолокация каби идентификация белгиларини ушбу тоифага киритилиши айнан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бузилиши билан боғлиқ санаш мумкин. Тўғри бунда кўпчилик шахс томонидан ижтимоий тармоқлар ёки бошқа онлайн хизматлар орқали мамлакат конституцион тузумига қарши ёки турли ҳақоратомуз ҳаракатлар, ҳуқуқбузарликни тарғиб қилувчи ҳолатларни аниқлаш асосий сабаб бўлиши мумкин. Лекин юқоридаги идентификаторларнинг ҳам “рўйхат”га киритилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бузилиши ва уларга нисбатан таъсир чорасини қўллаш имкониятини туғдириш билан бирга ушбу мақолада таҳлил қилинаётган зиддиятларни келтириб чиқаришга ҳам сабаб бўлди.

Россия қонунчилигида ахборот хавфсизлигини таъминлашда асосий эътибор фуқароларнинг шахсий манфаатлари эса, балки давлатнинг манфаатлари ва хавфсизлик талабларини таъминлашга қаратилган деб таъкидлайди, тадқиқотчи Линь До [8]. Бироқ, ушбу ҳолатда шахсий манфаатлар доираси бошқалар томонидан бузилганда ёки унга дахл қилинганда ҳам жабрланувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан зарур чораларни кўришлик лозим деб ҳисоблайман.

Интернет ва телекоммуникация тармоқларининг кенг тараққий этиши натижасида иқтисодий ривожланаётган мамлакатларда шахсга доир маълумотлар муҳофазаси,

онлайн платформалар фаолиятига доир қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳада бу йўналишдаги ижтимоий муносабатлар ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам 2019 йилда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга кўра, шахсга доир маълумотлар – бу муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот [9].

Шахсга доир маълумотлар муҳофазаси юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Қозоғистоннинг “Онлайн-платформалар ва онлайн-реклама тўғрисида”ги қонунда муҳим қоидалар белгиланган. Мазкур қонуннинг 10-моддасида онлайн платформалар эгаси ва (ёки) унинг қонуний вакили шахсга доир маълумотлар ҳимоясини таъминлаш мақсадида:

- фойдаланувчиларни уларни рўйхатдан ўтказиш тугагунга қадар онлайн платформаларнинг махфийлик сиёсати билан таништириши;

- шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги, хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш;

- фойдаланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз шахсга доир маълумотларнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

- фойдаланувчининг шахсга доир маълумотларининг махфийлиги бузилган тақдирда дарҳол хабардор қилиши лозим [10]. Ушбу норма Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонуни 27-моддасига мос тушади. Унга кўра, давлат шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Шунингдек, мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қуйидагиларни таъминлайдиган ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўради:

- субъектнинг ўз шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи амалга оширилишини;

- шахсга доир маълумотларнинг яхлитлигини ва бут сақланишини;

- шахсга доир маълумотларнинг махфийлигига риоя этилишини;

- шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов берилишининг олди олинишини.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўра, жисмоний шахснинг исмига, ундан фойдаланишга ва уни ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқи унинг шахсий қонуни билан белгиланади. Айни ушбу таснифни кенгайтириш Европа иттифоқи, Россия Федерациясининг тегишли қонунлари нуқтаи назаридан кенгайтириш лозим.

Шахсга доир маълумотларга доир қонунчилик ушбу маълумотларнинг махфийлиги асосий тамойиллардан бири эканлигини белгилаб бермоқда. Шу билан бирга, хорижий ва миллий қонунчилик субъект ва оператор шахсга доир маълумотларга ишлов бериш иштирокчиси эканлигини белгилаган. Субъектнинг қонуний вакили, мулкдор ва учинчи шахслар ҳам шахсга доир маълумотларга ишлов бериш иштирокчилари сифатида иш юритиши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи бузилган тақдирда фойдаланувчининг шахсини аниқлаш ёки бундай ҳолатни чеклаш бўйича Ўзбекистондаги қонун ҳужжатларининг мақоми қандай? Юқоридаги қонунда “шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва ҳимоя қилинганлиги” принципи мавжуд.

“Моҳиятига кўра муаллифлик ҳуқуқи – бошқа ҳар қандай эгалик мулклари каби ҳурмат қилиниши лозим бўлган мулкдир” [11]. Ушбу таърифдан муаллифлик ҳуқуқининг мақоми кўриниб турибди. “Янги ахборот технологияларининг кенг тарқалганлиги, ахборотни юқори тезликда узатилиши ва унинг манбаларига кириш имкониятининг осонлиги адабиёт ва санъат асарларини “муддатидан олдин” ижтимоий мулк сифатида қабул қилинишига олиб келди, аслида эса Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига кўра, ҳар бир асар муаллифи ёки ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ундан рухсатсиз фойдаланиш мумкин эмас (такрорлаш,

тарқатиш, импорт қилиш, ижарага бериш, эфирга узатиш ёки кабел орқали юбориш, таржима қилиш, ва ҳ.к)” [12]. Мазкур таърифга ҳамда миллий ва халқаро қонунчилик нормаларига мувофиқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланишда муаллиф ёки ҳуқуқ эгасининг розилиги муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, қонунчиликда асарлардан муаллиф рухсатисиз фойдаланишга доир истиснолар мавжуд. Лекин, ушбу истиснолар (шахсий мақсадларда фойдаланиш, “лозим даражада” ва “мос ҳажмда” фойдаланиш в.ҳ.) маълум бир ҳолатлар учун тегишли мустаснолар билан амалга оширилади.

Бу ҳолатда ҳуқуқий назарияда қандай фикрлар мавжуд? Л.К.Теращенко “Правовые проблемы использования сети Интернет” номли мақоласида бу борада янги ҳуқуқий муносабатлар зарур эканлигини таъкидлаб, муаллифлар (ҳуқуқ эгалари) учун керакли ҳақларни тақдим этиш орқали, интернет фойдаланувчиларининг шахсига доир маълумотларига дахл қилмасликни таклиф этган [13]. Агарда ушбу фикрни маъқуллайдиган бўлсак, бунда баъзи бир мамлакатларда мавжуд (хусусан, Ўзбекистонда ҳам [14] [15]) асарларни яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун қўлланиладиган минимал муаллифлик ҳақи ставкалари механизмлари ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Фикримча, шахсга доир маълумотларни муҳофазаси муаллифлик ҳуқуқи бузилган тақдирда ҳам дахлсиз бўлиши лозим. Шахсга доир маълумотларни қўлга киритиш натижасида бугунги кунда жисмоний шахснинг бутун шахсий ҳаёти ва молиявий ҳолатининг назорати, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари доирасига эгалик қилиш мумкин. Бир ҳуқуқни тиклаш орқали бошқа ҳуқуқларга нафақат дахл қилиниши балки шахсий ҳаёт кафолатлари бузилишига (!) ҳам олиб келиши мумкин.

Юқоридаги фикримни тасдиғи сифатида таъкидлаш лозимки, XX асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллари бошида шахсга доир маълумотлар муҳофазаси муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасига нисбатан иккинчи даражали ҳисобланган [16]. Лекин рақамли технологияларнинг тараққий этиши, ҳар бир ижтимоий муносабатларга замонавий технологияларнинг кириб келиши ҳамда шахс маълумотларини виртуал муҳитга кўчиши бугунги кунга келиб ушбу нисбатни аксини кўрсатмоқда. Лекин фикримизча шахсга доир маълумотларга ўз ваколатлари доирасида ишлов берувчи онлайн платформалар учун эҳтимол муаллифлик ҳуқуқи қўпол равишда бузиш деб баҳоланган тақдирда (муаллифлик ҳуқуқларини бузиш даражаси белгиланмаган) ваколат беришни назарда тутувчи қоидалар киритилиши лозимдир. Шундай бўлган тақдирда ҳам ишлов бериш Ўзкомназорат билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим деб ҳисоблайман. Маълумки, Ўзкомназорат интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ваколатли орган саналади [17].

Фикримча ҳеч қайси ижтимоий муносабатлар муаллифлик ҳуқуқичалик шахсга доир маълумотлар билан чамбарчас боғланмаган. Келгусида айти шу нуқтаи назардан ҳам муаллифлик ҳуқуқи қонунига шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, айти ушбу масала ўтган асрнинг 90-йилларида АҚШда кенг муҳокамага сабаб бўлган [18]. Унга доир айрим жиҳатларни эса биз АҚШнинг Рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқи қонуни (DMCA)да кўришимиз мумкин [19].

Агарда биз Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг “интернет шартномалари”га назар ташласак ҳам “баланс” масаласи фақатгина таълим, илмий тадқиқотларга қаратилганлигини ва бу жиҳат кенг жамоатчилик манфаатлари юзасидан қилинганлиги белгиланган [20].

Хўш, муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳимояси ва шахсга доир маълумотлар ўртасидаги кесими юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни нима дейди? Муаллифлик ҳуқуқига доир қонунимизнинг 63-моддасига мувофиқ, “асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишни назорат қилувчи, муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёхуд асарларга ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа

эгаси томонидан рухсат этилмаган ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олувчи ёки уларни чекловчи ҳар қандай техник қурилмалар ёхуд уларнинг таркибий қисмлари муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситалари деб эътироф этилади”. Шунингдек, асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан ҳар қандай қурилмани ёки унинг таркибий қисмларини тайёрлашга, тарқатишга, прокатга беришга, вақтинчалик текин фойдаланиш учун беришга, импорт қилишга, реклама қилишга, улардан тижорат мақсадида фойдаланишга ёхуд хизматлар кўрсатишга, агар бундай ҳаракатлар натижасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлмай қолса ёки бундай техника воситалари кўрсатилган ҳуқуқларнинг лозим даражада ҳимоя қилинишини таъминламаса, йўл қўйилмаслиги белгиланган [21].

Аҳамиятлиси, Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи ва шахсга доир маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик бўлган норма махсус қонуниimizда шундан иборат. Юқорида келтирилган нормадан англашиладики унда фақатгина техник чораларни кўришга муаллиф (ҳуқуқ эгаси) ҳақли эканлиги белгиланган.

Техник ҳимоя билан боғлиқ масалалар ТРИПСда қанчалик ўз аксини топганлигига ҳам эътибор қаратсак. Мазкур келишувнинг 13-моддасида аъзо давлатлар ҳуқуқ эгасининг қонуний манфаатларига асоссиз равишда зарар етказмайдиган ва асарлардан одатдаги тарзда фойдаланишга қарши бўлмайдиган ҳолатлар учун мутлақ ҳуқуқларга нисбатан истисно ва чекловларни киритиши мумкин [22].

Ушбу халқаро келишувдан кўриниб турибдики, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо-мамлакатлар чекловлар ва истисноларни киритиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланмоқда. Лекин ушбу ҳолатда юқорида айтилганидек, “баланс” масаласи албатта инобатга олиниши лозимлиги белгиланмоқда.

Ҳуқуқшунослар томонидан муаллифлик ҳуқуқи ва шахсга доир маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик жуда паст даражада эканлиги билдирилмоқда [23]. Шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқдаги бўшлиқларни бартараф этиш нафақат муаллифлик ҳуқуқи муҳим саналади. Балки, товар белгилари билан боғлиқ низоларда ҳам бу катта аҳамиятга эга. Зеро, бугунги кунда электрон савдо платформалари, “маркетплейс”лар кенг тараққий этмоқда. Бугунги кунда машҳур бўлган электрон платформаларга тегишли товар белгиларидан фойдаланган ҳолда ноҳалол равишда айна ушбу номдан фойдаланиб ҳаракат қилаётганларни шахсига доир маълумотларидан фойдаланиш ҳам актуал аҳамият касб этмоқда. Аҳамиятлиси, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмлари такомиллашиб боргани сари, келгусида Ўзбекистон қонуншунослари олдида айнан шахсга доир маълумотлар билан боғлиқ муаммога дуч келишлари аниқ деб ўйлайман. Умуман олганда, муаллифлик ҳуқуқи доимий равишда такомиллашиб борадиган цивилистик ҳуқуқнинг йўналишларидан бирига айланиб улгурди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. США: суд узаконил поиск пиратов по IP. <https://pravo.ru/interpravo/news/view/37946/>.
2. The Digital Millennium Copyright Act of 1998. <https://www.copyright.gov/legislation/dmca.pdf>.
3. Верховный суд Швейцарии запретил отслеживать IP-адреса. <https://www.bfm.ru/news/94634>.
4. Directive 2002/58/EC concerning the processing of personal data and the protection of privacy in the electronic communications sector (Directive on privacy and electronic communications, “E-Privacy Directive”), as amended by Directive 2009/136/EC (forming part of the EU “Telecoms Package”).
5. EUCJ, 29 January 2006, Promuscaes vs Telefonica, Case C-275/06.
6. Regulation (EU) 2016/679 of the European Parliament and of the Council of 27 April

2016 “On the protection of natural persons with regard to the processing of personal data and on the free movement of such data, and repealing Directive 95/46/EC (General Data Protection Regulation)”. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A02016R0679-20160504&qid=1532348683434>.

7. Рузанова В.Д. Законодательство в области персональных данных как институт информационного законодательства // Юридический вестник Самарского университета. 2019. №2. 67-68.

8. Линь До. Основные тенденции в сфере защиты авторского права и персональных данных в сети Интернет // NB: Административное право и практика администрирования. 2020. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-tendentsii-v-sfere-zaschity-avtorskogo-prava-i-personalnyh-dannyh-v-seti-internet>.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни. URL: <https://lex.uz/acts/4396419>;

10. Закон Республики Казахстан от 10 июля 2023 года № 18-VIII «Об онлайн-платформах и онлайн-рекламе» // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=35159963&doc_id2=36356625#activate_doc=2&pos=6;-106&pos2=99;-78.

11. In Defense of Private Orderings: Comments on Julie Cohen’s “Copyright and the Jurisprudence of Self-Help” 13 Berkeley Tech. L.J. 1151, 1159 (1998).

12. Юлдашов, А. (2023). Библиотека, цифровой контент и авторское право. in Library, 22(4), 86–90. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/23421>.

13. Л.К. Терещенко. «Правовые проблемы использования сети Интернет». «Журнал российского права», № 7-8, 1999.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.08.2017 йилдаги “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3201-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3312936>.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.01.2008 йилдаги “Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида”ги 10-сон қарори // <https://lex.uz/docs/1302458>.

16. Judge Jon Newman, Copyright Law and the Protection of Privacy, 12 Colum-VLA J L & Arts 459, 469 (1988).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.11.2018 йилдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4024-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4071401>.

18. Pierre N. Leval, Toward a Fair Use Standard, 103 Harv L Rev 1105 (1990).

19. The Digital Millennium Copyright Act of 1998. <https://www.copyright.gov/legislation/dmca.pdf>.

20. Договор ВОИС по авторскому праву. <https://www.wipo.int/wipolex/ru/text/295160>.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/acts/1022944>.

22. Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности // URL: https://wipolex-res.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt_wto01_001ru.pdf.

23. Nordic Yearbook of Law and Informatics 2010–2012. Internationalisation of Law in the Digital Information Society. Dan Jerker B. Svantesson & Stanley Greenstein (editors). Ex Tuto Publishing A/S. // URL: www.extuto.com.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

TOSHKANOV Nurbek Bahriddinovich

Toshkent davlat yuridik universiteti tayanch doktoranti (PhD)

E-mail: toshkanovnurbek@gmail.com

AN'ANAVIY BILIMLAR VA ULARNING HUQUQIY IFODASI BO'YICHA BA'ZI MASALALAR

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): TOSHKANOV N.B. An'anaviy bilimlar va ularning huquqiy ifodasi bo'yicha ba'zi masalalar // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2023) В. 61-67.



6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-9>

ANNOTATSIYA

Maqolada intellektual mulk, uning jahon iqtisodiyotida tutgan o'rni xususida so'z yuritilgan. Yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida ijodiy faoliyat erkinligi va intellektual mulkning qonun bilan muhofaza qilinishi kafolatlari belgilanganligiga to'xtalangan. Shuningdek, an'anaviy bilimlar shaklidagi jamoaviy intellektual mulk, ularni huquqiy tartibga solishning ayrim masalalari bayon etilgan. An'anaviy bilimlar tushunchasi, turlari, tartibga solish modellari hamda mazkur sohadagi ilmiy-yondashuvlar yoritilgan. Ushbu bilimlarni tartibga solish bo'yicha xalqaro va xorijiy davlatlar qonunchiligidan misollar keltirib o'tilgan. Milliy huquqni qo'llash amaliyotida kuzatilayotgan ayrim keyslar misolida an'anaviy bilimlarni milliy qonunchilikda tartibga solish istiqbollari ochib berishga harakat qilingan. Bunda xalqaro va xorijiy amaliyotda mavjud huquqiy tartib solish modellari hamda qonunchilik shakllaridan qaysi birini tanlash maqsadga muvofiqligi yuzasidan fikrlar bildirib o'tilgan.

Kalit so'zlar. Jamoaviy intellektual mulk, an'anaviy bilimlar, genetik resurslar, geografik ko'rsatkichlar, iqtisodiy foyda, ma'naviy burch.

TOSHKANOV Nurbek

PhD student at Tashkent State University of Law

SOME ISSUES OF TRADITIONAL KNOWLEDGE AND ITS LEGAL EXPRESSION

ANNOTATION

The article discusses intellectual property and its role in the world economy. In the new version of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, it is pointed out that the freedom of creative activity and protection of intellectual property are guaranteed by law. Furthermore, some issues of collective intellectual property in the form of traditional knowledge and their legal regulation are described. The concept of traditional knowledge, types, regulation models and scientific approaches in this field are also discussed. International legislation on the regulation of this knowledge are introduced. On the example of some cases observed in the practice of national law, an attempt was made to reveal the perspectives of regulating traditional knowledge in national legislation. In this case, suggestions were given regarding the expediency of choosing a certain legal regulation models and legal forms in international and

foreign practice.

Keywords: Constitution, collective intellectual property, traditional knowledge, genetic resources, geographical indications, economic benefits, moral duty.

ТОШКАНОВ Нурбек Бахриддинович

Базовый докторант (PhD)

Ташкентского государственного юридического университета

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ТРАДИЦИОННЫХ ЗНАНИЙ И ИХ ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается интеллектуальная собственность и ее роль в мировой экономике. В новой редакции Конституции Республики Узбекистан указано, что свобода творческой деятельности и защита интеллектуальной собственности гарантируются законом. Кроме того, описаны некоторые вопросы коллективной интеллектуальной собственности в форме традиционных знаний и их правового регулирования. Также обсуждаются понятие традиционных знаний, их виды, модели регулирования и научные подходы в этой области. Представлено международное право по регулированию этих знаний. На примере некоторых случаев, наблюдающихся в практике национального законодательства предпринята попытка раскрыть перспективы регулирования традиционных знаний в национальном законодательстве. При этом были даны предложения относительно целесообразности выбора определенных моделей правового регулирования и правовых форм в международной и зарубежной практике.

Ключевые слова. Конституция, коллективная интеллектуальная собственность, традиционные знания, генетические ресурсы, географические указания, экономическая блага, моральный долг.

Agar tarixga nazar tashlansa, intellektual mulkni huquqiy tartibga solish ishlari boshlanganiga hali ko'p asr bo'lgani yo'q. Asosan, XVIII asrning oxiri va XIX asr boshlarida bir qator Yevropa mamlakatlari va AQSHda mualliflik huquqiga doir dastlabki qonunlar qabul qilingan. Xususan, AQSH Konstitutsiyasida ilk bor mualliflarga ularning asarlariga nisbatan mutlaq huquqlari kafolatlanishi belgilangan.

Bugungi dunyoda ham milliy innovatsion iqtisodiyotni shakllantirishda asosiy rol o'ynaydigan intellektual mulk huquqiy institutini konstitutsiyaviylashtirishning faol tendensiyasi kuzatilmogda [1, B.142]. Yurtimizda o'tkazilgan konstitutsiyaviy islohotlarda ham bu o'z aksini topdi.

Umuman olganda hozirgi kunda intellektual mulk huquqini konstitutsiyaviy tartibga solishning ikkita asosiy yondashuvi mavjud [2, B.13].

Birinchi yondashuv tarixiy jihatdan tasdiqlangan, hozirgi vaqtda "intellektual mulk" tushunchasi bilan bog'liq bo'lgan konstitutsiyaviy qoidalar bo'lib, konstitutsiya matnida ushbu atama mavjud bo'lmaydi. Ikkinchi yondashuv konstitutsiya matnida "intellektual mulk" tushunchasidan foydalanishda ifodalanadi.

Shuningdek, noan'anaviy yondashuvlar ham mavjud. Bu jamoaviy intellektual mulk va unga bo'lgan huquqlar to'g'risidagi konstitutsiyaviy qoidalardir.

"Jamoaviy intellektual mulk" tushunchasi Lotin Amerikasining bir qator mamlakatlari (Venesuela, Ekvador, Boliviya, Meksika kabi) konstitutsiyalarida uchraydi va ushbu mamlakatlar mahalliy xalqlarining tegishli huquqlarini himoya qilish maqsadida kiritilgan. Ko'plab konstitutsiyalar, xalqaro hujjatlar, shuningdek ichki qonunchilik hujjatlarida an'anaviy ravishda inson huquqlari, shu jumladan, intellektual mulk huquqi individual huquqlar sifatida bayon qilingan.

Jamoaviy intellektual mulk huquqining tan olinishi ularsiz mahalliy xalqlarning madaniy o'ziga xosligini ta'minlash juda qiyin yoki umuman imkonsiz ekanligi bilan bog'liq [3, B.103]. Masalan, Ekvador Konstitutsiyasining 84-moddasida aytilishicha, ushbu Konstitutsiya va qonunga muvofiq, davlat jamoat tartibi va inson huquqlarini ta'minlashda o'z fuqarolariga, jamoaviy huquqlarni, xususan, ajdodlar bilimiga oid jamoaviy intellektual egalikdan qonun hujjatlariga muvofiq foydalanish, mustahkamlash va rivojlantirishni tan olishi va kafolatlashi shart [4].

Armin fon Bogdandining fikricha, biz Lotin Amerikasi mamlakatlarida jamiyat a'zolarining birdamligiga, o'zaro bog'liqlikka va fuqarolar huquqlarining bo'linmasligiga asoslangan yangi "o'zgartiruvchi" konstitutsiyaviylik paydo bo'layotganiga guvoh bo'lmoqdamiz [5]. Bu, birinchi navbatda, aholining katta qatlamining qashshoqligi va ularning huquqlarini himoya qilish zarurati bilan bog'liqdir.

Buni bir qator mamlakatlar konstitutsiyaviy sudlarining Butunjahon intellektual mulk tashkiloti konvensiyalarini konstitutsiyaga zid deb tan olgan qarorlari ham tasdiqlaydi.

Misol uchun, Kolumbiya Konstitutsiyaviy sudi (yetakchi qahva ishlab chiqaruvchi mamlakat) O'simliklarning yangi turlarini himoya qilish bo'yicha xalqaro konvensiya (International Convention for the Protection of New Varieties of Plants, 1961)ni 2012-yilda Konstitutsiyaga zid deb topdi. Konstitutsiyaviy sud fikricha, Kolumbiyada ushbu Konvensiyaning qo'llanilishi mahalliy aholining kofe yetishtirish bilan bog'liq, avloddan-avlodga meros bo'lib o'tgan an'anaviy bilimlarga bo'lgan huquqlarini buzadi. Bundan tashqari etnik va madaniy jihatlar, shuningdek, milliy iqtisodiy rivojlanish nuqtai nazaridan biologik xilma-xillikning tabiiy rivojlanishini cheklashi mumkin [6].

Mazkur holatda an'anaviy bilimlarni bunchalik darajada himoya qilishga ehtiyoj bormi, degan haqli savol tug'iladi. Bizningcha, ehtiyoj mavjud. Negaki, bugun bir qator mamlakatlarda an'anaviy bilimlar daromad obyektiga aylanib borayotganiga misollarni ko'plab topish mumkin. Misol uchun, Avstraliyaning shimoli-g'arbiy qismidagi Kimberli (Kimberley) mintaqasining tub aholisi tomonidan ko'p asrlar davomida og'riqni yo'qotish va yaralarni davolash uchun ishlatilgan majala daraxti qobig'i asosidagi dori-darmonlarni patentlash va keyinchalik tijoratlashtirish holatlari ma'lum [7]. O'zbekistonda ham o'tkir va murakkab kasalliklarni davolashda xalq tabobati muhim ahamiyat kasb etadi, tabiblarning xizmatlariga aholining turli qatlamlarida katta ehtiyoj mavjudligi tan olingan. [8]

Shu o'rinda yana bir savol tug'iladi: an'anaviy bilimlar o'zi nima? An'anaviy bilimlarni iqtisodiy foyda keltiruvchi ne'mat sifatida tavsiflashning boshlang'ich nuqtasi Butunjahon intellektual mulk tashkiloti tomonidan taklif qilingan ta'rif bo'lishi mumkin: "an'anaviy bilim – bu jamoalar va mahalliy xalqlar tomonidan ularning moddiy va madaniy muhitidan kelib chiqadigan ehtiyojlarga javoban an'anaviy va norasmiy usullarda ishlab chiqilgan g'oyalar" [9, B.1]. Ushbu keng va moslashuvchan yondashuv mahalliy xalqlarning barcha an'analarga asoslangan bilimlarini intellektual faoliyat natijalariga kiritish imkonini beradi.

Iqtisodiy foyda keltiruvchi ne'mat sifatida an'anaviy bilimlar mavjud intellektual mulk obyektlaridan sezilarli farq qiladi. Birinchidan, an'anaviy bilimlar o'z tabiatiga ko'ra jamoaviydir. Uning aniq egasi yo'q – u ma'lum bir hududda birgalikda yashaydigan odamlar tomonidan qo'llaniladi [10, B.385]. O'z navbatida klassik intellektual mulkka individual bilim sifatida qaraladi. Ikkinchidan, an'anaviy bilim, intellektual mulkdan farqli o'laroq, norasmiy ko'rinishga ega. Bu ushbu bilimlarni avloddan-avlodga o'tishining og'zaki shaklda amalga oshirilganligi va hujjatli qaydlarning yo'qligida namoyon bo'ladi. Uchinchidan, an'anaviy bilimlar ko'p asrlik tarixga ega: u alohida asar sifatida emas, balki avlodlar davomida shakllangan keng va tizimli e'tiqod hamda bilimlar majmuasini birlashtiruvchi obyekt sifatida qabul qilinadi. An'anaviy bilimlarni yaratish va ulardan foydalanish muayyan jamoaning avloddan avlodga o'tadigan madaniy an'analarning bir qismidir.

Shuningdek, rivojlangan mamlakatlarning huquqiy tizimlaridan farqli o'laroq, mahalliy xalqlarning odat huquqi bunday bilimlarni birinchi navbatda iqtisodiy foyda sifatida emas, balki ma'naviy burch deb biladi. An'anaviy bilimlarga ega bo'lish uni jamiyat manfaatlari yo'lida qo'llash va kelajak avlodlar uchun saqlab qolish uchun javobgarlikni anglatadi [11, B.92].

R.Okediji an'anaviy bilim obyektlarining to'rtta toifasini ajratishni taklif qiladi:

1) Yashirin va muqaddas bilimlar (*secret and sacred knowledge*) – bu rejim alohida madaniy ahamiyatga ega bo'lgan obyektlarni o'z ichiga olishi kerak, ularga nisbatan maxfiylikni saqlash choralari ko'riladi.

2) Yaqindan saqlangan bilim (*closely held knowledge*) – bu rejim qamrab olgan bilimlar ham mahalliy xalqlarning muhim madaniy merosi hisoblanadi, ammo unga kirish uchun cheklolar endi qattiq emas.

3) Keng tarqalgan bilimlar (*widely disseminated knowledge*) – bu toifadagi ob'ektlar mahalliy xalqlar madaniyati bilan aloqani saqlab qoladi, lekin ayni paytda hamma uchun ochiqdir.

4) Umumiy bilim (*generic knowledge*) – an'anaviy bilimlarning ushbu toifasi ham keng doiradagi odamlar uchun mavjud, ammo u endi ma'lum bir manba yoki mahalliy guruh bilan bog'liq emas [12, B.15].

Shunga muvofiq jahon amaliyotida an'anaviy bilimlar himoyasi bo'yicha bir nechta modellar ishlab chiqilgan. O'z maqsadiga ko'ra an'anaviy bilimlarni huquqiy himoya qilish modellari ijobiy (pozitiv) va salbiy (negativ) modellarga bo'linadi. Ijobiy model mahalliy xalqlarga an'anaviy bilimlar ustidan iqtisodiy nazoratni amalga oshirish imkonini beradigan ma'lum bir intellektual huquqlar to'plamini berishni o'z ichiga oladi. Salbiy model esa faqat an'anaviy bilimlardan uchinchi shaxslar tomonidan ruxsatsiz foydalanishning oldini olishgagina qaratilgan bo'lib, himoya modeli deb ham ataladi [9, B.2].

Ushbu ikki model o'rtasidagi asosiy farq taqdim etilgan imkoniyatlar doirasiga to'g'ri keladi: salbiy strategiya faqat ruxsatsiz foydalanishga qarshi kurashda yordam beradi, ijobiy strategiya esa an'anaviy bilim egalarini to'liq huquq egalariga aylantiradi va ularga foydalanish hamda tasarruf qilish huquqlarini beradi [13, B.77]. Bunda ijobiy model an'anaviy bilimlardan tijorat maqsadlarida foydalanishdan kelib chiqadigan foydalarning umumiy bo'lishini ta'minlaydi.

An'anaviy bilimlarni samarali himoya qilish ijobiy va salbiy modellardan **birdek** foydalanishni o'z ichiga oladi [14, B.32].

Himoyaning salbiy modellari an'anaviy bilimlarni saqlashga qaratilgan [13, B.85]. Intellektual mulk huquqining allaqachon mavjud institutlari ushbu maqsadga erishishga hissa qo'shishi mumkin, ammo an'anaviy bilimlarning o'ziga xos xususiyatlari bari bir ularni isloh qilishni talab qiladi. Bu intellektual mulk obyektni ro'yxatdan o'tkazishda kelib chiqishini majburiy oshkor qilish talabini kiritish, an'anaviy bilimlar reyestrilarini yaratish, jamiyat manfaatlariga, insonparvarlik va axloq tamoyillariga zid intellektual faoliyat natijalarining himoyalanmasligi to'g'risidagi qoidadan foydalanish bo'yicha takliflarni ko'rib chiqishni taqozo qiladi.

O'z navbatida, ijobiy himoya strategiyasi mahalliy xalqlarga an'anaviy bilimlarga intellektual mulk huquqini berishni o'z ichiga oladi. Ijobiy himoya tizimini yaratish ikkita yondashuv orqali amalga oshirilishi mumkin. Birinchi yondashuv an'anaviy bilimlar uchun maxsus huquq yaratmasdan, allaqachon mavjud huquqiy rejimlar doirasida tartibga solishni o'z ichiga oladi. Ikkinchi yondashuv an'anaviy bilimlarning barcha shakllarini himoya qilish uchun yagona huquqni yaratish hisoblanadi [11, B.275].

Ta'kidlash joizki, har bir model, har bir yondashuv uchun alohida nazariyalar ishlab chiqilgan. Shuningdek, mazkur modellarni amalga oshirishning o'z ichki modellari ham mavjud. Biroq tadqiqot mavzusidan chetga chiqmaslik maqsadida faqatgina an'anaviy bilimlarni huquqiy tartibga solish masalalariga to'xtalishni lozim topdik.

Yuqorida ta'kidlanganidek, ayrim mamlakatlar an'anaviy bilimlarga bo'lgan huquqlarni Konstitutsiya darajasida mustahkamlaganlar. Hatto shunga tayangan holda ayrim xalqaro huquq normalarini antikonstitutsiyaviy deya e'lon qilganlar.

Ayrim davlatlar hududida esa an'anaviy bilimlar fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi (Kanada, Kvebek provinsiyasi Fuqarolik kodeksi).

Ba'zi mamlakatlar esa mazkur sohani tartibga solish uchun alohida qonunlar qabul qilgan (Rossiya Federatsiyasining 2022-yil 20-oktabrda qabul qilingan "Rossiya Federatsiyasining nomoddiy etnik-madaniy mulki to'g'risida"gi 402-son Federal qonuni, Qirg'iz Respublikasining 2007-yil 31-iyuldagi "An'anaviy bilimlar muhofazasi to'g'risida"gi 116-son qonuni).

O'zbekistonda ham bu sohaga e'tibor qaratilishi boshlangan. Jumladan, O'zbekiston

Respublikasi Prezidenti 2020-yil 12-oktabr kuni intellektual mulk obyektlarini muhofaza qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari yuzasidan o'tkazilgan yig'ilishda mamlakat sanoatining bor-yo'g'i 72 ta tovar belgisi xalqaro ro'yxatdan o'tkazilganligini, bu juda kamligini, aslida imkoniyatlar talaygina ekanligini ta'kidlagan. Masalan, Chust pichog'i, Samarqand noni, Marg'ilon adrasi, Sherobod anori, Oltiariq va Parkent uzumi, Xorazm qovuni, Surxondaryo xurmosi kabi mashhur brendlarni hududiy mansubligi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazib, xalqaro bozorda faol targ'ib qilish mumkin, degan edi Prezident [15]. Xalq tabobatini rivojlantirish yuzasidan bir nechta Prezident qarorlari chiqarilgan.

Huquqni qo'llash amaliyotida ayrim keyslar ham yuzaga kelib ulgurganligini qayd qilish mumkin. Xususan, 2023-yil 29-mayda G'ijduvon shashligiga geografik ko'rsatkich maqomi berildi. O'zbekiston Respublikasining "Geografik ko'rsatkichlar to'g'risida"gi qonuniga ko'ra, agar geografik ko'rsatkichni ro'yxatdan o'tkazgan shaxs muayyan sifati, nom qozongani yoki boshqa xususiyatlari sezilarli darajada uning geografik kelib chiqishiga bog'liq bo'lgan tovarni ishlab chiqarayotgan bo'lsa, mazkur shaxs ushbu geografik ko'rsatkichdan foydalanish huquqini oladi. Ro'yxatdan o'tkazilgan geografik ko'rsatkichdan foydalanish huquqi xuddi shu geografik obektda joylashgan va xuddi shunday xususiyatlarga ega bo'lgan tovar ishlab chiqarayotgan boshqa yuridik yoki jismoniy shaxsga ham berilishi mumkin.

2023-yil 30-avgust kuni G'ijduvon hokimi patentlangan shashlikni tayyorlash uchun hokimlikdan ruxsat olish va to'lov qilish kerakligini aytdi. Intellektual mulk sohasida vakolatli organ sifatida Adliya vazirligi buni yuqoridagi normaga asoslangan holda rad etdi [16].

Adliya vazirligining ta'kidicha, Buxoro viloyatida birinchi bo'lib davlat ro'yxatidan o'tkazilgan ushbu geografik ko'rsatkichdan foydalanish huquqini tasdiqlovchi guvohnoma uning egasi, ya'ni G'ijduvon tuman hokimligiga guvohnomada ko'rsatilgan tovar turiga nisbatan foydalanish huquqini beradi. Muayyan tovarning geografik ko'rsatkich sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilishi **jismoniy va yuridik shaxslarga qo'shimcha majburiyatlarni yuklamaydi.**

Bizningcha, ushbu holatda G'ijduvon shashligi geografik ko'rsatkich maqomidan ko'ra an'anaviy bilim maqomi berilsa, maqsadga muvofiq bo'lar edi. Bunga bir necha sabablar bor.

Birinchidan, an'anaviy bilimlar deganda bu inson faoliyatining turli sohalarida qo'llaniladigan, ma'lum tartibda va ma'noda avloddan-avlodga o'tib kelgan bilim, usul va uslublar, shu jumladan genetik resurslardan foydalanish tushuniladi.

Mazkur elementlar G'ijduvon shashligida ham bor. Buxoro viloyati G'ijduvon tumanida shashlikchilarning butun bir sulolasi bor. Ularning ajdodlari amirlar davridan beri kabobpazlik qilib keladi [17]. Demak, bu bilimlar avloddan-avlodga o'tib kelmoqda.

Ikkinchidan, bu kabi bilimlar mahalliy jamoalar va an'anaviy bilim egalari turli ehtiyojlari uchun saqlanib qolingan va moslashtirilgan hamda hayotning turli sohalarini rivojlantirish uchun muayyan qiymatga ega. G'ijduvon kabobi ustazodalari ham o'z tirikchilik ehtiyojlarini mazkur sohadan qondirib kelishmoqda, ya'ni uni pishirish bo'yicha bilimlar muayyan qiymatga ega.

Uchinchidan, har qanday mahalliy jamiyat, jismoniy yoki yuridik shaxslar an'anaviy bilimlar egasi bo'lishi mumkin. Bundan ko'rinadiki, kabobpaz ustazodalar ham bunday huquq egasi bo'lishi mumkin. Ularning o'z oqsoqollari ham bor.

To'rtinchidan, mahalliy xalqlarning nomlari, belgilari va belgilarini mahalliy xalqlar va geografik ko'rsatkichlar sifatida qayd etish misollari mavjud: Talavera keramikasi, Maysur shoyisi, Kargopol o'yinchoqlari [18, B.158]. Biroq geografik ko'rsatkichlar bo'yicha huquqlarning ma'lum bir hudud bilan bog'lanishi ba'zi hollarda an'anaviy bilimlarni ushbu huquqiy rejimlar ostida himoya qilishni imkonsiz qiladi. Ko'pgina mahalliy xalqlar majburiy ko'chirilishga duchor bo'lganlar va sun'iy ravishda o'rnatilgan chegaralari har doim ham etnik guruhlarining haqiqiy joylashishini aks ettirmaydi [19, B.142]. Garchi keltirilgan holatga bularning aloqasi bo'lmasada, an'anaviy bilimlarni geografik ko'rsatkichlar to'g'risidagi qonunchilik bilan tartibga solish maqsadga muvofiq emas.

Va nihoyat, bu va boshqa individuallashtirish vositalari faqat an'anaviy bilimlar bilan bog'liq bo'lgan belgilarni himoya qiladi, lekin ulardan foydalanishni emas. Ya'ni texnologiyaning o'zi, madaniy ifodalar va an'anaviy bilimlarning boshqa shakllari o'zlashtirish uchun ochiqliciga

qolib ketishi mumkin. Yuqoridagi holatda ham qonunchilikda belgilab o'tilganidek, bir shaxsning ma'lum bir geografik ko'rsatkichga nisbatan guvohnoma olishi boshqa shaxslarning ham xuddi shu geografik ko'rsatkichdan foydalanishga bo'lgan huquqlarini hech qanaqasiga cheklamaydi. Shuningdek, garchi hokimlik geografik ko'rsatkich egasi sifatida guvohnoma olgan bo'lsa-da, shashlik pishirish uning asosiy faoliyat turi emas. Ushbu holatda eng asosiy holatlardan biri – shashlik pishirish texnologiyasi e'tibordan chetda qolib ketayotganini ko'rish mumkin.

Keltirib o'tilgan keysda ustazodalar o'z bilimlariga bo'lgan huquqlarga da'vo qilmaganlar. Aksincha, o'z bilimlarini tarqatishni ma'naviy burch deb biladilar. Mazkur holatni an'anaviy bilimlardan foydalanishda iqtisodiy foyda va ma'naviy burch to'qnash kelishiga misol sifatida keltirish mumkin. Natijada, G'ijduvon shashligini tayyorlashga doir an'anaviy bilimlar keng tarqalgan bilimlar doirasiga kirib qolgan.

Sherobod anori, Oltiariq va Parkent uzumi, Xorazm qovuni, Surxondaryo xurmosi kabi meva navlarini ham an'anaviy bilim sifatida tan olish mumkin. Negaki, an'anaviy bilimlar genetik resurslarni ham o'z ichiga oladi. Genetik resurslar, o'z navbatida, an'anaviy bilim egalari tomonidan muayyan faoliyat sohasida ma'lum amaliy natijalarga erishish uchun foydalanish mumkin bo'lgan quruqlik, suv va boshqa kelib chiqish manbasiga ega bo'lgan barcha hayvonot va o'simlik dunyosini o'zida jamlaydi.

Bularning barchasi O'zbekiston mintaqalarida ham avloddan avlodga o'tib kelayotgan, biz bilgan-bilmagan an'anaviy bilimlar mavjudligini ko'rsatadi. Shu sababli, fikrimizcha, mazkur bilimlarning huquqiy maqomini belgilash maqsadga muvofiq bo'ladi.

Mazkur vaziyatda yuqorida keltirilgan har ikki modelning mamlakat qonunchiligiga xos va mos jihatlari tanlab olinishi kerak. Bu boradagi Butunjahon intellektual mulk tashkilotining tavsiyalari hisobga olinishi ham maqsadga muvofiq.

Shuningdek, an'anaviy bilimlar maqomini konstitutsiyaviy darajada belgilash zarurati yo'q deb hisoblaymiz. Negaki, Konstitutsiya bosh asosiy qonun ekan, intellektual mulk sohasini to'laligicha tartibga solishi to'g'ri emas. Ushbu hujjat ijodiy faoliyat erkinligini kafolatlab, intellektual mulk qonun bilan muhofaza etilishini belgilagan holda intellektual mulk sohasi rivojining umumiy yo'nalishlarini belgilab berishi har tomonlama to'g'ridir.

Bizning fikrimizcha, an'anaviy bilimlarni fuqarolik qonunchiligi doirasida tartibga solish mumkin. Misol uchun, yangi tahrirdagi Fuqarolik kodeksi orqali. Bu bilan mazkur kodeks an'anaviy bilimlarning jamoaviy mulk sifatidagi maqomi, unga bo'lgan huquqlarga egalik masalalari, bu bo'yicha shartnomaviy, shuningdek fidutsiar munosabatlarni, maxfiylikni buzish va noqonuniy boyish kabi huquqiy masalalarni tartibga solishi mumkin bo'ladi.

Shu bilan birga, Qirg'iz Respublikasi tajribasidan kelib chiqib, an'anaviy bilimlarning jamoaviy mulk sifatidagi maqomi, unga bo'lgan huquqlarga egalik masalalari, bu bo'yicha vakolatli organning rolini belgilovchi alohida qonun qabul qilinishi ham maqsadga muvofiqdir. Bunda an'anaviy bilimlar sohasidagi shartnomaviy munosabatlarni esa fuqarolik qonunchiligi tartibga solishi belgilab qo'yilishi mumkin.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Кабышев С. В. Интеллектуальная собственность в системе конституционного строя: сравнительный анализ. Актуальные проблемы российского права. 2017. № 9 (82) сентябрь. DOI: 10.17803/1994-1471.2017.82.9.141-146. Стр. 142
2. Г.Н. Андреева. Конституционные основы права интеллектуальной собственности в зарубежных странах. Право интеллектуальной собственности: Сб. науч. тр. / РАН. ИНИОН. Центр социал. науч.-информ. исслед. Отд. правоведения; МГУ им. М.В. Ломоносова. Каф. предпринимательского права; Отв. ред. Афанасьева Е.Г. – М., 2017. – С. 9–20.
3. Moreno L.X. La cultura en la Constitución de 1999 (República Bolivariana de Venezuela). – México, 2015. – P. 103.
4. Конституция Эквадора 2008 (ред. 2011) // URL: https://www.constituteproject.org/constitution/Ecuador_2011?lang=en.
5. Bogdandy A. Von. Us Constitutional Commune en América Latina: una mirada a un constitucionalismo transformador // Revista Derecho del Estado 34, 3-50 (2015). URL: <http://>

www.redalyc.org/pdf/3376/337640285001.pdf

6. Текст решения С-1051/12 от декабря 2012 г. // URL: www.corteconstitutional.gov.co; www.grain.org

7. Boyle J. et al. Shamans, software, and spleens: Law and the construction of the information society. Harvard University Press, 2009.

8. “O‘zbekiston Respublikasida xalq tabobatini rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori (10.04.2020 yildagi PQ-4668-son) // Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 04.07.2023-y., 06/23/107/0441-son.

9. Traditional Knowledge and Intellectual Property. Background Brief No. 1. WIPO publication, 2023. // URL: <https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo-pub-rn2023-5-1-en-traditional-knowledge-and-intellectual-property.pdf>.

10. Gervais D. J. Spiritual But Not Intellectual-The Protection of Sacred Intangible Traditional Knowledge // Cardozo Journal of International & Comparative Law. 2003.

11. Curci J. The protection of biodiversity and traditional knowledge in international law of intellectual property. Cambridge University Press, 2010. №. 12.

12. Okediji R. Traditional knowledge and the public domain // Centre for International Governance Innovation Papers. 2018. №. 176.

13. Bhukta A. Legal Protection for Traditional Knowledge: Towards a New Law for Indigenous Intellectual Property. – Emerald Group Publishing, 2020.

14. Anderson J. Indigenous/traditional knowledge and intellectual property // Durham, NC: Duke University School of Law. 2010.

15. Президент интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича йўғилиш ўтказди. URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2020/10/12/intellectual-property/>.

16. G‘ijduvon hokimi patentlangan shashlikni tayyorlash uchun hokimlikdan ruxsat olish va to‘lov qilish kerakligini aytdi. Vazirlik buni rad etdi // <https://kun.uz/uz/news/2023/08/30/gijduvon-hokimi-patentlangan-shashlikni-tayyorlash-uchun-hokimlikdan-ruxsat-olish-va-tolov-qilish-kerakligini-aytdi-vazirlik-buni-rad-etdi>.

17. Zo‘r kabobning siri: amirlar zamonidan buyon kabobpazlik qilayotgan sulola vakillari bilan suhbat // URL: <https://kun.uz/uz/news/2022/12/25/zor-kabobning-siri-amirlar-zamonidan-buyon-kabobpazlik-qilayotgan-sulola-vakillari-bilan-suhbat>.

18. Johnsson D. Z. The Branding of Traditional Cultural Expressions: To Whose Benefit? // Drahos P. and S. Frankel (eds.) Indigenous People’s Innovation: Intellectual Property Pathways to Development. 2012.

19. Gervais D. Traditional innovation and the ongoing debate on the protection of geographical indications // Indigenous Peoples’ Innovation: Intellectual Property Pathways to Development. 2012.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

РАХИМБЕРГАНОВА Бону Давлатназаровна

Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази
катта ўқитувчиси, ТДЮУ таянч докторанти (PhD)
email: bondav0116@gmail.com

ВАҚТИНЧАЛИК ИШЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХИМБЕРГАНОВА
Б.Д.** Вақтинчалик ишларни ҳуқуқий тартибга солиш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2023) Б. 68-74.



6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-10>

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар бўйича жорий қилинган янгиликлар қаторида муддатли меҳнат шартномалари, вақтинчалик ишлар ва мавсумий ишларни тартибга солишга қаратилган нормалар ҳам бирмунча такомиллаштирилди. Мақолада муаллиф янги Меҳнат кодексига киритилган вақтинчалик ишларни тартибга солувчи нормаларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, қонунчиликдаги бўшлиқларни ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда амалиётда юзага келиши мумкин бўлган ихтилофларни аниқлашга ҳаракат қилган. Шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш асносида ушбу масалага оид мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: вақтинчалик ишлар, муддатли меҳнат шарномаси, иш берувчи, ходим, аҳоли бандлиги, ишсизлик, иш қидирувчи, неустойка, муддат, бир марталик иш.

RAXIMBERGANOVA Bonu

Senior Lecturer of the Lawyers' Training Center under the Ministry of
Justice, Doctoral student (PhD) at TSUL
email: bondav0116@gmail.com

LEGAL REGULATION OF TEMPORARY WORK: COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS

ANNOTATION

Among the reforms being implemented today in labor legislation, the rules aimed at regulating fixed-term labor contracts, temporary work and seasonal work have also been improved. In this article, the author conducted a scientific and theoretical analysis of the norms governing temporary work included in the new Labor Code, identified gaps in the legislation

and problems that may arise in practice. Also, in order to improve national legislation on this issue, proposals and recommendations based on the experience of foreign countries have been developed.

Keywords: temporary work, fixed-term labor contract, employer, employee, employment, unemployment, job seeker, penalty, term, one-time work.

РАХИМБЕРГАНОВА Бону Давлатназаровна

Старший преподаватель Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан,
Базовый докторант (PhD) ТГЮУ
email: bondav0116@gmail.com

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ВРЕМЕННЫХ РАБОТ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

АННОТАЦИЯ

Сегодня, среди реформ, реализуемых в трудовом законодательстве, усовершенствованы также нормы, направленные на регулирование срочных трудовых договоров, временной и сезонной работ. В данной статье автор провел научно-теоретический анализ норм, регулирующих временные работы, включенные в новый Трудовой кодекс, выяв пробелы и проблемы в законодательстве, которые могут возникнуть на практике. Также в целях совершенствования национального законодательства разработаны предложения и рекомендации, основанные на опыте развитых зарубежных стран.

Ключевые слова: временные работы, срочный трудовой договор, работодатель, работник, занятость населения, безработица, лицо, ищущее работу, неустойка, срок, разовая работа.

Мамлакатимизда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари 2022 йил 28 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси қабул қилиниши билан янги босқичга кўтарилди. 1995 йилдаги Меҳнат кодексидан фарқли равишда янги Кодекс ходимлар учун янги кафолатларни таъминлабгина қолмасдан, эркин бозор тамойилларини ўрнатишда иқтисодиёт тармоқларида меҳнат муносабатларини либераллаштиришга, яъни хусусий секторда иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси тузиш жараёнини соддалаштиришга йўналтирилган. Бундан ташқари, Кодексга киритилган янгиликлар қаторида айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари белгиланди ҳамда масофадан туриб ишлаш, мавсумий ва вақтинчалик ишларда ишлаш қонуний асосларга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, янги Меҳнат кодексининг 28 боби учинчи параграфи вақтинчалик ишларда банд бўлган шахслар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди [1]. 495-моддага асосан, икки ойгача бўлган муддатга ишга қабул қилинган шахслар вақтинчалик ишларда банд бўлган шахслар сифатида эътироф этилди. Бундан келиб чиқадики, вақтинчалик ишлар деганда, кўпи билан икки ойгача бўлган муддатда бажариладиган ишлар тушунилади. Ушбу ишларнинг энг кам муддати қонунчилик билан белгиланмаган, шундай экан ушбу муддат – бир кун ҳам бўлиши мумкин. Вақтинчалик ишларда ишлашнинг бошқа шу турдаги ишлардан фарқи ҳам айнан унинг икки ойгача муддатда бажарилишидадир, яъни иш берувчига вақтинчалик ходим икки ойдан кўп бўлмаган маълум муддатгагина керак бўлади холос. Икки ойдан кўпроқ муддатга керак бўлса, унда ушбу ходим билан ўрнатиладиган муносабатга нисбатан муддатли меҳнат шартномаларини тартибга солувчи умумий нормалар қўлланилади. Агар ходим бирор мавсум учунгина керак бўлса, яъни айнан унинг

меҳнати мавсум билан боғлиқ бўлса, унда бу ишлар мавсумий ишлар ҳисобланади. Шунга қарамасдан, вақтинчалик иш бўладими, мавсумий иш бўладими бундай ишлар учун муддатли меҳнат шартномаси тузилади (МК 112-моддаси).

Эътиборли жиҳати шундаки, вақтинчалик ишлар мутлақо янги тушунча эмас, мазкур тушунча янги Меҳнат кодекси қабул қилингунига қадар ҳам бошқа қонунчилик ҳужжатларида учраб турар эди. Жумладан, илгари амалда бўлган Меҳнат кодексини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган “Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар”нинг [2] умумий қисми иккинчи хатбошисида “Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) доимий ишловчи (номуайян муддатга ишга қабул қилинадиган) ходимлар билан ҳам, муддатли меҳнат шартномаси асосида (беш йилгача бўлган муддатга, вақтинчалик ва мавсумий ходимлар билан муайян ишни бажариш вақти учун) ишга қабул қилинадиган ходимлар билан ҳам асосий иш жойи бўйича ва ўриндошлик асосида ишловчи ходимлар, касаначилар ва бошқалар билан тузилади” деб белгиланган эди. Мазкур норма 1997 йил 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган [3]. Бунга сабаб Меҳнат кодекси, аввал амалда бўлган Меҳнат қонунлари кодексидан фарқли равишда, вақтинчалик ва мавсумий ходимлар билан меҳнат шартномалари тузишни назарда тутмаганлиги, шу сабабли собиқ Иттифоқнинг меҳнатга оид қонун ҳужжатларининг умумий қоидаларидан олинган бир қатор истисноларни назарда тутувчи, вақтинчалик ва мавсумий ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини анча чеклаб қўювчи норматив ҳужжатлари 1996 йил 1 апрелдан, яъни Меҳнат кодекси амалга киритилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилмаслиги лозимлигидадир.

Конституциявий суд ўзининг мазкур қарори билан ходимларни вақтинчалик ёки мавсумий хусусиятга эга бўлган ишга қабул қилиш имкониятини чекламаган. Қарорда бундай ходимларга нисбатан муддатли меҳнат шартномаси тузган шахслар учун назарда тутилган барча умумий нормалар ва кафолатлар татбиқ этилишини белгилаган. Ҳозирги шароитда эса, вақтинчалик ишлар муддатли меҳнат шартномаси тузиладиган ишлар тоифасига киргани билан уларнинг алоҳида хусусиятлари Меҳнат кодексидаги махсус нормаларда акс эттирилган.

Муҳими шундаки, амалдаги қонунчиликда айнан қандай ишларни вақтинчалик ишлар деб ҳисоблаш мумкинлиги, бундай ишлар рўйхати ҳақида ҳеч қандай қоида ва тартиб мавжуд эмас. Бунда МК 496-моддасида ишнинг вақтинчалик хусусияти тўғрисидаги шартлар меҳнат шартномасида қайд этилган бўлиши кераклиги белгиланганлигини кўришимиз мумкин холос.

АҚШда вақтинчалик ходим – контракт асосида вақтинчалик ишларга ёлланган ходимдир. АҚШ Меҳнат вазирлиги вақтинчалик ходимни бир йил ва ундан кам бўлган муддатга, одатда эса бир қанча кунга ёки бир қанча ҳафтага тузиладиган шартнома асосида ишга ёлланган шахс сифатида эътироф этади. Агар иш олти ҳафтадан ортиқ бўлса, унда бу иш узоқ муддатли иш ҳисобланади. Вақтинчалик ходимлар вақтинчалик персонални жойлаштириш агентликлари орқали ишга ёлланади, бироқ иш берувчининг ўзи ҳам бундай ходимларни топиши ва ишга олиши мумкин. Қизиғи шундаки, АҚШда вақтинчалик ишларда банд бўлган ходимлар “1000 соат қоидаси” билан ишласа меҳнат стажига эга бўлади. Яъни “Ходимларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуний ҳужжатга асосан, 12 ой мобайнида 1000 соат ишлаган ходим бошқа ходимлар сингари пенсия тизимидаги кафолатлардан фойдалана олади [4].

Агар АҚШ тажрибасига аҳамият берадиган бўлсак, муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган ходимлардан фарқли равишда вақтинчалик ходимлар меҳнат кафолатларига эга бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, бизнинг қонунчилигимиз ушбу

масалада ходимлар ҳуқуқларини бу қадар чекламаган. Меҳнат кодексида вақтинчалик ходимларни айрим тоифадаги ходимлар доирасига киритилганлиги уларга маълум кафолатлар берилмаслигидан далолат бермайди, аксинча бошқа ходимлардан фарқли равишда уларга дастлабки синов белгиланмаслиги, ҳар бир ишланган ой учун камида икки кунлик меҳнат таътилга эга бўлишлари, ўз ташаббуси билан ишдан бўшаш истагида бўлганида бор йўғи уч кун олдин огоҳлантириши керак эканлиги белгиланган.

Германияда вақтинчалик ишларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ масалалар “Вақтинчалик бандлик тўғрисида”ги қонун (Arbeitnehmerüberlassungsgesetz) [5] билан, муддатли меҳнат шартномаларини тузиш тартиби эса “Тўлиқсиз ишда вақти ва муддатли меҳнат муносабатлари тўғрисида”ги қонун (TzBfG) [6] билан тартибга солинади. Германияда вақтинчалик ишлар муддатли меҳнат шартномаларидан муддати бўйича алоҳида ажратилмаган. Вақтинчалик ишлар деганда – иш берувчи ўзининг ходимини бошқа иш берувчига вақтинчалик ёлланиб ишлаш учун юбориши тушунилади. Бунда ташкилот ўзининг мижозлари илтимосига кўра вақтинчалик ходимларни ёллайди. Вақтинчалик ходимлар (ёлланма ходимлар) эса, ушбу иш берувчида эмас, унинг мижозидида меҳнат фаолиятини амалга оширади. Демак, Германияда “вақтинчалик ишлар” тушунчаси умуман бошқа муносабатларга нисбатан қўлланилишини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасида эса, ҳар қандай ишни бажариш учун меҳнат шартномаси тузилса ва бундай ишлар икки ойгача бўлган муддат давомида бажарилиши назарда тутилган бўлса вақтинчалик иш ҳисобланади. Ҳатто мавсумий ишлар ҳам икки ойдан кам муддатга мўлжалланса вақтинчалик иш деб баҳоланиши мумкин бўлади.

Аслида Германиядаги ташкилотлар ўртасида ходим алмашиш муносабати бизнинг миллий қонунчилигимизда ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига кўра, аутстаффинг иш берувчи томонидан ўз ходимларини уларнинг розилиги билан бошқа юридик шахсларга ушбу ходимлар томонидан иш берувчи ва унинг ходими ўртасида тузилган меҳнат шартномаларида, шунингдек жамоа келишувларида белгиланган меҳнат вазифаларини бажариш учун вақтинчалик юбориш йўли билан кўрсатиладиган хизматлар туридир. Бундай муносабатлар нотипик бандлик муносабатлари ҳисобланади [7].

Меҳнат кодексига ҳам шунга ўхшаган норма киритилган, аммо у тўғридан-тўғри бирор бир хизмат кўрсатиш мақсадида ходимни бошқа иш берувчи юборишни англатмайди. МК 147-моддасига кўра, ходимни бошқа иш берувчига вақтинча хизмат сафарига юбориш фақат унинг ёзма розилиги билан бир йилдан кўп бўлмаган муддатга амалга оширилиши мумкин ва бу ходим вақтинча хизмат сафарига юборилган иш берувчи билан тузиладиган алоҳида муддатли меҳнат шартномаси асосида фаолият юритади. Аввалги иш жойида тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиши ходим вақтинча хизмат сафарига юборилган даврда тўхтатиб турилади. Ходимга хизмат сафари муддати тугаши билан уни хизмат сафарига юборган иш берувчида аввалги иши (лавозими) тақдим этилади.

Ҳар иккала қонун ҳужжатидаги муносабатлар бир бирига ўхшайди, аммо ҳар иккисида ҳам улар ўртасидаги боғлиқлик ёки фарқ белгиланмаган. Гўёки, аутстаффинг хизматини “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун, бу хизмат орқали ходимни бошқа иш берувчига юбориш тартибини Меҳнат кодекси тартибга соладигандек. Бошқа тарафдан қараганда эса, бу иккала қонун ҳужжати икки хил муносабатни назарда тутаётган бўлиши мумкин. Бундай масалалар Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 53¹-бобида назарда тутилган бўлиб, унда айнан ходимни бошқа иш берувчига (жисмоний ёки юридик шахсларга) ходимлар меҳнатини таъминлаш учун юбориш шартномаси билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин [8].

Ҳеч кимга сир эмас қонунчиликда бир бирига ўхшайдиган, аммо айнан фарқи нимада эканлиги акс эттирилмаган ёки аслида нима учун кераклиги маълум бўлмаган нормалар ҳам учраб туради. Хусусан, миллий меҳнат қонунчилигимизда вақтинчалик ишларнинг моҳияти очиб берилмаганлиги фикримизни яққол тасдиғидир. Ҳатто Россия Федерациясида ҳам, Беларусь Республикасида ҳам вақтинчалик ишлар рўйхати

қонунчилик билан мустақкамланмаган, бу эса ҳуқуқий тизимлар ва қонунчилик ўхшаш бўлган мамлакатлардаги муаммолар ҳам бир хил эканлигини англатади.

Бу борада рус олими С.В.Осипова қонунчиликда “вақтинчалик” ишлар рўйхати аниқ белгиланмаганлиги иш берувчилар томонидан вақтинчалик ишлар учун ходимлар билан муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқини суистеъмол қилинишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди [9, 51].

Албатта бу фикрга қисман қўшилиш мумкин. Бир томондан, вақтинчалик ишлар рўйхати мавжуд эмаслиги ҳар қандай ишни вақтинчалик иш деб топишга асос бўлмайди. Бошқа томондан эса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим меҳнат фаолияти турларини вақтинчалик ишлар сифатида тавсифлашга олиб келади. Масалан, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида ҳақ тўланадиган жамоат ишлари — буюртмачилар-иш берувчилар — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган, қоида тариқасида, дастлабки касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган, ижтимоий фойдали йўналишга эга бўлган ҳамда иш қидираётган шахсларнинг ва ишсиз шахсларнинг вақтинча бандлигини таъминлаш учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан бериладиган ишга жойлаштиришга доир йўлланмалар бўйича бажариладиган вақтинчалик меҳнат фаолияти турлари эканлиги белгиланган. Бунинг мазмунидан келиб чиқадики, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ҳам вақтинчалик ишлардир. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июлдаги 410-сонли “Вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [10] билан мамлакатимизда кунлик меҳнат марказлари жорий этилди. Эндиликда амалиётда кунлик, яъни бир марталик ишларни бажариш тартиби ҳам йўлга қўйилган. Аммо, қонунчиликда кунлик ишларни тартибга солувчи махсус қоидалар мавжуд эмас.

Таъкидлаш керак, Россия Федерациясида ҳам икки ойгача бўлган муддатга тузиладиган муддатли меҳнат шартномалари кенг тарқалмаган. РФМКнинг 59-моддасида вақтинчалик ишларни бажариш учун муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин эканлиги белгиланган. 45-бобида эса, айнан вақтинчалик ишлар эмас, балки икки ойлик муддатли меҳнат шартномасини тузган ходимларнинг меҳнатини тартибга солиш масалалари ўрнатилган. Россия меҳнат қонунчилигида ҳам қандай ишлар учун икки ойлик шартнома тузилиши мумкинлигини етарли асосларини кўрсатмаган.

Қонунчиликдаги бундай бўшлиқларни иш берувчининг фойдасига ҳал этиш осон эмас албатта. Париж университети профессори Паскал Локининг фикрича, “кўпчилик иш берувчилар учун энг мақбул келадиган меҳнат муносабатлари – бу маълум бир ишни бажариш эвазига тузилган меҳнат шартномаси асосида вужудга келидиган ҳамда ушбу ишни якунлагач бекор бўладиган муносабатлардир” [11].

Аслини олганда, бизнинг амалиётимизда ҳам иш берувчилар муддатли муносабатларни афзал кўради. Сабаби меҳнат қонунчилигида ходимларни ишга қабул қилишда, уларни ишдан бўшатишда иш берувчиларнинг ҳуқуқлари чегараланган ҳамда ходимларга таътилар беришда, иш ҳақи ва қўшимча кафолатлар тақдим этишда уларнинг иқтисодий ҳолати инobatга олинмайди. Шунинг учун иш берувчилар соғлом меҳнат муносабатларига киришишдан кўра, кўпроқ қонунни айланиб ўтиш йўллари излайдилар. Бу борада, ҳуқуқшунос олим Ш.Исмоилов ҳам [12, 379] Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодексида ходимларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш учун керагидан ортиқ нормалар ўрнатилганлигини таъкидлагани бежиз эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги Меҳнат кодекси якка тартибдаги меҳнат муносабатларининг хилма-хил шаклини ўзида мужассам этганига қарамасдан, ҳали ҳанузгача аниқ бўлмаган ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида нотўғри талқин этилаётган нормаларни ҳам истисно қилмайди. Шундай экан, вақтинчалик ишларни бажариш учун икки ойлик муддатга меҳнат шартномаларини тузиш учун бундай ишларнинг аниқ

рўйхатини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар натижасида меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1) Меҳнат кодексининг 498-моддасида вақтинчалик ходимлар ишнинг ҳар бир ойи учун камида икки календарь кун ҳисобидан ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган, аммо мазкур нормада ушбу тоифа ходимларнинг МКнинг 219-моддасида назарда тутилган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътиллари олиш ҳуқуқи мавжудми ёки йўқми аниқ кўрсатилмаган. Кодекснинг мазмунидан ушбу тоифа ходимларда ҳам бу ҳуқуқ мавжудлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бироқ уларнинг ишлаган даври икки ойдан кам бўлишини эътиборга олган ҳолда қўшимча таътиллари қандай тартибда берилиши аниқ кўрсатилиши керак.

2) Меҳнат кодексининг 499-моддасида вақтинчалик ишларда банд бўлган ходимларга агар жамоа шартномасида ёки меҳнат шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, вақтинчалик ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланмаслиги назарда тутилган. Бу қоида ходимни камситиш ҳисобланади. Чунки МК 494-моддасида мавсумий ишларда ишлаётган ходим ишдан бўшатишда унга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши белгиланган. Ваҳоланки мавсумий ходим ҳам вақтинчалик ходим сингари икки ой ишлаши мумкин. Шундай экан, вақтинчалик ходимга камида беш кунлик ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши масаласи қонунчиликда белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. // URL: <https://lex.uz/ru/docs/6257288#6267777>.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори. // URL: <https://lex.uz/docs/517034>.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг “Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар” умумий қисми иккинчи хатбошисининг конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги иш бўйича” қарори, «Халқ сўзи» газетаси, 18 июнь 1997 й., 130 (1647)-сон.

4. Temporary employee laws: A guide to hiring contract roles. // URL: <https://www.payscale.com/compensation-trends/temporary-employee-laws-a-guide-to-hiring-contract-roles/>.

5. Германия Федератив Республикасининг “Вақтинчалик бандлик тўғрисида”ги қонун (Arbeitnehmerüberlassungsgesetz). // URL: [https://www.hensche.de/Rechtsanwalt_Arbeitsrecht_Gesetze_AUEG.html#:~:text=Das%20Arbeitnehmer%3%BCberlassungsgesetz%20\(kurz%3A%20%E2%80%9E%3%9CG,von%20Zeitarbeit%20oder%20von%20Leiharbeit](https://www.hensche.de/Rechtsanwalt_Arbeitsrecht_Gesetze_AUEG.html#:~:text=Das%20Arbeitnehmer%3%BCberlassungsgesetz%20(kurz%3A%20%E2%80%9E%3%9CG,von%20Zeitarbeit%20oder%20von%20Leiharbeit).

6. “Тўлиқсиз ишда вақти ва муддатли меҳнат муносабатлари тўғрисида”ги қонун (TzBfG). // URL: https://www.hensche.de/Rechtsanwalt_Arbeitsrecht_Gesetze_TzBfG.html (Мурожаат қилинган сана: 20.12.2023).

7. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-642-сон 20.10.2020. // URL: <https://lex.uz/docs/5055690>.

8. “Трудовой кодекс Российской Федерации” от 30.12.2001 N 197-ФЗ (ред. от 04.08.2023, с изм. от 24.10.2023) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2023). // URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683/.

9. Осипова С.В. Заключение срочного трудового договора в обязательном порядке. Юридический вестник Самарского университета. 2017. Т. 3. №2. Ст. 49-59. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zaklyuchenie-srochnogo-trudovogo-dogovora-v-obyazatelnom>

porjadke/viewer.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасининг 2021 йил 1 июлдаги 410-сонли “Вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // URL: <https://lex.uz/acts/5485709?ONDATE=01.07.2021%2000#5493261>.

11. Lokiec P. Fixed-Term Contracts in France // URL: http://www.jil.go.jp/english/reports/documents/jilpt-reports/no.9_france.pdf.

12. Ismailov Shuhratjon Abdusaminovich. (2023). Labor Code Of The Republic Of Uzbekistan: The Law Behind The Practice Is Being Improved. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 11(8), 376–380. // URL: <https://giirj.com/index.php/giirj/article/view/5649>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҲАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ОТАХОНОВ Фозилжон Хайдарович
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби профессори, юридик фанлар доктори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ НОРМАЛАРИНИ СУДЛАР ТОМОНИДАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҚўЛЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА АҲАМИЯТИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ОТАХОНОВ Ф.Х.
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини судлар томонидан тўғридан-
тўғри қўллашнинг ҳуқуқий асослари, тартиби ва аҳамияти // Юрист ахборотномаси –
Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2023) Б. 75-81.

 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Конституция, амалдаги процессуал кодекслар, қонунлар ҳам суд амалиёти илмий-назарий жиҳатидан таҳлил қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби ёритилган, унинг аҳамияти инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятини беришида ва одил судловни амалга оширишнинг конституциявий принципларига риоя қилишда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидаларини қўллаш орқали Янги Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари қўлланилаётганида номоён бўлиши асослантирилган.

Калит сўзлар: Конституция, қонун, суд, Пленум қарори, суд ҳужжатлари, халқаро шартномалар.

ОТАХОНОВ Фозилжон Хайдарович
Профессор Высшей школы судей при Высшем судебном совете
Республики Узбекистан, доктор юридических наук

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ, ПОРЯДОК И ЗНАЧЕНИЕ ПРЯМОГО ПРИМЕНЕНИЯ СУДАМИ НОРМ КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются правовые основы и порядок прямого применения судами норм Конституции Республики Узбекистан путем научно-теоретического анализа норм Конституции, действующих процессуальных кодексов, законов, а также судебной

практики, обосновано, что ее значение заключается в том, что она дает возможность непосредственной защиты основных прав и свобод человека и гражданина, соблюдает конституционные принципы отправления правосудия, а также применение положений международного договора Республики Узбекистан поскольку, в Новом Узбекистане соблюдаются общепризнанные принципы и нормы международного права.

Ключевые слова: Конституция, закон, суд, постановление Пленума, судебные акты, международные договоры.

OTAKHONOV Foziljon

Professor of the Higher School of Judges at the Supreme Judicial Council
Republic of Uzbekistan, Doctor of Law

LEGAL BASIS, PROCEDURE AND IMPORTANCE OF DIRECT APPLICATION BY COURTS OF THE NORMS OF THE CONSTITUTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article highlights the legal basis and procedure for the direct application by courts of the norms of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, through a scientific and theoretical analysis of the norms of the Constitution, existing procedural codes, laws, as well as judicial practice, it is justified that its significance lies in the fact that it provides the opportunity to directly use the fundamental rights and freedoms of man and citizen, complies with the constitutional principles of the administration of justice, and also that by applying the provisions of the international treaty of the Republic of Uzbekistan, generally recognized principles and norms are observed in New Uzbekistan international law.

Keywords: Constitution, law, court, resolution of the Plenum, judicial acts, international treaties.

*Конституция тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат бўлиши шарт.
Давлат органлари, айниқса, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-
тўғри мурожаат қилиши, унинг нормаларига асосланиб иш кўриши зарур [1].*

Шавкат Мирзиёев

2023 йил 30 апрелда умумхалқ овоз бериш орқали референдумда янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг ҳуқуқий сиёсатидаги туб сифат ўзгаришларини ўзига акс эттирди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият деб эълон қилинди. Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияда тўлиқ ва изчил мустақамлаб қўйилибгина қолмай, балки уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун зарур механизмлар яратилган ҳолда қафолатланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади ҳамда қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди ва одил судлов билан таъминланади.

Конституциямизда мустақамланган ушбу конституциявий қоида ҳамда ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш қафолати суднинг жамият ва давлатдаги ўта муҳим ўрнини белгилайди ва шу билан бирга унга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминловчи қонунларни тўғри қўллашда алоҳида масъулият юклайди.

Янги Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси устунлиги сўзсиз тан олиними, мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга эканлиги, тўғридан-

тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши, бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмаслиги судлар томонидан унинг моддаларини аниқ ишларни кўриб чиқишда тўғридан-тўғри қўллаш лозимлигини англатади.

Чунки суднинг асосий вазибалари инсоннинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Конституция нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллашнинг ҳуқуқий асослари хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15, 16, 19, 20, 27, 28, 29, 30, 31, 44, 47, 55, 65, 70, 136, 137, 138, 139-моддалари [2], Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Респуб-ликаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 3, 4, 11-моддалари [3], “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6, 7, 8, 9, 18, 45-моддалари [4], “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 4, 6, 2-моддалари [5], Жиноят кодексининг 1, 2, 141-149-моддалари [6], Жиноят-ижроия кодексининг 1-моддаси [7], Иқтисодий процессуал кодексининг 13-моддаси [8], Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 11, 179-моддалари [9], Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 2, 7, 269-моддалари [10], Фуқаролик кодексининг 1, 8, 9, 10, 11, 12, 15-моддалари [11], Фуқаролик процессуал кодексининг 3, 14-моддаларида [12] белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас (16-моддаси), унга кўра давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритиши (15-моддаси) ва судьялар мустақил бўлиб, фақат Конституция ва қонунга бўйсунуши (136-моддаси) лозим.

Янги Ўзбекистонда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда Конституцияга мувофиқ этироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади ҳамда мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Шунинг учун ҳам судьялар жиной, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишларни юритишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига оғишмай риоя этиши шарт.

Конституция нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўллаш тартиби юқорида қайд қилинган қонун ҳужжатларида белгиланган.

Шу билан бирга судлар томонидан конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларни тўлақонли таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги ЎРҚ-837-сон Конституциявий Қонуннинг 11-моддаси ҳамда «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, 2023 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим

масалалари тўғрисида”ги 16-сон Қарори [13] қабул қилинди.

Олий суд Пленуми судьяларнинг эътиборини Конституциянинг олий юридик кучга эгаллиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туришини англатиши, шунга кўра, судлар кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозимлигига қаратди.

Шунингдек, судлар Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги важи билан қўллашни рад этишга йўл қўйилмаслигига, муайян ишда қўлланилиши зарур бўлган Конституциянинг нормасида бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинганда, ишни кўриб чиқаётган судлар Конституция ва тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунга асосланиши лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактлар ва бошқалар) билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида белгиланганлиги, шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилишига эътибор қаратилиши ҳамда ишларнинг кўриб чиқилишида халқаро шартнома нормалари қўлланилган ҳолларда қарорнинг асослантирувчи қисмида ушбу халқаро шартнома нормаларига ҳавола қилиниши лозимлиги алоҳида қайд қилинди.

Пленум қарори билан [Конституцияда](#) ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни матбуот ва расмий манбаларда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шарти эканлигига судьялар эътибор бериши кераклиги, Конституция нормалари тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишидан ёки мавжудлигидан қатъий назар, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун кучга кирган пайтдан, яъни 2023 йил 1 майдан эътиборан тўғридан-тўғри амал қилиши, суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда, қоида тариқасида, [Конституциянинг](#) тегишли нормаларига ва ундан кейин юридик кучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, башарти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина [Конституциянинг](#) тегишли нормалари қўлланилиши лозимлиги белгиланди.

Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, судьялар шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги ва бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги қайд қилинди.

Конституциянинг 29-моддаси [тўртинчи қисмига асосан](#) қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳамда Конституцияда мустаҳкамланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда қонунларда белгиланган тартибларни бузган ҳолда ёхуд қонунларда назарда тутилмаган ҳаракатлар натижасида тўпланган далиллар қонунни бузган ҳолда олинган далиллар деб эътироф этилиши лозимлиги тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Ҳозирги кунда Олий суднинг судлов ҳайъатлари, Судьялар олий мактаби, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар мазкур Пленум қарори мазмун-моҳиятини қуйи

судларга тушунтириш юзасидан семинар-машғулотлар ўтказмоқдалар ва бу борада ягона суд амалиётини шакллантиришга эътибор қаратмоқдалар.

Пленум қарори тушунтиришларига сўзсиз риоя этган ҳолда фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда Конституциянинг тегишли нормалари тўғридан-тўғри қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иқтисодий судлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилиши мумкин бўлган тегишли моддалари ҳам моддий, ҳам процессуал ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олган. Шу боис иқтисодий судлар томонидан амалдаги моддий ва процессуал қонун ҳужжатлари қандай тартибда қўлланиб келинаётган бўлса, Конституциядаги қоидалар ҳам шу тартибда қўлланилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг [55-модда-сида](#) ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 3-моддасига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда судга бошқа шахслар ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг [55-модда-сига ҳавола қилган ҳолда иқтисодий судга даъво ариза тақдим қилган бўлса, иқтисодий суд буни суд ҳужжатларида](#) (масалан, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳамда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримларида, шунингдек, ҳал қилув қарорининг баён қисмида) кўрсатиши лозим.

Бошқа бир мисол, Конституциянинг 67-моддасининг тўртинчи қисмида монополь фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланган бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг бундай фаолияти билан боғлиқ муҳим шартлар, талаблар, мажбуриятлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги, «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 30²-моддасига мувофиқ юридик шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига киради. Бундай тоифадаги ишлар иқтисодий судга тааллуқли бўлиб, улар жавобгар жойлашган ердаги туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин.

Демак, рақобатга оид ишлар юзасидан қабул қилинган иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида аввал Конституциянинг 67-моддаси тўртинчи қисми, ундан кейин рақобатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаси кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини судлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, умумхалқ овози билан қабул қилинган Конституцияда белгиланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятини беради;

иккинчидан, Конституция нормалари уларни қўллаш тартиби алоҳида қонунчилик ҳужжатларида мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар тўғридан-тўғри амал қилишига эришилади;

учинчидан, халқнинг Конституцияга бўлган ишончини кучайтиришга, конституциявий ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга ҳамда Конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш орқали уларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади;

тўртинчидан, судлар томонидан ишларни кўриш жараёнидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини принцип ва нормаларига зид бўлган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлаш ва уларни белгиланган тартибда бартараф қилиш орқали шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга эришилади;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўллашни орқали Янги Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига риоя қилинаётганлиги ўз ифодасини топади;

олтинчидан, судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган одил судловни амалга оширишнинг конституциявий принципларига (*Конституция ва қонунларнинг устунлиги ҳамда судларнинг қонунчилик ҳужжатлари асосида иш юритиши; барчанинг қонун олдида тенглиги; одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилиши; судьяларнинг мустақиллиги, фақат Конституция ва қонунга бўйсунлиши; ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши; суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийлиги; суд ишлари юритиладиган тил*) судларнинг оғишмай риоя этишлари таъминланади;

еттинчидан, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши, дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, шунингдек давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги ҳамда инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши таъминланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Конституциявий ислохотларимизнинг бош мақсади – инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир // *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи.*
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон / <https://lex.uz/docs/6445145>.
Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган навбатдаги ҳужжат БМТ томонидан 1965 йил 21 декабрда қабул қилинган ва 1969 йилнинг 4 январидан кучга кирган “Ирқий камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция” ҳисобланади. Мазкур ҳужжатда ҳам аъзо давлатлар учун тан олиши мажбур бўлган қатор қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, унинг 1-моддаси 4-бандида мигрантлар учун муҳим ҳисобланадиган қуйидаги қоида белгилаб қўйилган, яъни, ҳимояга муҳтож айрим ирқий ёки этник гуруҳлар ёхуд алоҳида шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан бир хил фойдаланиш ва амалга оширишга қаратилган ривожланишини таъминлаш учун алоҳида чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ирқий камситиш ҳисобланмайди [2].

Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилаган яна бир универсал хусусиятга эга бўлган халқаро ҳужжат бу – БМТнинг 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартдан эътиборан кучга кирган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти” ҳисобланади. Мазкур ҳужжат инсон ҳуқуқлари соҳасида фундаментал ҳисобланган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни ўз ичида қамраб олган бўлиб, унинг 12-моддасига мувофиқ, бирор-бир давлат ҳудудида қонуний равишда турган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳамда ҳар бир киши ҳар қандай мамлакатни, жумладан ўз мамлакатини тарк этиши, шунингдек ҳеч ким ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги [11], мустаҳкамланган.

Универсал характердаги халқаро стандартлардан яна бири – БМТ томонидан 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт ҳисобланади. Унинг 6-моддасига биноан, ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ишлаб маблағ топиш имкониятини қамраб оладиган меҳнат қилиш ҳуқуқини тан олади. Меҳнат турини ҳар бир инсон эркин ҳолда танлайди ёки рози бўлади. Шу Пакт иштирокчиси бўлган давлатлар эса, ҳар қандай шахснинг мазкур ҳуқуқдан фойдаланиши учун зарур чоралар кўради [1].

Навбатдаги халқаро ҳужжат БМТ Бош Ассамблеянинг 45/158 резолюцияси билан 1990 йил 18 декабрда қабул қилинган ва 2003 йил 1 июлда кучга кирган “Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги халқаро конвенцияси [12] бўлиб, у ҳақ тўланадиган бандлик билан таъминлаш, ноқонуний меҳнат миграциясига барҳам бериш мақсадида давлатлар бўйлаб миграцияда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга қаратилган.

Мазкур Конвенциянинг асосий мақсади мигрантлар учун инсон ҳуқуқларига риоя этишни яхшилашдан иборат. Конвенция янги ҳуқуқларни яратмайди, бироқ мигрантлар ва маҳаллий фуқаролар ўртасидаги тенгликни кафолатлашга қаратилган. Ушбу ҳужжатда “меҳнат мигранти” тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, меҳнат мигранти – давлат фуқароси бўлмаган ва ушбу давлатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланувчи шахс. Шунингдек, “чегара ишлари”, “мавсумий ишчилар”, “ёлланма ишчи” каби тушунчаларга ҳам таъриф берилган (2-модда).

Ушбу конвенцияга мувофиқ, меҳнат муносабатлари соҳасида меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари камситилиши тақиқланади; мигрантларни қабул қилувчи давлатларда мигрантларга улар фуқроларидан кам бўлмаган ҳуқуқлардан фойланиш имконияти яратилади; меҳнат мигрантларини қабул қилувчи давлатларда, мигрантлар томонидан касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқи кафолатланади; меҳнат мигрантларини иш билан таъминлашда чекловлар белгиланган мамлакатларда эса, ушбу чекловлар қабул қилувчи мамлакатда беш йилдан кам бўлмаган муддатда яшаган мигрантларга нисбатан татбиқ этилмайди; меҳнат мигрантларини қабул қилувчи мамлакатларда, мигрантларга ушбу мамлакат ҳудудида қолиш ёки у ерда ишга жойлашиш ҳуқуқидан маҳрум этилмаслиги ёки мазкур давлатлардан меҳнат шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун чиқариб юбориш тақиқланади; мамлакатда бўлиш муддати тугагандан сўнг, мигрант ва унинг оила аъзоларини барча даромадлари ва жамғармаларини ўз ватанларига ўтказиш ва шахсий мулкни олиб чиқиб кетиш ҳуқуқи кафолатланади; мигрант ва унинг оила аъзолари исталган вақтда ўз мамлакатига кетиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, ушбу Конвенция меҳнат мигрантларининг имкон қадар тўла равишда барча асосий фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ўзида мужассам этган. Ҳужжатда меҳнат мигрантлари нафақат иқтисодий, балки ижтимоий субъект сифатида ҳам қаралган [3, Б. 68]. Мазкур Конвенциянинг ўзига хослиги шундаки, унда ноқонуний ва қонуний меҳнат мигрантлари фарқланган, лекин уларнинг ҳаммасига камида асосий ҳуқуқлар ҳимояси кафолатланган. Конвенцияда имконият ва мурожаат тенглиги принципига таянган ҳолда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий мақомидан қатъий назар, мурожаат қилишнинг асосий стандартларини белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, мазкур Конвенция белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат ёки мақомга эга меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари учун кўшимча ҳуқуқларни ҳам тақдим этади ва унда меҳнат мигранти ва унинг оила аъзоларининг ҳимоясини назорат қилиш мақсадида кузатувчи механизмларни яратиш назарда тутилган. Шу асосда унга асосан БМТ шафелигида Барча меҳнат мигрантлари ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Қўмита таъсис этилган.

Юқоридагилар билан бирга, БМТ томонидан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва уни тўлдирувчи Қуруқлик, денгиз ва ҳаво йўллари орқали мигрантларни ноқонуний олиб ўтишга қарши ҳамда Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги баённомалари бугунги кунда мигрантларни ноқонуний олиб киришнинг айрим жиҳатларини қамрам олувчи БМТ даражасидаги энг асосий ҳужжатлардан ҳисобланади. Жумладан, Қуруқлик, денгиз ва ҳаво йўллари орқали мигрантларни ноқонуний олиб ўтишга қарши баённомада ноқонуний миграция билан боғлиқ тушунчаларга изоҳ берилган. Масалан, “мигрантларни ноқонуний олиб ўтиш”, “чегара ҳудудига ноқонуний кириш”, “қалбакилаштирилган ҳужжатлар” тушунчаларига изоҳлар берилган.

Меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар хавфсизлигини таъминлашга

қаратилган стандартларни назарда тутувчи қатор халқаро ҳужжатлар Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинган. Чунончи, меҳнат мигрантлари мақомини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш ва таъминлашда Халқаро меҳнат ташкилоти муҳим рол ўйнайди.

Халқаро меҳнат ташкилоти 1919 йили Версаль шартномаси доирасида Миллатлар лигаси (иттифоқи) ҳузурида меҳнат қонунлари ва меҳнат шароитларини яхшилаш масалалари бўйича конвенция ва тавсияларни ишлаб чиқиш учун халқаро комиссия сифатида тузилган. 1944 йилда Филадельфиядаги халқаро меҳнат конференцияси ХМТнинг урушдан кейинги даврдаги вазифаларини белгилаб берган. Ушбу конференцияда ташкилот вазифаларини белгилаб берган Филадельфия декларациясини қабул қилинган. ХМТ 1946 йилда БМТ тизимига кирган биринчи ихтисослаштирилган муассаса ҳисобланади. Агар ташкилот тузилганда унга 42 давлат аъзо бўлганга бўлса, ҳозирги кунда 182 та давлат аъзо сифатида иштирок этмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти, унга аъзо бўлган давлатлар билан биргаликда халқаро меҳнат стандартларини конвенциялар ва тавсиялар шаклида ишлаб чиқади, уларнинг тан олиниши ва амалда бажарилишига интилади. ХМТ ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини аниқлаш ва ҳимоя қилишни, шунингдек уларнинг аҳволини яхшилаш масалаларига алоҳида аҳамият берган. Шу сабабли ҳам ХМТ Бош конференциясининг 1919 йилдаги 1-сессиясидаёқ, ташкилот томонидан “Чет эллик ишчилар билан муносабатлар соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида”ги 2-сонли тавсиясини қабул қилган.

Бугунги кунда ХМТ, ишчи кучини экспорт қилувчи ва қабул қилувчи мамлакатларнинг ривожланишига ҳисса қўшишни ҳамда мигрантлар ва улар оила аъзоларининг фаровонлигини таъминлаш мақсадида меҳнат миграцияси соҳасини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилган. Хусусан, ташкилот ўз фаолияти давомида меҳнат миграцияси жараёнлари ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларининг ҳимояси масалаларига алоҳида эътибор қаратганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу борада ташкилот томонидан 1949 йил 1 июлда “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги (қайта кўриб чиқилган) 97-Конвенция (Женева, ХМТ Бош конференциясининг 32-сессиясида қабул қилинган 1952 йил 22 январдан кучга кирган) ва 1975 йил 24 июнда “Миграция соҳасидаги суиистеъмолликлар ва меҳнат мигрантларига имкониятлар тенглигини таъминлаш тўғрисида”ги 143-Конвенция ҳамда 1949 ва 1975 йилларда “Меҳнат мигрантлари тўғрисида”ги 86- ва 151-сонли тавсиялар қабул қилинган.

Чунончи, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Меҳнат мигрантлари тўғрисида”ги 97-сонли Конвенцияси халқаро меҳнат миграцияси жараёнларида иштирок этувчи мамлакатларнинг мажбуриятларини тартибга солади, ишга қабул қилишда мигрантлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги тенгсизликнинг олдини олишга чақиради ҳамда унда меҳнат мигрантларига ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлашга қаратилган ва ишчи кучидан икки томонлама фойдаланиш ва индивидуал меҳнат шартномаларини тузиш масалалари юзасидан тавсиялар берилади [9, Б.21].

“Миграция соҳасидаги суиистеъмолликлар ва меҳнат мигрантларига имкониятлар тенглигини таъминлаш тўғрисида”ги 143-Конвенцияда эса уни ратификация қилган мамлакатларда энг аввало меҳнат мигрантларининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, ўз ҳудудида ноқонуний равишда яшаётган ва ишлаётган ёки мазкур ҳудудни кесиб ўтаётган ноқонуний мигрантларни доимий равишда аниқлашга интилиши, хуфёна равишда ноқонуний меҳнат миграциясини амалга оширувчи ҳамда ноқонуний меҳнат миграциясини ташкиллаштирувчи иш берувчиларга қарши нафақат ўз мамлақати доирасидаги қонунчилик асосида балки ташкилотнинг бошқа аъзолари билан ҳам ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозимлиги, ноқонуний меҳнат миграцияси ташкилотчилари ва иштирокчиларни маъмурий, фуқаровий, жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоқ жазосини бериш каби масалалар миллий қонунчилик доирасида кўзда тутилиши лозимлигига ҳам алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, қонуний равишда

ишлаб юрган меҳнат мигрантининг оддий бир сабаб билан ишини йўқотиши туфайли унга ноқонуний мигрант ёки қонунга хилоф равишда мамлакатда яшаётган мигрант сифатида қаралмаслиги лозимлиги ҳам таъкидланган [7, Б.2-3].

Шунингдек, ХМТнинг 143-Конвенцияси давлатларнинг миллий қонунчиликларида меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари сифатида ушбу давлат ҳудудида қонуний асосларда яшаётган шахсларга меҳнат ва бандлик, ижтимоий таъминот муносабатларида тенг имконият яратиш, касаба уюшмаси ва маданий ҳуқуқлар, шахсий ва жамоа эркинлигини таъминлашга қаратилган миллий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлайди.

Қонуний асосда фаолият юритаётган меҳнат мигрантларига имкониятлар тенглиги принципини таъминлаш билан бир қаторда, қабул қилувчи давлат миллий қонунчилигига риоя қилишни акс эттирувчи мажбуриятлар принципини ҳам белгилаб беради. Ушбу халқаро ҳужжатларни қабул қилишдан асосий мақсад яширин миграция ҳаракатлари ва мигрантларни ноқонуний ишлатишни чеклашдан иборат. Шу боис, иштирокчи-давлатларнинг миллий қонунчилигида мигрантларни ноқонуний ёки яширин ҳаракатланишларининг ташкилотчиларига нисбатан қатъий чоралар ишлаб чиқиш белгиланган.

Бундан ташқари, ХМТнинг тегишли ҳужжатларига мувофиқ, хусусан, “Миграция соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва меҳнат мигрантлари учун тенг шароит ва муомалаларни таъминлаш тўғрисида”ги 143-Конвенция, “Меҳнат мигрантлари тўғрисида”ги 86-сонли ва 151-сонли тавсиялар, “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-Конвенция (Женева, 1930 йил 28 июнь) [10], “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-Конвенция (Женева, 1957 йил 25 июнь, ХМТ Бош конференциясининг 40-сессиясида қабул қилинган)ларида қуйидаги қоидалар белгиланган:

1) қабул қилувчи давлатлар меҳнат мигрантларига айрим турдаги ишларга жалб қилишни, агар мазкур муносабат ёки соҳаларда иммигрантларни ишлатиш давлат манфаатларига путур етказса ёки буни талаб қилса, чеклаш ҳуқуқига эга бўлади;

2) меҳнат мигрантларига, агар у икки йилдан кўп бўлмаган, муайян муддат давомида ёки меҳнат мигрантларининг ёллашни чеклаган давлатлар ҳудудида беш йил муддат давомида қабул қилувчи давлат ҳудудида қонуний асосларга кўра яшаш шarti билан уларга эркин иш танлаш ҳуқуқи берилади;

3) мигрантларни қабул қилувчи мамлакат ҳудудида қонуний равишда яшовчи меҳнат мигрантларининг ишини йўқотиши, уларга мамлакатда яшаш рухсатномасини ёки ишлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келмайди.

Шу билан бирга, мигрантларнинг қабул қилувчи давлат фуқаролари билан тенг ҳуқуқлигини таъминловчи халқаро ҳужжатлардан яна бири Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 1962 йил 28 июнда Женевада қабул қилинган Давлат фуқароси ҳамда чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ижтимоий таъминоти тенглиги тўғрисидаги 118-Конвенцияси ҳисобланади. Ушбу ҳужжат иштирокчи давлатларга ўз ҳудудида чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан бир қаторда “қочоқ”ларга ҳам тегишли ҳуқуқларни тақдим этади. Масалан, тиббий ёрдам, касаллик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, ногиронлик нафақаси, қариялик нафақаси, боқувчисини йўқотганлик нафақаси, меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттириш ҳолати нафақаси, ишсизлик нафақаси, оилавий нафақа шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Бандлик хизматларини ташкил этиш тўғрисида Конвенция ва Тавсиялар (1948 й.), Ёлланма меҳнат бўйича пуллик бюролар тўғрисидаги Конвенция (1949 й.), Меҳнат мигрантлари тўғрисидаги Конвенция ва Тавсиялар (1949 й.), Кам ривожланган давлатларда меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Тавсиялар (1955 й.), Бандлик соҳасида сиёсат ҳақида Конвенция ва Тавсиялар (1964 й.) меҳнат мигрантларининг ижтимоий ҳолатини яхшилаш, шу жумладан иш ҳажми, шароити билан таништириш, уларга миграция ҳақида, йўлда ва борган жойида мигрантлар томонидан фойдаланиш мумкин бўлган минимал шартлар тўғрисида аниқ маълумотлар беришга оид қоидаларни ўзида қамраб олган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, халқаро миграцияда мигрантлар кўп ҳолларда маҳаллий ҳуқуқлардан маҳрум бўлади. Иш шароити, хавфсизлик масалалари ҳам таъминланмайди. Бунда аввало, аёллар ва болалар кўпроқ жабр кўришади. Бундай номутаносиблик мигрантлар томонидан норозиликни келтириб чиқаради ва улар томонидан жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкин. Сўнгги йилларда халқаро миграция жараёнларини тартибга солиш тамойиллари ва бу масалага ёндашув тубдан қайта кўриб чиқилди. Бутун дунёдаги миграция оқимларини тартибга солиш мақсадида халқаро даражада миграция хизматларини кўрсатиш зарурати юзага келганлиги муносабати билан 1951 йилда Халқаро Миграция Ташкилотига асос солинган.

Халқаро миграция ташкилоти 1951 йилда дастлаб Европада, кейинчалик Иккинчи жаҳон уруши оқибатида содир бўлган мигрантларнинг йирик оқимини тартибга солиш учун ташкил этилган ҳукуматлараро ташкилот мақомида фаолият юритди. Шу сабабдан дастлаб у Миграция бўйича Европа ҳукуматлараро ташкилот деб номланган, кейинчалик, яъни 1989 йил 14 ноябрдан Халқаро миграция ташкилотига айлантирилди. 2016 йилда БМТ ва ХМТ ўртасида ўзаро муносабатлар тўғрисида битим (А/70/976) тузилганидан сўнг ушбу ташкилот БМТнинг махсус муассасаси ҳисоблана бошланди. Ҳозирда 173 та давлат ушбу ташкилотга аъзо.

Халқаро миграция ташкилоти ўз фаолиятини Халқаро миграция ташкилоти Конституциясига мувофиқ олиб боради. Халқаро миграция ташкилотининг Конституцияси 1953 йил 19 октябрда Брюсселда имзоланган бўлиб, унинг асосий мақсади мавжуд имкониятлари етишмаётган ёки халқаро ташкилотнинг ёрдамига муҳтож бўлган мигрантларни уюшган ҳолда кўчиб ўтиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мигрантларнинг келиб чиқиши, миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъий назар, давлатлар уларга бўлган муносабатида тенгликни таъминлашдан иборат [4]. 2018 йил 19 декабрда Ўзбекистон парламенти “Халқаро миграция ташкилоти конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди.

Ташкилот олдида қўйган мақсадларни амалга оширишда чет элда иш билан таъминланишда ёрдам кўрсатади; одам савдосига қарши курашади; мигрантларнинг соғлиғини сақлаш, кўчиб келган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, вакцинация ишларини олиб бориш ва шу каби соғлиқни сақлаш соҳасида хавфсизликни таъминлаш ишларини олиб боради; мигрантларнинг давлатлараро кўчиб юриш жараёнида ҳар томонлама ёрдам кўрсатади; турли давлатларда яшовчи оила аъзоларини бирлаштиришга ёрдам кўрсатади; мажбурий муҳожир, қочоқларга ёрдам кўрсатади; – миграция ва бошқа масалаларда изланишлар ва таҳлилий ишларни олиб боради.

Ҳозирда ХМТ миграцияни бошқаришнинг асосий тўртта йўналишида иш олиб бормоқда: миграция ва ривожланиш, миграцияга ёрдам, миграцияни тартибга солиш ва мажбурий миграция. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунга келиб ХМТ миграция соҳасида кенг қамровли ваколатларга эга халқаро ташкилот ҳисобланади. Ҳар қандай давлат мазкур халқаро ташкилотнинг аъзоси бўлиши учун унинг Конституциясини қабул қилиши лозим.

Айтиш ўринлики, миграцияни ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий босқичи уни барқарор ривожланиш мақсадларидаги ўрнини белгилаш ва родини оширишга қаратилган бўлса-да, мигрантларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш асосий мақсад бўлиб қолаверади. Шу ўринда Қочоқ ва мигрантлари тўғрисидаги Нью-Йорк декларацияси глобал даражада инсон ҳаётини асраш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда дунёда етакчи давлатларнинг масъулияти ва мажбуриятини тенг тақсимлашга қаратилган уларнинг сиёсий иродасидир.

Мазкур Декларацияда давлатларга қочоқ ва мигрантларни, уларнинг ҳуқуқий ҳолатидан қатъий назар, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш; барча қочоқ-болалар ва мигрант-болалар белгиланган давлатга етиб келганидан сўнг бир неча ой давомида таълим олишини таъминлаш; жинсий ва гендер тазйиқни олдини олиш ҳамда баргараф этиш; қутқарув ишларини олиб боровчи ҳамда кўп сонли қочоқ ва мигрантларни қабул

қилиб олувчи давлатларга ёрдам кўрсатиш; миграция мақомини белгилаш мақсадида болаларни қамоққа олиш амалиётини бекор қилиш бўйича ишларни олиб бориш; қочоқ ва мигрантларга нисбатан ксенофобияга қарши курашиш ҳамда ушбу ҳодисага қарши глобал тарзда курашиш; катта ҳажмда ва давомийлик тусга эга қочоқ ва мигрантлар билан боғлиқ ҳолатларда уларга нисбатан янги механизм асосида комплекс чора-тадбирларни жорий этиш. Бу янги механизм ўз ичига аъзо-мамлакатларнинг мажбуриятларини белгилашга қаратилган; қочоқларга қабул қилувчи давлатларда қулай шароит яратиш, хусусан янги уй-жой, ишчи кучлар ёки таълим дастурларининг мобиллигини таъминловчи дастурлар ишлаб чиқиш каби асосий мажбуриятлар юклатилган.

Халқаро миграциянинг барча жиҳатларини ўз ичига олган ҳамда ҳар томонлама кенг қамровли халқаро ҳужжат – Миграция тўғрисидаги глобал битим ҳисобланади. БМТ шафелигида имзоланган бу халқаро ҳужжат 2016 йил сентябрда қабул қилинган Қочоқлар ва мигрантлар тўғрисидаги Нью-Йорк декларациясида хавфсиз ва тартибга солинган миграция тўғрисида глобал битимни ишлаб чиқиш вазифаси қуйилган. 2018 йилда қабул қилинган мазкур глобал битим миграция жараёнини тартибга солиш имкониятини яратди, замонавий миграция муаммоларини ҳал қилиш ҳамда барқарор ривожланишга мигрантларнинг улушини мустаҳкамлаш имкониятини яратди.

Инсон ҳуқуқларини, шу жумладан мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларга қўшимча сифатида қатор халқаро минтақавий ҳужжатлар давлатлараро муносабатларда мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида алоҳида ўринни эгаллайди. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси (1969 й.), Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисида Африка хартияси (1981 й.), Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб давлатлари лигаси хартияси (2004 й.), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси (1950 й.)да инсон ва меҳнат ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар ўз аксини топган бўлиб, мигрантнинг фуқаролиги ёки иммиграция мақомидан қатъий назар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қоидалар ифодаланган.

Бундан ташқари Европа Кенгаши доирасида меҳнат мигрантларининг меҳнат стандартлари инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясида (4 йил 1950 ноябрда) ва Европа ижтимоий Хартиясида (18 йил 1961 октябрда, 1996 йилда қайта кўриб чиқилган) мустаҳкамланган [5].

Меҳнат мигрантлари ва улар оила аъзоларининг ҳимоя ва ёрдам олиш ҳуқуқининг асосий қоидалари Европа ижтимоий Хартиясининг 19-моддаси билан тартибга солинган (1996 йилда қайта кўриб чиқилган). Низомни имзолаган давлатлар, ушбу халқаро ҳужжатнинг 1-қисмига биноан, ушбу қоидада мавжуд бўлган ҳуқуқ ва принципларни самарали амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш мажбуриятини олишади. Ушбу ҳуқуқлардан бири меҳнат мигрантлари ва улар оила аъзоларининг ҳимоя ва ёрдам олиш ҳуқуқидир.

Шундай қилиб, Европа ижтимоий Хартиясининг 19-моддасига биноан, томонлар меҳнат мигрантларига ўз ҳудудларида ишсизликни суғурталаш фонди бадаллари, ишлайдиган шахсларга нисбатан тўланадиган иш ҳақи ва бошқа тўлов бадаллари режими бўйича ўз фуқароларига тақдим этилганидан кам бўлмаган қулай меҳнат шароитини яратиш мажбуриятини оладилар. Шунингдек, улар миллий қонунлар ва қоидалар доирасида эмиграция ва иммиграция билан боғлиқ ёлғон маълумотларни аниқлаш ва улар оқибатларини бартараф қилиш юзасидан барча чораларни қўллашни ўз зиммаларига оладилар.

МДҲга аъзо давлатлар томонидан ҳам миграция соҳасида қабул қилинган бир қатор минтақавий ҳужжатлармавжуд. Хусусан, МДҲни янада ривожлантириш концепциясида (2007 й.) МДҲ фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида МДҲга аъзо давлатлар миграция органларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, ноқонуний миграцияга қарши курашишни фаоллаштириш, ўзаро келишилган миграция сиёсатини олиб бориш, меҳнат миграциясини тартибга солиш, миграция жараёнини қонуний тартибга солиш, реадмиссия тўғрисида битимлар тузиш, паспорт-виза ҳужжатлари

(шу жумладан биометрик маълумотлар ва электрон маълумот ташувчи қурилмалар) ни ҳимоялаш, интеграциялашган маълумотлар базасини яратиш каби масалалар белгиланган [6].

Айтиш керакки, халқаро меҳнат миграциясини ташкил этиш жараёнларида кўпинча мигрантларни қабул қилаётган мамлакатларда иш берувчилар ва туб аҳоли томонидан меҳнат мигрантларини камситиш ҳолатлари учраб туради ва бу ҳолат халқаро меҳнат миграциясининг ташвиш уйғотадиган муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат мигрантларининг иш тажрибаси ва кўникмаларидан қатъи назар уларга нисбатан камситилиш ҳолатлари, уларни хавfli ва ноқулай меҳнат шароитларида ишлашга жалб қилиш ҳамда уларни халқаро ҳужжатларда белгиланган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузилиши билан боҳлиқдир. Ҳолбуки, чет элда ишлаш учун кетган фуқаролар ўз мамлакатлари томонидан қонуний ва ташкиллаштирилган тартибда ишлаш учун юборилган тақдирда уларнинг ҳуқуқлари тўлақонли ҳимоя қилинади. Шу жиҳатдан ҳам бундай шароитларда ноқонуний тартибда ишлаш учун кетган меҳнат мигрантлари ва қабул қилувчи мамлакат маҳаллий аҳолиси ўртасидаги тенг ҳуқуқий муносабатларни лозим даражада таъминлаш имкониятлари ҳар доим ҳам мавжуд бўлавермайди.

Шу ўринда қайд этиш муҳимки, ноқонуний меҳнат мигрантлари мазкур жараёнларда кўпроқ муаммоларга дуч келадилар, баъзи ҳолларда эса, уларнинг бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларнинг йўқлиги сабабли уларни ҳал қилиш имконсиз бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам қабул қилувчи давлатлар ҳудудида қонуний равишда ишлаётган меҳнат мигрантлари кўпроқ қулай шароитларда бўладилар. Чунки уларни, қулай меҳнат шароитлари билан таъминлаш билан боғлиқ муаммо ёки ходим ва иш берувчи ўртасида меҳнат низолари юзага келган тақдирда, ушбу тоифадаги ишчилар ўз мамлакатлари томонидан ҳам, иш билан таъминланган мамлакат томонидан ҳам керакли ҳимояга олиниши мумкин.

Муҳтасар айтганда, меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасида халқаро ҳуқуқий стандартлар тизимини яратиш, унинг яхлитлиги, бирлиги ва функционал қобилятини таъминлаш БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, давлатларнинг минтақавий бирлашмалари ва улар ўртасида икки ва кўп томонлама амалга оширилаётган ҳамкорлик ва қонун ижодкорлиги натижаси ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам меҳнат миграциясини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини лозим даражада ҳурмат ва ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий механизмларни ўзида намоён қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк) // URL:lex.uz/docs/2686000
2. Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1965 йил 21 декабрь, Нью-Йорк) // URL:lex.uz/docs/2656183
3. Исоқов Л.Х. Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Юрид. ф-ри б. фал. докт (Phd) дис. ... – Т., 2020. – 182 б.
4. Constitution and Basic Texts of the Governing Bodies // URL:www.iom.int/constitution-and-basic-texts-governing-bodies; www.iom.int/constitution.
5. Конвенция о защите прав человека и основных свобод: международный документ от 4 ноября 1950 г. URL: http://zakon4.rada.gov.ua/laws/show/995_004; Европейская социальная хартия (пересмотренная) (ETS № 163) (Страсбург, 3 мая 1996 г.). URL: http://zakon2.rada.gov.ua/laws/show/994_062.
6. Концепция дальнейшего развития Содружества Независимых Государств (5 октября 2007 года, г. Душанбе) // URL: www.cis.minsk.by/page/18763.
7. Қодирова З.А. Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда меҳнат миграциясининг халқаро миқёсда тартибга солиниши // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”

илмий электрон журнали. – 2015. – № 3, май-июнь. – Б. 1–9.

8. Отажонов А. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир айрим масалалар //Юрист ахборотномаси. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 116-121.

9. Трыканова С. А. Правовое регулирование миграционной политики Европейского союза. Учебное методические пособие. – Рязань, 2006. – 80 с.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги "Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида" 492-І-сон-қарои // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 1997., – № 9. – 248-м.

11. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк) // URL:lex.uz/docs/2640479.

12. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant.shtml

13. <https://www.ilo.org/global/topics/labour-migration/publications>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХИМОВА МУАТТАРА АБДУСАТТАРОВНА

Профессор Ташкентского государственного юридического университета,
Доктор юридических наук (DSc)
E-mail: muattara161@mail.ru

ВОПРОСЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ УСТАВНЫХ ОРГАНОВ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХИМОВА М.А.
Вопросы реформирования уставных органов международных организаций // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2023) С. 104-113.

 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-14>

АННОТАЦИЯ

Актуальность темы исследования связана с возможной перспективой трансформации полномочий и роли основных органов при организации деятельности международных организаций, в том числе подходах к реформированию взаимоотношения уставных органов ООН.

Ключевые слова: международная организация, роль международных организаций в решении мировых проблем, статус международных организаций, подходы к реформированию.

РАХИМОВА МУАТТАРА АБДУСАТТАРОВНА

Тошкент давлат юридик университети профессори,
Юридик фанлари доктори (DSc)
E-mail: muattara161@mail.ru

XALQARO TASHKILOTLARNING USTAV ORGANLARINING ISLOXOT MASALLARI

ANNOTASIYA

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi xalqaro tashkilotlar faoliyatini tashkil etishda asosiy organlarning vakolatlari va rolini o'zgartirishning mumkin bo'lgan istiqbollari, shu jumladan BMTning nizom organlari o'rtasidagi munosabatlarni isloh qilish yondashuvlari bilan bog'liq.

Kalit so'zlar: xalqaro tashkilot, jahon muammolarini hal qilishda xalqaro tashkilotlarning o'rni, xalqaro tashkilotlarning maqomi, islohotlarga yondashuvlar

RAKHIMOVA MUATTARA

Professor at Tashkent State University of Law
Doctor of Law (DSc)
E-mail: muattara161@mail.ru

ISSUES OF REFORMING THE STATUTORY BODIES OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS

ANNOTATION

The relevance of the research topic is associated with the possible prospect of transforming the powers and role of the main bodies in organizing the activities of international organizations, including approaches to reforming the relationship between the UN statutory bodies.

Keywords: international organization, the role of international organizations in solving world problems, the status of international organizations, approaches to reforms.

В современных условиях обостряются многие политические противоречия, появляются новые угрозы и вызовы миру и безопасности в масштабах планеты, а геополитическое противоборство ведущих субъектов международного права затрудняет решение проблем социально-экономического развития мира в целом. В этой связи значимость международных организаций возрастает, и они превращаются в важных игроков на международной арене.

В XX в. число международных межправительственных организаций резко возросло. Если в 1909 г. их насчитывалось всего 37, в 1985 г. — уже 3782, то в настоящее время их насчитывается несколько тысяч [1]. А один из исследователей международных организаций приводит конкретную цифру - 561 межправительственная организация в период с 1815 по 2015 год. [2, С. 339-370].

В связи с этим исследования по взаимоотношению уставных органов при организации деятельности международных организаций имеют большое значение для современной науки.

Первые международные организации способствовали международным связям государств преимущественно в сфере торговли и коммуникации. Однако тенденция учреждения международных межправительственных организаций привела в конце Первой мировой войны к созданию первой международной организации в лице Лиги Наций, основанной в результате Версальско-Вашингтонской системы Версальского соглашения в 1919—1920 годах. Лига Наций имела постоянную организационную структуру — Ассамблея, Секретариат, Исполнительный Совет и другие органы (агентства и комиссии, созданные для решения международных проблем. Например, Комитет по изучению правового статуса женщин, или Организация здравоохранения, или Международная организацию труда и т.д.)

После окончания Второй мировой войны взамен Лиги Наций была учреждена ООН, призванная по ее Уставу стать «центром для согласования действий наций в достижении... общих целей» (п. 4 ст. 1 Устава ООН) [3].

Устав ООН — это фундамент современного международного права, соблюдаемого государствами на разных континентах и при жизни разных поколений [4, р. 8]. В то же время, беспокойство вызывает кризис системы коллективной безопасности, самоустранение уставных органов ООН в ряде случаев от урегулирования конфликтов. Все это обуславливает необходимость скорейшего осуществления мер по усилению роли уставных органов с целью ликвидации подобных прецедентов международной жизни.

Как отметил Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев «имеется большая востребованность в Организации Объединенных Наций, особенно в настоящее время, когда мировому сообществу предстоит активизировать все свои силы и возможности, чтобы адаптироваться к новым реалиям.» [5]. Генеральный секретарь ООН Антониу Гутерриш в своем заявлении, сделанном в ходе представления доклада «Наша общая повестка», так же подчеркнул, что «мир стоит перед жестким выбором между катастрофическим сценарием роста напряженности, ухудшения состояния окружающей среды, климатического хаоса и возможностью прорыва к более безопасному, мирному будущему» [6].

С нашей точки зрения, одним из путей повышения эффективности деятельности ООН, всех ее органов и международных организаций, входящих в систему ООН, является именно улучшение их взаимодействия между собой. Несмотря на актуальность данного вопроса, проблема ещё недостаточно исследована.

В условиях глобализации национальные и интернациональные интересы государств требуют активного сотрудничества на постоянной основе. С этой целью государства создают международные организации и наделяют их международно-правовой субъектностью, необходимой для осуществления ряда функций.

Надо отметить, что идеи о такой форме организации человеческого общества можно обнаружить в трудах многих ученых и политиков прошлого. Например, за период 1300-1800гг. было составлено до 30 проектов международных организаций, направленных на обеспечение международной безопасности, а в начале двадцатого столетия появилось более 80 таких проектов [7, С.34-36]. Среди первых, кто предложил человечеству объединяться в союзы, был римский государственный деятель и оратор Марк Туллий Цицерон (106 – 43 годы до нашей эры). С точки зрения Цицерона, основной целью данного союза явилась бы борьба за мир и предотвращение войны[8].

Вопрос о возникновении первой международной организации до сих пор остается спорным, чаще всего называют Центральную комиссию судоходства по Рейну, которая учреждалась особыми статьями Заключительного генерального акта Венского конгресса, который был подписан 9 июля 1815 года [9]. Данные статьи предписывали установление международных правил судоходства и сбора пошлин по рекам Рейн, Мозель, Маас и Шельда, которые служили границей государств или же протекали через владения нескольких государств. Хотя Венским конгрессом 1815 г. не были выработаны какие-либо конкретные положения о международных организациях, однако именно этот Конгресс заложил концептуальную основу [10, С.57].

Эксперты в области международных отношений выделяют три этапа развития международных организаций:

первый этап – вторая половина XIX века - начало XX века. Это было время бурного развития науки и техники с появлением таких международных организаций, как, например, Международный союз для измерения земли (1864 год), Всемирный телеграфный союз (1865 год), Всемирный почтовый союз (1874 год) и т.д. Все указанные организации имели свои постоянные органы, неизменных членов, а также штаб – квартиры. Их полномочия ограничивались лишь обсуждением специализированных проблем.

С середины XIX века и до начала Первой мировой войны увеличилось число международных организаций, основную регистрацию которых ведет Союз международных ассоциаций, учрежденный в Брюсселе в 1909 году [1]. Он координировал деятельность международных организаций и собирал информацию по общим вопросам их деятельности;

второй этап развития международных организаций – 20-е годы XX века – начало Второй мировой войны. Первая мировая война задержала развитие международных организаций и привела к роспуску многих из них. В то же время осознание губительности мировых войн для развития человеческой цивилизации стимулировало создание международных организаций в целях предотвращения войн. Одной из таких организаций является Лига Наций, созданной «для содействия международному сотрудничеству и для достижения международного мира и безопасности» [11]. Но, по мнению И.И Лукашука, Лига Наций не справилась с основной ее задачей: сохранение мира и мирное урегулирование международных конфликтов. Те разногласия, которые возникли между членами Лиги, повлекли за собой невыполнение взятых обязательств. Она не смогла предотвратить Вторую мировую войну, а также нападение Японии на Китай, Италии – на Эфиопию, Германии – на Австрию и Чехословакию, Италии – на Испанию. 18 апреля 1946 года Лига Наций была ликвидирована, так как она не выполнила своих функций и

на этом историческом этапе прекратила свое существование [12, С.46];

третий этап - период после окончания Второй мировой войны, когда в 1945 году появилась первая универсальная международная организация – Организация Объединенных Наций (ООН), которая подпадает под следующее определение.

Международная организация, учреждение, в состав которого входят как минимум три государства, действующее в нескольких государствах и его члены объединены формальным соглашением [13].

Таким образом, международная организация – это межгосударственная организация, созданная на основе учредительного документа для достижения определенных целей. Система международных отношений констатирует, что международные организации создаются суверенными государствами для реализации определенных коллективных целей и задач.

По мнению Абашидзе А.Х., международные организации — объединение государств, созданное на основе международного межправительственного договора (обычно многостороннего) для выполнения определенных целей, имеющее систему постоянно действующих органов, обладающее международной правосубъектностью и учрежденное в соответствии с международным правом [14].

Более широкое понятие международных организаций дает К.А. Бекяшев: «Международная организация – это объединение государств, созданное в соответствии с международным правом и на основе международного договора, для осуществления сотрудничества в политической, экономической, культурной, научно – технической, правовой и иных областях, имеющее необходимую систему органов, права и обязанности, производные от прав и обязанностей государств, и автономную волю, объем которой определяется волей государств-членов» [15, С.35].

Конвенция ООН о представительстве государств в отношениях с международными межправительственными организациями 1975 года определяет их, как «ассоциацию государств, основанную на договоре, имеющую конституцию и совместные органы и обладающую юридическим статусом, отличным от статуса государств-членов» [16].

А Конвенция о физической защите ядерного материала 1980 года указывает, что «...организация состоит из суверенных государств и обладает компетенцией в области ведения переговоров, заключения и применения международных соглашений» [17, С.8].

По мнению же А.Саидова, любая межгосударственная организация признается таковой, если она обладает следующими признаками:

- «во-первых, членство государств;
- во-вторых, учреждение на международном договоре;
- в-третьих, наличие постоянных органов;
- в-четвертых, уважение суверенитета государств...» [18].

Международные организации создаются для осуществления взаимодействий государств в какой-либо сфере жизни. Они призваны объединять усилия государств в политической (ОБСЕ), военной (НАТО), научно-технической (Европейская организация ядерных исследований), экономической (ЕС), валютно-финансовой (МВФ), социальной (МОТ) и во многих других областях. Также существуют организации, призванные координировать деятельность государств практически во всех областях (ООН, СНГ).

Межправительственные организации имеют организационную структуру (штаб-квартиры, система главных и вспомогательных органов) - что отличает ее от других форм международного сотрудничества, членом в лице суверенных государств. Все организации имеют постоянные или временные исполнительные органы с различным правовым статусом и компетенцией.

Сама организация как субъект международного права вправе избрать наиболее рациональные для себя средства и методы деятельности. При этом государства-члены осуществляют контроль за правомерностью использования организацией своей автономной воли.

Международная организация обладает возможностью иметь самостоятельные

права и обязанности, которые отличаются от прав и обязанностей государств-членов, что позволяет формировать ее как юридическую личность, обладающую своей правовой волей, а также как производного субъекта международного права при условии, что эти права связаны с международной правосубъектностью. Любая организация должна создаваться на основе общепризнанных принципов и норм международного права (*jus cogens*).

Таким образом, сущность международных организаций состоит в выявлении интересов ее членов, согласовании и выработке на этой основе общей позиции, общей воли, определении соответствующих задач, а также методов и средств их решения. Особенность определяется тем, что членами организации являются суверенные государства. Это характеризует специфику функций международных организаций, а также механизма их реализации.

В XXI веке мировое сообщество должно стараться достичь «всеобщего правового гражданского общества», о котором в свои времена писал немецкий мыслитель и философ И. Кант [19, Т.8, С.17]. Этого можно достичь, утвердив справедливый миропорядок, основанный на равноправных, обоюдовыгодных отношениях между суверенными субъектами, и здесь роль ООН чрезвычайно велика.

Вопрос о путях развития ООН имеет особое значение в силу важности самой организации. При его решении необходимо учитывать особенности развития международных организаций на современном этапе. Учет этих закономерностей означает то, что любые нововведения не должны отрываться от реальной действительности, а прежде всего должны отражать новейшие процессы международных отношений [20, С.335-336].

Как любая организация, ООН подошла к тому этапу, когда у нее два пути: либо реорганизация, либо ликвидация. Что из этого предпочтительнее?

Первый шаг в этом направлении уже сделан: включение в число наблюдателей при Генеральной ассамблее ООН Международной торговой палаты (ИТС) с 1 января 2017 года способно повысить роль международной организации в вопросах сохранения мира и борьбы с терроризмом. Ведь бизнес-сообщество более 100 стран мира исходит из интересов стабильности, что является дополнительной гарантией сохранения и приумножения капитала.

Но это лишь первые шаги на этом пути. По мнению С.А. Егорова, сейчас важно реализовать тот потенциал, которым обладает ООН, совершенствовать на основе Устава ООН структуру Организации, наполнять новым содержанием формы и методы ее деятельности [12]. Из этого вытекает, что структура и состав ООН нуждаются в дальнейшей оптимизации. Возможно, стоит усовершенствовать и механизмы функционирования организации, а также систему ее финансирования [21].

В сентябре 2000 года члены ООН приняли Декларацию тысячелетия, в которой изложены цели, которых необходимо достичь в семи областях: мир, безопасность и разоружение; развитие и искоренение нищеты; охрана окружающей среды; права человека; защита уязвимых; удовлетворение особых потребностей Африки; укрепление ООН. И наиболее эффективный, если не единственный, путь для достижения данных целей – через реформы, призванные гарантировать ведущую роль ООН в обеспечении мира и безопасности человечества.

Излишняя бюрократизация, отличительная черта ООН эпохи холодной войны, повторение в функциях многих структур и нарушение Устава ООН еще больше ставят под сомнение эффективность этого органа. Деятельность Совета Безопасности ООН с момента его создания зачастую демонстрирует свою неэффективность ввиду того, что многие положения Устава ООН, касающиеся непосредственно главного органа, ответственного за поддержание международного мира и безопасности так и остались не реализованы. Так, например, не функционирует Военно-Штабной Комитет, Совет Безопасности непоследовательно рассматривал жалобы по одним и тем же вопросам. Или нарушения Устава ООН при интервенции США в КНДР в 1950 г., попытки передать

полномочия Совета Безопасности специально созданному органу – Малой Ассамблее, бомбардировки армией США Ливии в 1986г., вторжение США в Косово и Ирак в обход Совета Безопасности ООН. Избирательный интерес ООН к конфликтам в различных регионах мира дает основания утверждать о наличии в ее деятельности двойных стандартов, например, авторитет ООН был поставлен под сомнение такими событиями, как действия США в Ираке и Югославии, после чего многие усомнились в силе ООН и в целом международного права [22, С.18.]. Или сегодняшняя ситуация - беспомощность Совета Безопасности ООН в урегулировании конфликта между РФ и Украиной.

В основе реформирования главных органов ООН лежит, в первую очередь, идея поиска баланса расстановки сил в мире, который был отражен в Уставе ООН более 70 лет назад. В связи с вышеизложенным, возникающие проблемы в деятельности ООН становятся весьма актуальными. В результате, ООН оказалась на грани кризиса, преодолеть который возможно только совершенствованием деятельности уставных органов ООН и при всеобщей заинтересованности всех государств-членов.

Проведенный анализ выявил ключевой институциональный пробел: в системе Организации Объединенных Наций нет никакого органа, конкретно предназначенного для недопущения развала государства и «сползания» к войне или для оказания странам помощи в процессе их перехода от войны к миру [23.].

То, что это не было включено в Устав ООН, не вызывает удивления, поскольку работа ООН в связи с конфликтами, являющимися в основном внутренними, является довольно новой. Однако сегодня, в эпоху, когда десятки государств находятся в состоянии напряженности или только выходят из конфликта, существует явное международное обязательство оказывать государствам содействие в укреплении их способности эффективно и ответственно выполнять свои суверенные функции.

Например, Генеральная Ассамблея должна использовать все возможные свои полномочия для сближения государств по достижению глобального консенсуса по политическим вопросам первостепенной значимости. Ключом к укреплению роли Генеральной Ассамблеи является ее нормотворческая способность, которая часто растрачивается на прения по мелочам или по тематическим проблемам, происходящим в реальном мире. Здесь необходимо обратить внимание и на неспособность добиться прекращения бесконечных прений, и на громоздкую повестку дня, которая приводит к повторяющимся дебатам. Хотя, надо отметить, есть некоторые резолюции, как, например, Всеобщая декларация прав человека 1948 года и Декларация тысячелетия ООН 2000 года, являются в высшей степени значимыми, но основная масса принимаемых резолюций являются повторяющимися, неясными или неприменимыми, тем самым ослабляют авторитет этого органа [24.].

С точки зрения членства, организация может похвастаться успехом, ее участие в международных отношениях действительно обладает серьезным весом.

Принятым решениям и данным мандатам Совету Безопасности часто не хватает адекватных ресурсов по полной их реализации, поэтому в 1993 году при Генеральной Ассамблее была создана рабочая группа открытого типа, занимавшаяся именно проблемой реформирования и Совета Безопасности ООН и разработавшая Резолюцию 53/30 от 23 ноября 1998 года [25]. А в Декларации тысячелетия 2000 г. все государства заявили о своей решимости активизировать усилия «по проведению всеобъемлющей реформы Совета Безопасности во всех ее аспектах» [26]. В действительности, вопросы реформирования ООН начались еще до официального открытия этой организации [27.]. Но в последующие десятилетия шаги по ее реформированию предпринимались и предпринимаются постоянно.

Тем не менее вопрос о реформировании ООН остро встал после принятия Декларации тысячелетия, призвавшей активизировать усилия по проведению всеобъемлющей реформы ООН. В 2003 году Генеральный секретарь ООН учредил группу по вопросу институциональной реформы ООН, в состав которой вошли представители Ирана, Испании, Швеции, США, Венгрии, ЮАР и др. Возглавил группу бывший президент

Бразилии Ф.Э. Кардозу. Доклад, подготовленный Группой, содержит ряд предложений по реформированию ООН.

В Итоговом документе Всемирного саммита 2005 г. [28] главы государств и правительств членов ООН выступили в поддержку скорейшего проведения реформы Совета Безопасности в качестве неотъемлемого элемента общих усилий по реформированию ООН с тем, чтобы сделать его более представительным и действенным, и тем самым обеспечить повышенную легитимность его решений.

